

Анвар Назиров. Нодирабегим. Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг кўргазмасидан

Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи

Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти

Тошкент–2001

Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи Истиқлолнинг ўн йиллигига бағишланган ушбу асарни нашр этишда ҳомийлик қилган Олмония **"Ferrostaal AG"** компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига миннатдорчилик билдиради.

Масъул муҳаррир
АЗИЗХОН ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи
МАҲБУБАХОН ҚОДИРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Н $\frac{4702620102-295}{М\ 361(04)-2001}$ гриф-2001

ISBN 5-86484-047-5

Моҳлар ойим ўзбек мум гоз адабиётининг йирик намоян даси, маърифатпарвар шоирадир. Нодира ва Макнуна девон ларининг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги бир қатор нашрла ри мавжуд. Шоиранинг Комила тахаллуси билан тузилган в кўпчилик шеърлари номаълум бўлган ушбу девони биринч маротаба китобхонларга тўлалигича тақдим этилмоқда.

Ушбу асар илмий ходимлар, олий ўқув юртларинин ўқитувчилари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасин мўлжалланган.

"Нодираи давронимиз камолу ақлу ҳушёрликдин мамлакат ни ўз тахти таснифига олди, халқларни эҳсону карам била шод этди. Фарғона мулкини обод қилди. У – Зуҳрасифат Н дира ҳеч вақт давлат, салтанатга мағрур эмас эди. Камол ақлу закоси, табъи расосидин кечаю кундуз рангин ғазалл ёзиш ва ўқиш билан машғул бўлур эрди".

Беҳжа

Сиёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покимен,
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни.

* * *

Комила, меҳру муҳаббат мулкининг султониман,
Давлатимдин баҳравар Фарғонадур фарзоналар.

* * *

Мен ҳам ҳиммат ила эл хотирин шод қилай,
Мулк вайроналарин адл ила обод қилай.

Нодиранинг комил сатрлари

Моҳларойим – Нодира XVIII аср охири ва XIX асрнин биринчи ярмида яшаб ижод этган, ажойиб шеърлари би лан ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутга маърифатпарвар шоира, давлат арбоби, маданият ва ада биёт ҳомийсидир.

Моҳларойимдан бизгача Комила, Нодира, Макнуна та халлуслари билан ўзбек ва форс-тожик тилларида яратил ган лирик асарлардан иборат каттагина адабий мерос ети келди.

Моҳларойим 1792 йили Андижон ҳокими Раҳмонқулби оиласида таваллуд топди. Шоиранинг ота-онаси Амир Те мур хонадониига мансуб эди. Унинг онаси Ойшабегим шои табиатли донишманд аёл бўлган. Моҳларойим шу муҳитд тарбия олди, халқимиз тарихи, маданияти, илм ва адабиё тидан яхшигина хабардор бўлиб ўсди. Ёшлигидан ўткир зе ни, нозик табиати ва шоирона салоҳияти билан ажралиб тур ган Моҳларойим шеъриятга эрта ҳавас қўйди. Устоз Навоий Жомий ва Бедил каби алломаларнинг асарларига бўлган эъти қод билан руҳан баркамоллашиб борди.

Маълумки, бу йилларда Қўқон хонлигини Олимхон идо

ра қиларди. Унинг укаси Умархон эса Фарғона водийсининг нуфузли шаҳарларидан бўлган Марғилонда ҳоким эди. Умархон ва Моҳларойим 1807 йилларда турмуш қурадилар. Шу муносабат билан Моҳларойим Марғилонга келади. Қўқон хонлигида давом қилиб келаётган зиддиятлар оқибатида 1810 йили Олимхон қатл этилиб, унинг ўрнига Умархон тахтга кўтарилади. Шундан бошлаб Моҳларойим тақдири Қўқон билан боғланиб қолади. Унинг шоира сифатида кенг кўламда ижод майдонига кириб келиши ҳам шу йилларга тўғри келади. Амирий тахаллуси билан лирик шеърлар ёзган Умархон шоиранинг устози эди.

Моҳларойим Қўқонда хон саройида экан, давлат ишларидан ҳам воқиф бўлиб боради. Хусусан, адабиёт ва санъат аҳли билан яқинлашишга, давр шеъриятини юқори кўтаришга астойдил киришади. Моҳларойим ва Умархоннинг оиласида Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхон исмли икки ўғил туғилади. 1822 йили Умархон вафотидан кейин 14 ёшли Муҳаммад Алихон давлатни бошқаришга киришади. Ўттиз ёшида бева қолган Нодирабегим ҳам ёш хоннинг ёнида мамлакатни бошқариш ишида фаол иштирок эта бошлайди.

Нодира давлат ва мамлакат ишларини тадбир ва адолат билан идора қилишда ҳомийлик намуналарини кўрсатаркан, бу йилларда мамлакатда бирмунча осойишталик сақланди. Қўшни ўлкалар ва уларнинг ҳукмдорлари билан савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда ҳамкорликлар амалга оширилди. Шоира мамлакатдаги қурилишлар соҳасида олиб борган ишлари, маданият ва адабиёт борасида кўрсатган ташаббускорликларини девон дебочасида шундай таъкидлайди: "...Саййиду содот, машойиху уламолардин туҳаф ва

ҳидоя бирла дуолар олдим. Масокин ва бенаволарға хайрў эҳсонлар бирла баҳра еткурдим. Карам ва ато хонидан фуқаро халқини мамнун ва мустағни айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргуздим. Ва жаворида мадрасаи файзосор улуми диний талабаларига бино қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларға анжом, фуқароға ором еткурдим. Мамлакатни обод, мустамандлар кўнглини шод қилдим. Уламоои дин ривожларига имдод еткурдим, то шаръи шариф ривож топди, зуҳд аҳлиға ихлос ва ақидатан зоҳир қилдим, то дин ва миллат камол топди. Фазлу дониш қабиласиға шафқат марҳаматдин онча иноятлар кўргуздимким эътибор даражасиға тараққий қилдилар. Мусҳафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим. Барчасини холисаниллаҳ вақф қилдим".

Замондошлардан шоир Хотифнинг гувоҳлик беришича, Моҳларойим "мамлакат низоми ва халқ эҳтиёжларини тадбир ва адолат расмида камоли ақл ва фаросат билан шундай олиб бордики, тамоми умаро ва фузалолар даврасида ягонаи замона, "Нодираи даврон" бўлиб танилди ва халқлар таҳсинига сазовор бўлди".

Бироқ хонликлар ўртасида давом этиб турган муттасил келишмовчиликлар Моҳларойимнинг ўз фаолиятини кенг равнақ топтиришига раҳна солар эди. Оқибат шундай бўлдики, 1842 йили Бухоро амири Насрулло гўё бу ерда изидан чиққан шариат қоидаларини низомга солмоқчи бўлиб турли важ-корсонлар билан Қўқон устига бостириб келади. Хонликнинг ҳамма эътиборли кишиларини таъқиб этиб Нодирани икки ўғли Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон ва норасида набираси Муҳаммад Аминхонлар билан ваҳшийларча қатл эттиради. Жоҳиллик ва нодонлик қур-

бони бўлган, ўзбек халқининг азиз шоираси Нодирабегим ёрқин ижоди билан сўнмас из қолдирди.

Нодира ўзбек мумтоз адабиётининг Қўқон адабий мактабида камол топган ва унинг тараққиётига чексиз ҳисса қўшган маърифатпарвар қалам соҳибасидир. Шоира яшаб ижод этган даврда Қўқон хонлигида ўзбек адабиёти кенг ривож топиб, ўзига хос адабий муҳит юзага келди. Унинг бошида Қўқон хони Умархон (Амирий) турар эди. Нодира ҳам ўзбек адабиётида устозлик ва ҳомийлик даражасига кўтарила олган йирик сиймолардан эди.

Муҳтарам китобхонлар шоиранинг Нодира ва Макнуна тахаллусли қўлёзма девонларининг ўзбек ва форс-тожик тилида амалга оширилган бир неча нашрлари билан танишдирлар[1]. Лекин унинг Комила тахаллуси билан ёзган шеърларининг жуда оз қисмигина маълум эди. Кейинги йиллар ичида самарқандлик шеърият мухлиси Маҳмуд Диёрийнинг шахсий кутубхонасида шоиранинг Комила тахаллуси билан битган шеърлари жамланган яна бир қўлёзма девони борлиги аниқланди.

Девон Ўрта аср Шарқ китобат анъаналари асосида тузилган бўлиб, шоиранинг наср ва назмда ёзилган дебочаси билан очилади. Дебочада Аллоҳга ҳамд, пайғамбарга наът, Қуръони Карим оятлари ва ҳадисларга ишора қилувчи мисралардан сўнг шоира ҳаёт йўли, ижод босқичлари, ижтимоий фаолияти, ўзи мансуб бўлган муҳитнинг хусусиятлари, девоннинг тузилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот беради. Дебочада шоира ўқувчиларга мурожаат қилиб: "... ал мулаққаб бил Комила андоғ баёни ҳол ва изҳори мофилбол этарким" деб, ушбу девонга Комила тахаллуси билан ёзилган шеърлари жамланганини билдиради. Дебочада шоира

ўзининг бадиий ижодда малака ҳосил қила борганини таъкидлар экан, ушбу девон Умархон вафотидан сўнг атрофидаги афифа олималар ва фозила ҳамсуҳбат шоираларнинг илтимослари билан ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини жамлаб тузилганлигини шундай изоҳлайди: "Ночор ул нодиратабъ маъсумалар ва ул афифаи муҳтарамаларнинг савоб райларин маъқул ва мақбул билиб, жамъ этмоққа иқдом кўргузуб, эҳтимом ва саъй тамом бирла ҳар баҳрини ўз маҳаллида сабт қилдим, тартиб бирла ҳар қайсиси ўз еринда марбут бўлинди. Шоядки, аҳбоблар ва соҳибдил авло албобларға манзури назар бўлуб дуои хайр бирла ёд қилғайлар".

Шоира асарларини қиёсий ўрганиш натижасида Нодира тахаллуси билан илгари нашр этилган ўзбек тилидаги ғазаллар ва Макнуна тахаллуси билан тожик тилида ёзилган шеърларнинг айримлари ушбу девондан кўчирилганлиги маълум бўлди. Девон ўзбек ва тожик тилида Комила тахаллусида ёзилган 373 (7000 мисрадан ортиқроқ) шеърни ўз ичига олади. Муҳими шундаки, девонда ҳали китобхонларга маълум бўлмаган икки ярим минг мисрага яқин шеър мавжуд. Булар шоира меросини тўлиқ тасаввур қилишга имкон яратади.

Қўлёзма девоннинг охирги саҳифалари бўлмагани учун унинг қачон кўчирилганлиги маълум эмас. Дебочада қайд этилишига кўра девон шоира ҳаёт вақтида, Амирий девонлари билан бир вақтда кўчирилган дейишга асос бор. Шоира қаламига мансуб бўлган қуйидаги жозибали мисралар фикримизга аниқлик киритгандек бўлмоқда. Моҳларойимнинг ёшликда яратган лирик асарлари учун инсон ва унинг ранг-баранг руҳий ҳолатини тараннум этиш характерлидир. Шои-

ра инсонни шарафлиларнинг шарафлиси деб билади. Унинг Аллоҳ томонидан инъом этилган мўъжизавий ақл-идроки, ҳис-туйғулари ва ҳамиша ёрқин дидига таҳсинлар ўқийди, уни улуғлайди. Шоиранинг ёшлик онларини эслатувчи:

Ул шакар лабки эрур жондин азиз,
Кимки йўқ ондин азиз, ондин азиз,
Келди ашраф барча олам аҳлидин,
Йўқтурур дунёда инсондин азиз.
Жон берурман дилраболар ишқида,
Ким эрур жононалар жондин азиз, –

каби шўх, ёниқ мисралари билан бирга унинг кексалик даврларига оид қуйидаги байтлари ҳам учрайди:

Ожизу фақиру пири бар замин афканда аст,
Кард мустагни маро аз халқи сомони худам.

Мазмуни:

Кексалик мени ожизу нотавонликда ер билан тенг қилди,
Лекин халқимдан менга қадр ва бойлик етди.

Нодира асарларида унинг ҳаётга бўлган некбин қарашлари, хотин-қизларнинг завқли, аччиқ тақдиридан тортиб, унга умид бахш этувчи ҳаётнинг ҳамма мўъжизалари юксак санъат билан тараннум этилади. Шунинг учун ҳам девон дебочасида ўз асарларини "иқбол баёзига мувофиқ тушиши", "ишқ аҳли кўнглини хушнуд қилиши" билан бирга "халойиқ табиатига мақбул келишига" ишонч билдиради.

Шоиранинг Комила, Нодира, Макнуна девонларига

жамланган ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини қиёсий ўрганиш, асарлари устида матншунослик асосида жиддий илмий иш олиб боришни тақозо этади. Шунингдек, кўплаб янги шеърларнинг аниқланиши шоиранинг ижодий оламига чуқурроқ киришга восита бўлмоқда. Булар шоира дунёқарашининг реал ҳаётга бўлган муҳаббати, инсонпарварлик, халққа, ватанга садоқат туйғуларини таҳлил этиш, айни пайтда Нодира асарларининг сатирик томонларини белгилашда муҳим манба ҳисобланади.

Шоира ўзининг фалсафий қарашлари билан инсонни келгуси яхши ҳаётга умидвор бўлиб яшашга ундайди. Муҳтарам шоиримиз Мақсуд Шайхзода таржимасидаги Нодиранинг "Умед ҳастки, субҳи умеди мо бирасад" сатрлари билан бошланган қуйидаги мисралари шу жиҳатдан характерлидир:

Умидвормиз, умидимиз тонги келиб етади,
Балоларнинг, зиндонларнинг кечаси йўқолади.

Замонасидан ҳамиша осойишталик ва яхшилик қидирган, улусни маърифатли, ватанни маданиятли кўришни орзу қилган ажойиб шоирамизнинг қуйидаги ҳикматомуз сўзлари бугун ҳам ўз қимматини, долзарблигини йўқотмаган:

Хушо оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фанодин ўзини некном айлаб.

Истиқлол миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, аждодлар тарихини янада мукаммал ўрганиш учун бой имкониятлар яратди. Чунки бугунги миллий мафкурани яратиш, уни халқимиз онгига сингдириш ва шу асосда комил инсони тарбиялашда ўтмишнинг бой анъаналарини ўрга-

ниш катта илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов: "Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон, эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб этади", деганида ҳар жиҳатдан ҳақдир.

Ҳурматли китобхонларга Моҳларойимнинг ўз қўли билан тартиб берган Комила девонидан ўзбек тилидаги шеърларини тақдим этмоқдамиз. Ушбу мажмуани нашр қилишда яқиндан ёрдам кўрсатган Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи раҳбарияти ва ҳомийлик қилган идораларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Маҳбубахон Қодирова

Маҳбуба ая Қодирова Нодира ҳаёти ва ижодига бағишланган нашрлари билан

Комила девонидан саҳифа

Дебоча

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ҳамди беҳаду санои беадад ул сонъи беҳамтоякким, одам пайвастаси тазминиға робита ва низом андин.

Офарин бар ҳикмати яздони пок,
Кард инсон халқ аз як мушти хок.
Зад рақам чун килки сунъаш кофу нун,
Аз самак орост то фавқул самок[2].

Шукр ва сипоси беқиёс ул қодири лоязолакким, жаҳон девонининг дебочасиға ислоҳ ва интизом андин. Назм:

Ул худовандеки қудрат ошкоро айлади,
Етти туфроқ узра тўққуз қубба барпо айлади.
Оламу одамни халқ айлаб камоли ҳикмати,
Халқ аро турлук аломатлар ҳувайдо айлади.
Зарраи хуршиди тобон қатра то баҳри амиқ,
Ҳар бири асрори ҳикмат эрди иншо айлади,
Қилди Аҳмадни нубуввват осмонида қуёш,
Ул қуёш анворидин оламни пайдо айлади.

Қодири дурри якто ва маъбуди дурри беҳамто. Байт:

Қодири бечунки олам тахти эҳсонидадур,
Зарра то хуршиди тобон барча фармонидадур,
Тил анинг зикрига зокир, шукрига жон мустаид,
Ушбу маъни ҳар кўнгул авроқи девонидадур.

Зоти сифатидин хаёл ожизу қосир, вужуди маърифатидин фикру андиша ожизлиғи зоҳир. Жалла жалолаҳу ва амма наволаҳу ва дуруди номаъдуд ва дуруди салавотуҳу ул ҳабиби Довудғаким, "Вамо арсалнока илло раҳматан лил оламин"[3] анинг сифати ва "Лавлока ламо халақат ул афлока"[4] анинг маърифати меърожи ҳақ ва ҳадиси сиддиқа.

Назм:

Аҳмадки ҳабиби ҳақ таолост,
Кавнайн зи нури ў ҳувайдост.
Аз зулмати маъсият чи бок аст,
Хуршиди жамоли ў мужаллост.[5]

Муҳаммадким набилар хотамидур,
Бисоти ламъи Аллоҳ маҳрамидур,
Анга ҳар кимсаким табъият айлар,
Саодатнинг саводи аъзамидур.

Назм:

Шоҳики эрди лавҳи вали маҳзанул улум,
Инкор этса ҳар киши улдур лаъину шум.
Хуршиди моҳи талъати ки аш-шамси вал қамар,
Еронларидур авжи ҳидоятда кан-нужум.[6]

Назм:

Эрди Бубакр ёри ғор анга,
Умар адл этти устувор анга,

Қилди Усмон чароғидин равшан,
Муртазо эрди дўствор анга.

Салавотуллоҳи алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ат-таййибина ат-тоҳирина ажмаъин илал-явмиддин. Аммо баъд бу қоилаи маҳжуба ва толибаи маҳжура ишқу муҳаббат зумрасиға шомила ва шариат аҳкомида омила ал-мулаккаб бил Комила андоғ баёни ҳол ва изҳори мофилбол этарким, муддати мадид ва аҳди баъиддурким, фироқ ошубидин ошуфтахотир ва ҳижрон аламидин кўнгулда хавотирдур, андоғки асолат гулистонининг шажараси ва нажобат бўстонининг самараси, мураббий ул-масокин ва умдатус-салотин саййид Муҳаммад Умар Баҳодирхон (навараллоҳу марқадаҳу) висол маснадида кўмакдошим ва иттиҳод саририда ҳамфирошим эрди ва ул ҳазрат мусоҳабатидин муддати мураффаҳул-ҳол ва ҳаводис иштиғолидин фориғул-бол эрдим. Висол қасрида шодком ва мусоҳабат маснадида айшу нашот бирла мутамаккин эрдим ва ул султоннинг давлати дийдориға масрур ва лиқосиға мағрур эрдим.

Байт:

Эй хуш ул кунларки васл базмида масрур эдим,
Шоду хуррам давлати дийдорига мағрур эдим.

На кўнглумда фироқ андуҳидин ғам ва на жонимда ҳижрон дардидин алам эрди ва жамоли шамъидин кўзларим равшан ва кўнгул баҳраманду хурсанд эрди. Қадру манзалатим офтоби рифъат ва макрамат машриқидин толеи иқбол ва давлатим хуршиди салтанат айвонида ломиъ, аморат ва сиёдатим элга равшан, асолат ва нажобатим улусға мубарҳан, балки сиёдатимиз аморат хонадониға иттисол ва пай-

ванд топиб, балки ул жиҳатдин бу хонадонға сиёдат саодати интиқол қилиб, аморатлари сиёдат ташрифиға мушарраф бўлмиш эрди. Ва ул султони олий нишонғи, назм:

Адолат сипеҳрида эрди қуёш,
Эрур яхши авсофи оламға фош.
Бўлуб адлидин элни осойиши,
Анинг давлати эрди эл хоҳиши.
Амири жаҳонким, менга ёр эди,
Анинг бирла хуш давлатим бор эди.
Скандар жанобу улувшон эди,
Карампеша Жамшиди даврон эди.

Аммо ул ҳазратнинг латойиф шоир табиатлари комиға шеър мазоқи ғолиб ва ашъор рағбатиға кўнгуллари роғиб эрди ва бир лаҳза замири муҳаббат тахмирлари латойифомиз за масарратангиз абётлар мазмунлари хаёлидин холи эрмас эрди. Бовужуди шуғли умури сипоҳ ва мамлакат, ашъор санъатидин бир замон йироғ ва фикру андишадин бир лаҳза фароғ топмай ҳамвора каломлари назм пирояси бирла пироста ва пайваста, такаллумлари гавҳари вазн ҳулали бирла ораста эрди ва аксари авқот мавзун хаёллар бирла ғазал ва мухаммас ва таржиъ ва мурассаъ қилур эрдилар ва андин ошиқларға сурур ва ҳусн аҳлиға ғурур пайдо бўлур эрди ва мен ҳам алар мутобаатида назм услубидин баҳра топиб "Ассуҳбату муассиратун"[7] натижаси бирла кам-кам шеър қонунидин хабардор бўлуб, гоҳо бирор мисраъ ва гоҳо бирор байт тақлид бирла айтур эрдим. Ҳазрат баъзи нуқсонлариға ислоҳ бериб мавзун ва мурассаъ қилур эрдилар. То андак фурсатда ашъор қоидалариға мувонасат пайдо қилдим, то назм фунуниға моҳир ва мазмун сеҳрида соҳир бўлдим. Эрса гоҳо ул ҳазрат баъзи тоза

мазмунлардин бир мисраъ бирла савол тариқасида сўрар эрдилар, филфавр охири мисраъ бирла жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим. Бири будурким, бир кун савол қилдиларки, мисраъ:

– Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?

Жавоб айдимки, мисраъ:

– Ким булар урён, аларнинг жуббау дастори бор.

Бу тариқа, мазмунлар бирла кўнгулларига фараҳ еткурур эрдим, мундоғ латойиф ва назокатлар бирла рўзгори давлат ва салтанат хуш кечар эрди.

Байт:

Эй хуш ул ёрки, ёри била ҳар шому саҳар,
Қилсалар бир-бирини ҳусни жамолиға назар.
Нўш этиб соғари май базми висол ичра мудом,
Бўлмаса даври фалак гардишидин зарра хабар.

Бир неча кунлар висол саририда ва мусоҳабат маснадида шодком ва фирузбахт комрон ва ҳуррамдил, нашот ва инбисот қилур эрдук. Баногоҳ қазоу қадар тақозосидин хуш қулоғига "Иржии валия раббика"[8] нидоси етти. Ул дамки бу нидони эшитти, руҳ тўтиси қурбат шаккаристони фазосиға тайрон қилди. Ва равон шоҳбози бу тийра хокдондин адам шоҳсорини нузҳатгоҳига парвоз қилди. Тахту давлат ва тожу салтанат ва нигуни ҳукуматни ўз қурратул-айниға таслим қилиб, фано доридин бақо диёриға азм қилди. "Инналиллаҳи ва инна-илайҳи рожиъун".[9]

Байт:

Эй фалак қайси қуёш юзлукни ҳар кун чарх уза
Жилвагар қилдингки, охшом ерга пинҳон этмадинг.

Иттиҳод пайвандидин мувосалат риштаси узулди, айшу тараб қонунининг пардаси бузулди. Базму ишрат суруди мотам навҳасиға бадал бўлди ва висол созини ҳаловатлиғ нағмаси фироқ шеваниға қўшулди.

Назм:

Чун бўлди даҳр шоҳи айёмдин рамида,
Юз доғ бирла қолди аҳбоб мотамида.
Сабру қарор кетди ман зору бенаводин,
Андуҳ бирла қолдим саййид Умар ғамида.

Кундин-кун фироқ дарди ва иштиёқ алами туғён қила бошлади. Ҳар нечаким сабру таҳаммул этагин ушладим, охир беқарорликдин жунун илги бирла тоқатим гирибонини чок-чок эттим. Гоҳо хаёли бирла кўнгул изтиробиға тасалли бердим ва гоҳи ёдин қилиб дил аҳволини инқилобиға ором ва таскин еткурдим. Саййиду саодот, машойиху уламолардин туҳаф ва ҳидоя бирла дуолар олдим. Барчасин руҳи покиға бағишладим. Масокин ва бенаволарға хайру эҳсонлар бирла баҳра еткурдим. Карам ила ато хонидин фуқаро халқини мамнун ва мустағний айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргуздим. Дуоларин ул ҳазрат жанобларига васила қилдим. Ва ҳар дуоки ҳосил қилдим, марқади шарифлариға туҳфа юбордим ва ул равзада иҳтимом бирла тоқи олий ва равоқи мутаолий мустаҳкам бино қилдим. Аҳбобларға қиблагоҳи дуо бўлди. Ва жаворида мадрасаи файз-осор улум диний талабалариға бино қилдим. Ва тижорат аҳли ва савдо хайли учун саройи олий барпо қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларға анжом ва фуқароға ором еткурдим. Мамлакатларни обод ва мустамандлар кўнглини шод қилдим. Уламои дин ривожлариға имдод еткурдум то шаръи шариф ривож топти, зуҳд аҳлиға ихлос ва ақидатан зоҳир қилдим то дин ва миллат камол топти. Фазлу дониш қабиласиға шафқат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздумким, эътибор даражасиға тараққий қилдилар. Сойил ва гадоларни талаблариға еткуруб, карам ва эҳсон эшикидин ноумид юбормадим. Мусҳафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим. Барчасин холисанлиллаҳ вақф қилдим. Савоб ва ажрини ул ҳазратнинг руҳи равонлариға ийсор айладим. Ва ҳар гоҳки фироқ шиддати ғалаба қилур эрди марсия ва фироқнома хаёл қилиб, мазмунида дилхарош ғазаллар иншо қилур эрдим. Ва кўнгул иштиёқига анинг бирла таскин берур эрдим. Нечукким, ул ҳазрат мутобаатлари бирла ашъор қоидасидин андакки бохабар бўлиб эрдим, фурқат айёмида ҳам хаёли базмида висолин маҳфилини тасаввур қилиб, ёди бирла ҳасби ҳол айтишур эрдим. Ва бу васила бирла ғазал ва мухаммас ва рубоий машқиға қоғаз поралар тўлди. Ва ҳар кимки, ул пораларни мутолаа қилди мақбули табиати бўлди.

Охируламр хизматимда ҳамнишин олимаи афифалар ва мулозаматимда фозилаи ҳамсуҳбат шарифалар бир кун тазарруълар била илтимос қилдиларким, бу табиатзодаларининг паришон қолғони ошуфталиғдин ўзга натижа бермас ва бу жаридалар ҳаводис тундбодидин паришон бўлмағонда девон тақлидида жамъ қилиб, баҳр-баҳр тартиб бирла ёзилса, зебо ва мустаҳсан бўлғусидур ва ҳазрати амири жаннатсарир марҳум девонларининг баробарида мухтасар девон бўлуб, сабаби дуо ва боиси мағфиратдур ва дўстлариға маншаи сурур ва нашоти ёдгорлиқ бўлур. Йўқ эрса айтурларки, мисра: "Куллу ҳарфин лайса фи-л-қиртоси зоеъан"[10]. Олам бевафо ва бесабот. Дунё бебақо ва нопойдор. Одам

авлодидин солиҳ бирла яхши от ва неку сифот ва саодат нишони ва комкорлиғ иқтиронидур. Ночор ул нодиратабъ маъсумалар ва ул афифаи муҳтарамаларнинг савоб раъийларин маъқул ва мақбул билиб, жамъ этмоғига иқдом кўргузуб, эҳтимом ва саъйи томом бирла ҳар баҳрини ўз маҳаллида сабт қилдим. Тартиб бирла ҳар қайсиси ўз ерида марбут бўлунди. Шоядки, аҳбоблар ва соҳибдил улул-албобларға манзури назар бўлуб, дуои хайр бирла ёд қилғайлар. Ишқу ҳол зумраси шавқангиз ғазаллардин ҳаловат топиб, умиддурки, худо карамидин мағфират ва омурзиш тилагайлар. Мундоғ умидлар била ўз ҳолимға ярашур сўзлар айтуб, авроқ юзларин саводға келтурдум. Ва мусаввадалар бирла саҳифаларни тўлдурдум.

Рубоий:

Алвон ғазал йиғилди девон ўлди,
Девон демаким, рашки гулистон ўлди.
Ҳижронида сўзларим паришон эрди,
Ҳар ким ўқиди, табъи паришон ўлди.

Рубоий:

Ё раб, бу савод ишқда содиқ бўлғай,
Иқбол баёзиға мувофиқ бўлғай.
Ишқ аҳлини хотири бўлуб хуш андин,
Мақбули табиати халойиқ бўлғай.

Илтимос муддақиқ расолардин ва муҳаққиқ фузалолардин улдурки, ҳар саҳву хато ва халалеким зоҳир бўлса ва ҳар нуқсонеки воқеъ бўлғон эрса, инсоф ва мурувват казлаки бирла маҳв қилиб, лутф ва марҳамат қалами бирла ислоҳ бериб, барча нуқсонларин камол кисватида кўргузсалар, айни шафқат ва марҳамат бўлғусидур. Ва бу амалдин ажри азим ва савоби жазил топғайлар. Ва бу паришон сўзлардин ирод олмоғи ва нуқсонин элға зоҳир қилиб таън этмоғи инсоф диёридин ташқари ва мурувват шаҳридин наридур.

Байт:

Элни айбини зоҳир этмоглиг,
Йўқтур инсоф ила мурувватдин.
Улки, эл айбини қилур пинҳон,
Тангри сақлар ани ҳар офатдин.

Саҳву хатоларин маъзур билиб, инсоф келтургайларким, кўпроғи шавқ ғалабаси ва жунун туғёнида айтилғон ва баъзи беҳудлуқ ва баъзиси беҳушлуқ ифротида ёзилғондур.

Байт:

Ўшалким хушманду нуктадондур,
Хатоси хатларин маъзур тутқай.
Бериб ислоҳ ани нуқсонлариға,
Мухолиф таънасидин дурр тутқай.
Ўшалким элни айбини ёшурса,
Худо ул бандани мағфур тутқай.

Оқил нодон сўзидин ирод олиб баҳс қилмас, балки ислоҳиға қўшиш қилур. Аёзанбиллаҳ нодони худписанд ва жоҳили нохирадманд ўз қосир хаёлиға мағрур ва норасо зеҳниға масрур бўлуб, маънидин бехабар, табиати сўз румузидин беасар, беҳуда тааррузлар била дахли бежо қилиб, баҳси бемавқиъ оғоз этар. Ва ўз эгри фаҳмиға ишониб ва ботил хаёлиға эътимод қилиб, ҳарза сўзлар била бемаврид тааррузлар кўргузур.

Назм:

Аларки муддаию норасоу дундурлар,
Мудом аҳли ҳирад олида забундурлар,

Муддақиқ эл қошида сўзлари хижолатдин
Мисоли хомаи наққош сарнигундурлар.
Ҳамиша фаҳмлари эгри, сўзлари ботил
Ки ўз ақидалари бирла зуфунундурлар.
Камол аҳлиға бадхоҳ норасолиқдин
Иноду бухлу ҳасад бирла ғарқи хундурлар.

Илоҳий, андоғ бехирад муддаилардин ва бу сифат бешуур жоҳил худписандларнинг ботил даъволаридин ва бемаъни баҳсу ғавғоларидин афгор абкорларин ўз ҳифзу ҳимоятингда масун ва исмат ҳижласида маъмун тутқайсен. Кўнгулларға маҳбуб ва марғуб қилиб иффат ва салоҳият ҳулали бирла ораста ва пироста қилгайсен.

Донойи мунассифлар, абруманд ва бадхоҳ маонидлар элға нописанд бўлғайлар. Беҳудагу – хору ҳарза мақол – ноэътибордур. Ва аларнинг қавли ношойиста ва бекордур. Эътибор нуктасанж донолар сўзи ва зуфунун расолар румузидур. Ва бу байти машҳур мазмуни анга далолат қилурким, байт:

Доно ба ҳар диёр азизу мукаррам аст,
Лаънат бар он диёр, ки нодон бувад азиз.

Илоҳи доноу фозил азизларға раҳмат ва нодонларға ибодатда тавфиқ каромат қилғайсан. Омин ё раббил-оламин. Таммат ал дебоча "би авниҳи ва карамиҳи ва настағфируллоҳа мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино"[11]. Омин.

---

[1]Нодира. Асарлар. Икки жилдлик, уч китоб. 1-жилд, биринчи китоб, Девон (Нодира тахаллусли ўзбек тилидаги шеърлари); 2-жилд, икки китоб, Девон (Макнуна тахаллусли тожик тилидаги шеърлари ва уларнинг насрий таржимаси), Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1968, 1971 й.

[2]Пок худонинг ҳикматига офарин, инсонни бир мушт туфроқдан яратди. Унинг яратувчилигидан коф"у, нун" рақами чиқди, балиғдан балиғлар тартиб берди.

[3](Эй Муҳаммад) сени дунёга раҳмат учун юбордик.

[4]Сен бўлмаганингда дунёни яратмаган бўлардим.

[5]Аҳмадким ҳақ таолонинг ҳабибидир, икки олам унинг нуридан пайдо бўлди. Унинг жамоли қуёшдек ҳамма ерни ёритиб турганда, маъсиятининг қоронғилиғи нимага керак.

[6]Асҳоби кан-нужум биайн иқтадайтум иҳтадайтум (дўстларим юлдузларга ўхшаш кўпдир, қайси бирига эргашсангиз ҳидоят топасиз) ҳадисига ишорадир.

[7]Бир-бирига таъсир этувчи, ёқимли, суҳбат.

[8]Оят: Раббинг ҳузурига қайт.

[9]Биз Аллоҳ таолонинг мулкимиз ва албатта бизлар яна унинг ҳузурига қайтувчилармиз.

[10]Қоғозга тушмаган ҳар бор ҳарф зое кетади.

[11]Нафсларимизнинг ёвузлигидан, амалларимизнинг ёмонлигидан сақлашни Аллоҳ таолодан сўраймиз.

Ғазаллар

Эй ҳамдинг ўлуб боиси ҳангомаи ашё,
Исботи вужудунгга шақойиқ тили гўё.

На тоқи муқарнас ўла сунъинг била қойим,
Кавнайн вужуди сенинг амринг била барпо.

Муҳтож сенинг даргаҳингга мўъмину муфлис,
Иқрор сенинг бирлигингга жоҳилу доно.

Кайфияти жоми караминг руҳи физодур,
Ким зиндаи жовид эрур Ҳизру Масиҳо.

Гар бўлмаса Юсуфда жамолингни нишони,
Ҳусниға недин волау зор ўлди Зулайхо.

Гулшанға юзунг шуъласи гар солмаса партав,
Гул ишқида булбул на учун волау шайдо.

Гар шамъда йўқтур шарари шуълаи ҳуснунг,
Парвона недин куймакидин қилмади парво.

Ошиқ ўзи, маъшуқ ўзидур, лек афсона
Лайли била Мажнун ила Вомиқ ва Узро.

Ҳажр ичра эрур Комила муштоқи висолинг,
Шоядки кўзум қилса жамолингни тамошо.

Аввали номамни ҳамдинг бирла айлай ибтидо,
Зоти покингга эрур на ибтидо, на интиҳо,

Мен киму васфингни зикр этмак ва лекин кўнглума
Юз туман шавқи муҳаббат шуъласи бермиш зиё.

Эй кўнгул, шавқингни изҳор этма дафтар куймасун,
Ҳамдидин сўнгра дейин наъти расули мужтабо.

Ҳамд бирла наътдин сўнгра сўзумни бошлайин,
Қилсалар менга мадад гар чорёри бо сафо.

Ё илоҳо, бер менинг хомам тилиға қуввате,
Ким Муҳаммад оли асҳобиға айлай юз дуо.

Ё раб, эмди айтайин дардимни ул гул шавқидин,
Шамъ янглиғ шуълалар кўнглумни куйдирди яно.

Икки оламда умидим сендин эрмиш, Комила,
Қилмағил, ё раб, ўзунгдин ўзгаларға ошно.

Худовандеки бўлди сунъдин арзу само пайдо,
Қилур бир қатра сувдин гавҳари қимматбаҳо пайдо.

Анинг мулкиға йўқ тавфир бу олам вужудидин,
На нуқсондур анга гар мулки олам бўлса нопайдо.

Вужуди ганжи пинҳон эрди олам коргоҳида,
Анинг изҳориға халқ ичра бўлди анбиё пайдо.

Камоли қудратидин олам ижод аро бўлмиш
Гулу хору ганжу муфлису шоҳу гадо пайдо.

Ёрутдунг ошиқу маъшуқа ҳусну ишқ миръотин,
Ки бўлди гул била булбул аро баргу наво пайдо.

Сенинг меҳрингни олам аҳлиға изҳор этар ҳар кун,
Ки бўлмиш субҳи содиқ жайбидин нури сафо пайдо.

Биҳамдиллаҳ гули меҳру муҳаббат ошкор ўлди,
Ки бўлди Комила кўз ёшидин нахли вафо пайдо.

Юзунг фаррух, жамолинг руҳ афзо.
Хатинг Ҳизру лаби лаълинг Масиҳо.

Мени девона қилди иштиёқинг,
Сочинг занжиридин бошимда савдо.

Жамолинг мусҳафин қилдим тиловат,
Қошинг бисмиллаҳидур анда туғро.

Дами тиғинг менга вақти шаҳодат,
Эрур, албатта, шарбатдин гуворо.

Малоҳатлиғ юзунг моҳи мунаввар,
Жамолинг офтоби олам оро.

Жамоли бемисолинг жилвасидур,
Шаробу шамъу шоҳид, жому мийно.

Кўнгулким ҳажр элидин бенаводур,
Қилур пайваста maслингни таманно.

Жаҳон айши ғаниматдур неча кун,
Вафо қилмас кишиға мулки дунё.

На Ширин қолди оламда, на Фарҳод,
Қани Юсуф, қаён кетти Зулайхо?

Кўнгул, ишқ ичра бўлма бетаҳаммул,
Ки васлу ҳажр аро қилғил мадоро.

Менга, эй Комила, қисмат бу эркан,
Азал кундин бўлубдур ишқи пайдо.

Баҳор келди кўзум гулға боқмади асло,
Нединки, гулшан аро гулруҳум эмас пайдо.

Юзумга бўлди юзунг муқтарин, биҳамдиллаҳ,
Очилди меҳру вафо боғида гули раъно.

Сариғ юзумда қизил ашкими таровати бор,
Нечукки соғари заррин аро майи хумро.

Лабидин айру менга бода тутма, эй соқий,
Хумор кулфатиға нофеъ ўлмади саҳбо.

Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.

Фироқ лашкари туғёнидин маозаллаҳ
Ки қилди сабру таҳаммул диёрини яғмо.

Юзунг наззораси ушшоқларни фирдавси,
Ҳарими даргаҳинг аҳбоба жаннатул-маъво.

Сенинг салосила зулфунга мубталодурман,
Ки бўлди ақлу хирад қушлариға доми бало.

Фалакдин ўтти фиғоним, қуёшға етти унум,
Ҳануз, Комила, кам бўлмади бу оҳу наво.

Ҳар неча кўз солур ул дилбари гулфом манга,
Доғлар пунбаси эрмиш гули бодом манга.

Қонлу кўз ёши ила оҳу жунун базмида,
Сарви мавзун иладур тифли гуландом манга.

Даври жоми тараб уйрулмоғи басдур, соқий,
Гарчи уйрулмади бу гардиши айём манга.

Неча ким зулм этар ошиқа гардун, этсун,
Давр нокомлиғидин чу эрур ком манга.

Бир аёғ май карамин айлади соқий оғоз,
Айлади бахт бу мақсадни саранжом манга.

Сарҳуши дашти жунун ичраки бўлмиш ҳосил,
Лолалар узра сиришким май ила жом манга.

Гулшан ичра ани гесусиға монанд кўруб,
Турраи сунбул эрур ҳалқа бўлан дом манга.

Кимса топмас асарим истамоқу сўрмоқдин,
На нишон қолди фано мулкида, не ном манга.

Комила куйида бош қўймоғим эрмас ноёб,
Итлари хайли эрур мақсади икром манга.

Эй сарви сиҳи бўйлуғум, эй қомати зебо,
Келким кўзум ойинаси муштоқи тамошо.

Ул кунки висолинг чаманин сайр этар эрдим,
Манзури назар эрди менга ул қади боло.

Айдимки, қачон бўлғуси куйингда маконим,
Ошиққа, деди, ҳожат эмас манзилу маъво.

Куйдурди чаман гулларини рашк ўти бирла,
Ул ғунчаи хандон ила ул наргиси шаҳло.

Ул зулфи диловез муанбар гириҳидин.
Ҳар кимни тушуб бошиға бир ўзгача савдо.

Ҳар сабзау сунбулки бу гулшанда чекар бош,
Мўйи сари Мажнундуру ё турраи Лайло.

Вайронада оқилға иқомат на муносиб,
Сарманзили осойиш эмас арсаи дунё.

Ҳижрон ғамидин ташна лабу хаста жигармен,
Соқий, карам айлаб, менга тут соғари саҳбо.

Кўзгу каби ҳайронларинга арзи жамол эт,
Дийдоринг учун Комиладур волау шайдо.

Жилва кўрсатти чу ул сарви дилоро боғ аро,
Чашми қумри бўлди бир чашми тамошо боғ аро.

Сурмагун чашми назар солди гулистон аҳлина,
Ҳасратидин қолди наргислар кўзи во боғ аро.

Орази гулгун ила қилди чаман сори хиром,
Гул яқосин чок айлаб бўлди расво боғ аро.

Сарви гулрухсорим бу базми ишрат деб баҳор,
Сарв бирла гулдин этти жоми мийно боғ аро.

Лола янглиғ доғ бўлди гул жамоли рашкидин,
Доғлиғ гуллардин ўлди сайри саҳро боғ аро.

Нахл қилди хижлатидин бўлди сув сарви равон,
Айлади фавворалар жорий саропо боғ аро.

Сайр учун қўйғай қадам деб сабзаи хобидадин,
Ҳар тараф бир фарши маҳмалдур муҳайё боғ аро.

Кўрди ул сарви дилоро қомати мавзунини,
Сарв қаддин қилди қумрилар таманно боғ аро.

Сен букун хандонсен, эй гул, Комила дилдорсиз,
Йиғламоқдиндур булутлардек муҳайё боғ аро.

Эй меҳри жамолинг оламоро,
Заррот юзунгга масту шайдо.

Эй ҳусн риёзида қадинг сарв,
Ул сарв уза сунбулунг сумансо.

Келким назаримға, эй парирў,
Девонаға бир дам эт тамошо.

Сен уйқуда масту ноздурсен,
Мен дард била ғарибу танҳо.

Тун кеча фиғону нолишимдин,
Кўйинг ити ичра тушти ғавғо.

Сен қайси диёр азмин этдинг,
Келмас хабаринг бу ерга асло.

Оҳим ўқиға қадим камондур,
Бу ўқни нишонидур сурайё.

Мажнун нега Лайли таркин этсун,
Юсуфни унутмади Зулайхо.

Қайдин сени Комила унутсун,
Бу сўз на муносиб, эй дилоро.

Эй юзунг қиблаи арбоби сафо,
Сари куйингда кўнгул қибланамо.

Каъбаи кўйинг эрур такягаҳим,
Кўз ёшим замзам ўшал Каъба аро.

Бўлмаса меҳри кўнгулда не осиғ,
Манзилинг Ясриб ўла ё Батҳо.

Сурма осо қадаминг туфроғи,
Хира бўлғон кўзума берди зиё.

Тўтиёдур менга нақши қадаминг,
Ки кўзум ойинаси топти жило.

Бўлса то умру ҳаётим боқий,
Мени илгимдуру домони вафо.

Дўстлар айшу фароғат била хуш,
Бўлди душман ҳадафи тийри бало.

Ҳар ким ўз рутбасида лоф урар,
Бу маротибда мақоминг аъло.

Домани ёр иликдин кетти,
Комила пираҳаним бўлди қабо.

Марҳабо, эй пайки султон, марҳабо,
Ҳудҳуди мулки Сулаймон, марҳабо.

Талъатинг фаррух, муборак мақдаминг
Қилди кулбамни гулистон, марҳабо.

Хўб келдинг, яхши келтурдинг хабар,
Айладинг дардимға дармон, марҳабо.

Бўлди мавзун қоматингдин мунфаил,
Сарвинози боғи ризвон, марҳабо.

Қилғосен ул моҳ меҳрин ошкор,
Субҳ янглиғ покдомон, марҳабо.

Мужда келтурдинг висоли ёрдин,
Топти таскин дарди ҳижрон, марҳабо.

Кел бери, то хоки пойингни қилай
Тўтиёи чашми гирён, марҳабо.

Равшан айларман чароғи оҳни,
Кўзларимдур гавҳар афшон, марҳабо.

Бу кеча ҳижрон шабистонидадур,
Анжуми ашким чароғон, марҳабо.

Қўй кафи пойингни дийдам устина,
Бир дам, эй сарви хиромон, марҳабо.

Комила, ҳар сўзки иншо айладим,
Айди анга аҳли даврон, марҳабо.

Эй хушо, шиша аро оби ҳаёти ҳукамо,
Ким анинг ҳар киши нўш этса бўлур Ҳизрнамо.

Ҳукамо ишқ маризиға буюрмиш майи ноб,
Ҳажр дардиға демишлар бу муфарриҳни даво.

Бодадин айлама парҳез, дамо-дам қадаҳ ич,
Келди мазмум муҳаббат йўлида зуҳду риё.

Бўлди гул мавсумию майкадалар жонибидин,
Муждаи айшу тараб еткуродур боди сабо.

Эй хуш ул ринди май ошому сияҳмасти мудом,
Жоми май илгида, олида сабуву мийно.

Ғусса паймонасида хуни дил ошом айлар,
Бодадин ҳар кишиким, айлар эса истиғно.

Зоҳидо, гар десанг ишқ аҳлиға расво бўлмай,
Демағил майкада авбошиға кўп чуну чаро.

Бода муштоқиға лутф ила қадаҳ тут, соқий,
Йўқса Жамшидға ҳам айламади жом вафо.

Комила, жоми муҳаббатни лабо-лаб ичибон,
Мастлиғ бирла қилай ишқ намозини адо.

Рўза ойи келдию мен ожизу бедасту по,
Рўза ойининг ҳилолидек қадим бўлмиш дуто.

Кундузи бир гўшада ошуфтаҳолу саргарон,
Кечалар то субҳдам бедору машғули дуо.

Рўза ойи топмадим пийри муғон иршодини,
Ложарам масжид аро зоҳидға қилдим иқтидо.

Иҳтисоб аҳли тағаллуб айлади майхонаға,
Қолмади майда ҳарорат, найда таъсири садо.

Рўза зулматгоҳида сабр этки ишрат ҳажриға
Бўлғуси бир кун ҳилоли ийд фахри раҳнамо.

Шомлар ифтор вақти зоҳир айлаб изтироб,
Заъфдин қилмас қабули чарбу ширин иштиҳо.

Эй кўнгул, дам урма изҳори шикоят айлама,
Бардур оми бандаларға рўза инъоми худо.

Рўзани мардона тут, хулқи тавозиъ пеша қил,
Гар эрурсан тонгла муштоқи жамоли Кибриё.

Рўза зафъидин ажаб ҳайратдадурман, Комила,
Айламасман лек бу аҳвол ила тарки дуо.

Юзунг офтоби маҳи оламоро,
Жамолингни кўзгуси меҳри мужалло.

Лабинг ёди кўнглумда пинҳон эмастур,
Эрур шишада мавжи саҳбо ҳувайдо.

Эрур икки аждар хаму печ бирлан,
Қаддинг сарвида икки зулфи сумансо.

Магар ҳусн боғини наргисларидур,
Ики чашми жодуи бодому шаҳло.

Нега ошиқ афғонидин ваҳм этарсен,
Бўлурму киши мунча бераҳму тарсо.

Хуш ул кунки азми роҳ эттинг, йўлунгда
Чароғон ёрутти тўққуз чархи хазро.

Рафоқат била борди руҳул-амин ҳам
Инонингда то сидратул-мунтаҳо.

Рисолат сипеҳрини хуршидидурсен,
Жамолинг мужалло, жанобинг муалло.

Қилиб Комила саъй пайравлигингда,
Талаб қилди сармояи дину дунё.

Сунма май, эй соқийи даврон, манга,
Ким насиб ўлмиш азалдин қон манга.

Ёр жавридин шикоят қилмазам,
Ким эрур ул барча истиҳсон манга.

Нола бир дилсўз ёримдур менинг,
Ҳамнишинимдур дийдаи гирён манга.

Мушкил ишдур дарди ҳижрон кулфати,
Ё раб, ул мушкилни қил осон манга.

Дашту саҳроларни қилдим ихтиёр,
Бўлди Мажнун қиссаси бурҳон манга.

Оҳ, найлай, ўтти даврони висол,
Бевафолиғ айлади даврон манга.

Мунтазирдурман ҳамиша, Комила,
Бир қиё боққайму деб жонон манга.

Лабинг шаҳди нобиға жоним фидо,
Хиромон қадингға равоним фидо.

Фироқинг висол аҳлидин жон олур,
Висолингга жону жаҳоним фидо.

Белу оғзида қолди ваҳму гумон,
Не тонг ўлса ваҳму гумоним фидо.

Агар фил масал меҳр ила моҳдур,
Қилай сенга, эй меҳрибоним фидо.

Ики лаъли нобингни ёқутиға
Ики чашми гавҳарфишоним фидо.

Қадинг сарвинозиға, эй гулбадан,
Тани лоғари нотавоним фидо.

Не ғамдур менга ишқ аро Комила,
Агар бўлса жононға жоним фидо.

Юзунг ёдида қилдим бу кеча оҳи саҳар пайдо,
Кавокиб хирминиға бўлди ул ўтдин шарар пайдо.

Ниҳоли сабрима лаълинг хаёли бирла сув бердим,
Ажаб йўқ, бўлса гар бу нахлдин ширин самар пайдо.

Шараф топти мамолик шоҳи дарёдил вужудидин,
Асолат махзанидин бўлди ул олий гуҳар пайдо.

Зиҳи шоҳики давлат файзидин огоҳ ўлиб қилмиш
Жавоҳир сурмаи тавфиқдин нури назар пайдо.

Таҳаммул ўйлаким бесабрлиғ талх этти комингни,
Бўлур сабр этсанг аччиғ ғўрадин шаҳду шакар пайдо.

Менинг ёрим ажаб нозикмижозу бемурувватдур,
Белин қатлимға боғлабдур вале эрмас камар пайдо.

Нужум эрмас фалакда шуълаи оҳим шароридур,
Ки бу кошона ичра бўлди андин зебу фар пайдо.

Кўнгул мажнунини зулфунгни занжириға банд эттим,
Сурук атфол ичинда бўлмағай деб шўру шарр пайдо.

Ажаб йўқ, Комила парвоз қилса ёр кўйиға,
Ки бўлмиш танда фурқат ўқларидин болу пар пайдо.

Назар аҳли савдоларини хатинг қилди лавҳи жамола пайдо,
Не тонг айласа дуди оҳим қамар даврида ҳола пайдо.

Сочинг сунбулидин ададсиз гириҳлар тушубдур кўнгул риштасиға
Ки юздин бирин зоҳир этсам қилур жаъди мушкин кулола пайдо.

Менинг қиссаи рўзғорим фаровон ғами ҳижронинг фасонасидек
Ки бир нуктасин шарҳ қилсам бўлур неча дафтар рисола пайдо.

Юзунг ойини ҳайратидин эрур бадри тобон қаро доғлиқ,
Қошинг нунидин воқиф эрдики ожизлиғ ўлди ҳилола пайдо.

Карам дастгоҳики хон атоси мудом омода меҳмон юзига
Анинг иззаи базми бахшойишидин бўлур ҳар гадоға навола пайдо.

Сиришким саҳобини имдодидин дилкушодур муҳаббатни дашти,
Кўнгул доғини этсам намоён бўлур ул биёбонда лола пайдо.

Солиб ҳажр тан мулкина зилзила, деди қилма даври фалакдин гила,
Недур чораи дардим, эй Комила; фироқ ўлди ногаҳ, висола пайдо.

Эй шаҳи мулки карам султони иқлими ато,
Чекмаган ҳаргиз мисолинг килки наққоши қазо.

Даҳр мулкиға сенингдек давлату тожу сарир
На Скандар кўрди, на Султони Ҳусайн Бойқаро.

Рашки адлу ҳимматингдин Хотаму Нўширавон
Ўлдилар юз ҳасрат ила озими мулки фано.

Кўрмади сендек шаҳи неку нажод оламда чарх,
Ким келан султон анга етти ато бирла ано.

Базми эҳсонингда дасти зарфишонинг рашкидин
Шомлар тупроғародур панжаи меҳри само.

Разм майдонида гар рахш узра жавлон айласанг
Золи чарх эткай ҳазимат қоматин айлаб дуто.

Даҳр аро гар шоҳлар йўл топсалар даргоҳинга,
Хоки пойингни қилурлар кўзлариға тўтиё.

Барқарор ўлғай илоҳи то бинои мулки даҳр,
Бўлди тахту тождин сармояи давлат бино.

То қиёмат этма, ё раб, лутфу алтофингни кам,
Хони олийжоҳким эҳсону жуд айлар ато.

Эй шаҳо, лутф ила аҳволимдин эмди воқиф ўл,
Чектим асру чарх даври жавридин ранжу ано.

Ҳеч журм аҳлини аҳволиға, ё раб, тушмасун,
Умрлардур чархдин мен чекдугум жавру жафо.

Даҳр айвонида гардун гардиши бедодидин
Йўқтурур ғам қайди ичра кимса мендек мубтало.

Чекти ғам идбор хаттин номаи иқболима,
Дафтари чарха қазо қилки чу хатти истиво.

Лутф ила сен қайди ғамдин чекмасанг то рўзи ҳашр,
Йўқ халос ўлмоқ менга, эй хисрави иззу уло.

Неча истаб учти роҳат ошёнин мурғи дил,
Топмади оромгоҳ, жуз ҳалқаи доми бало.

Йиғди то хошок селоби сиришким бошима
Тутти ҳар ёндин келиб ғам қушлари анда юво.

Неча ҳар ён боқтим айлаб давлатим субҳин талаб,
Кўрмадим аз ғайри шоми накбати бе интиҳо.

Тешаи Фарҳоди ғамдин пора бағрим доғини
Лутф хиштидин қил, эй ширин сухан хисрав, бино.

Будур умидимки лутфунгдин кўнгул ойинаси
Занги ғамдин меҳр кўзгуси каби топқай жило.

Роҳи мадҳинг шоми ғамда тутти килки Комила,
Машъали лутфунг анга чун субҳ ўлғай раҳнамо.

Кел, сенга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо,
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон фидо.

Лаъли лабинг фироқида хуни жигар ғизо менга,
Сарв қадинг ҳавасида жон этарам равон фидо.

Айшу нашоту офият дарду ғамингни садқаси,
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон фидо.

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга қўй қадам,
Хоки раҳингга айларам чашми гуҳарфишон фидо.

Гарчи менинг алимдадур ҳосили мулку мамлакат,
Етса висолинг, айларам барчани ройгон фидо.

Йиғлама эмди, эй кўзум, тўкма юракни қонини,
Доғни тоза айладим, қониға бўлди қон фидо.

Комилаи ғазалсаро, назмини кўрса ногаҳон,
Дурру жавоҳирин қилур фикриға баҳру кон фидо.

Кўнгулни хоби ғафлатдин даме бедор қил, ё раб,
Оқорғон кўзларимни маҳрами дийдор қил, ё раб.

Кўзумни равшан этгач партави меҳри жамолидин
Муҳаббат нашъасидин воқифи асрор қил, ё раб.

Ул ой ҳажрида чандон йиғладим, ҳар қатра ашкимни
Вафо бозорида бир гавҳари шаҳвор қил, ё раб.

Юзи ҳажри мени кўп дардманд этти, иложим йўқ
Яна бир кўрсатиб ёримни бархурдор қил, ё раб.

Каманди зулфидин айру тушуб дерман дуо вақти
Ки бул тули амални бўйнума зуннор қил, ё раб.

Тамошои жамолиға агар шукр этмагон бўлсам,
Кўзум паймонасини ашк ила саршор қил, ё раб.

Жаҳонда хисрави жаннатмакон адл ихтиёр этти,
Қиёмат кун шарифи Аҳмади Мухтор қил, ё раб.

Азизим субҳ янглиғ покдомон ўтти оламдин,
Шарофат бирла тупроғини файзосор қил, ё раб.

Мазори файзосори зиёратгоҳи оламдур,
Риёзи Каъба янглиғ фойизул-анвор қил, ё раб.

Қарилиғ давлатиға еткуруб Хони диловарни,
Бақои умрини эл умридин бисёр қил, ё раб.

Амири одилу Ваннаъми Маҳмад Аминхон ҳам,
Жаҳон борича манга бу учавни ёр қил, ё раб.

Қаю гумраҳки, гарданкашлик этса Хон жанобидин
Ситам тоши била бошдин аёғ афгор қил, ё раб.

Ўшалким анга бадхоҳу ҳасаду кийнапарвардур,
Ҳумоюн даргаҳида мустаманду зор қил, ё раб.

Нечук ким ҳар бири кўз нурию кўнгул сururидур,
Аларға бахту давлатни ҳамиша ёр қил, ё раб.

Ғазал бунёд қилди, Комила ёриға арз айлаб,
Кўнгулда боғлаган мазмунини изҳор қил, ё раб.

Келди шаҳзодаи ҳумоюн фисар,
Қадамини муборак эт, ё раб.

Билдуруб маънийи каломи масжид,
Роздин таборак эт, ё раб.

Майманатлиғ амирзода эрур
Давлатин тож торак эт, ё раб.

Нақди жон гарчи саҳлдур кўзума,
Мақсадимға нисорак эт, ё раб.

Ғунчадек оғзи аро ул лутфи гуфтори ажаб,
Сунъ илги йўқдин изҳор айлаган бори ажаб.

Олди кўнгул қушларин ҳар лаҳза мушкин турраси,
Боли шоҳиндурки, сайд айларда таррори ажаб.

Баски Мажнундур анинг ҳусниға гулшан гуллари,
Ғунчалардиндур чаман бўйнида тумори ажаб.

Айлади ошуфта табъимни паришон турраси,
Қилди бахтимни қаро холи ситамкори ажаб.

Кўзидин озурда дилман, қошидин озурдароқ,
Зор аҳволимға озор узра озори ажаб.

Ҳар қачонким ноз этиб чиқса майи гулфом ичиб,
Қон тўкар майдек дамо-дам чашми хумори ажаб.

Ёр васли бирла одат айлаб эрдим, Комила,
Андин айру менга бир дам сабр изҳори ажаб.

Тийрадур субҳи нашотим, соқиё, келтур шароб,
Шоми ҳижрон зулматида жоми майдур офтоб.

Моҳи тобон юзлугум, ҳар лаҳза ёд этсам сени,
Дуд бағримдин чиқар ўт ичра тушгандек кабоб.

Банд этиб зулфунг аро кўнглумни озод этганинг
Қуш учургандек эрур боғлаб аёғига таноб.

Кошки, оҳим насимидин таҳаррук айласа,
Ёрким рухсориға гул баргидин солмиш ниқоб.

Ҳажр ошуби балодурким, анинг ташвишидин
Қатраи сиймоб янглиғ кўнглум айлар изтироб.

Шод эди ул шоҳи даврон васли бирла хотирим,
Айш даврониға солди даври гардун инқилоб.

Бевафолардек сени ҳаргиз фаромуш айламас,
Комила ёдингни айлар то дами явмул-ҳисоб.

Гулға десам йўқ кафи пойингда тоб,
Дийдама қўй, эй бути заррин, рикоб.

Ташқари чиқма кечалар, ҳашр ўлур
Чиқса ярим кечада гар офтоб.

Ғарқаи хуни жигар ўлди таним,
Қон ёш ила мўйи сар эттим ҳузоб.

Турфа саволе лабидин сўрди ёр,
Жон берайин бўлмаса ширин жавоб.

Сурати девор каби бўлмишам,
Ҳасрати дийдор ила бехўрду хоб.

Жонима қасд айлар эрсанг қил, валек
Тишлама лаълингни қилурсан итоб.

Мойили зулм этма кўзунг туркини,
Йўқса қилур мардум уйини хароб.

Бу кеча майхонани даргоҳида
Пири муғондин тиларам фатҳи боб.

Айламадинг, эй бути паймоншикан,
Комилани васлинг ила комёб.

Ғазаб бирла нигорим ўтти ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин кўргунча ўлдурди мени ҳажри азоб айлаб.

Пари янглиғ назардин чеҳра пинҳон этти ул маҳваш,
Фироқу ҳажр шомидин мени масту хароб айлаб.

Кўнгул шодон эрди журъаи жоми висолидин,
Солиб ҳижрон ўтиға кетти бағримни кабоб айлаб.

Мурувват айла, жоно, сендин айру тийрадур шомим,
Ёрут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамо-дам ёр лаълини хуморидин,
Мени майхонадин манъ этма зоҳид, иҳтисоб айлаб.

Ҳисоб этмоққа чарх анжуманларин бор эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдур ҳисоб айлаб.

Лабидин айру қон ютмоқ ишимдур борғил, эй соқий,
Менга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариғо, кетти охир гавҳари мақсуд илгимдин,
Топиб эрдим сени маҳбублардин интиҳоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра, Комила, мавзун каломини
Ёзар, таҳсини шеъри хисрави олийжаноб айлаб.

Ёр лаълин ёд этармен ғунчаи хандон кўруб,
Сабзаи хат соғинурмен боғ аро райҳон кўруб.

Сабзаи хат лаъл нобинг узра маъво айлади,
Хизр қилғондек ватан сарчашмаи ҳайвон кўруб.

Дард жонкоҳу дамо-дам оҳу аҳволим табоҳ,
Раҳми келгайму менга бу ҳол ила султон кўруб.

Соврулурман ҳажр водийси аро, Мажнун мени
Гирдбод айлар гумон, дашт узра саргардон кўруб.

Кеча лаъли ҳажридин ўлмоқ менга душвор эди,
Юз таҳайюр бирла илгин тишлади жонон кўруб.

Рашкдин юз фитна барпо айлади даври фалак,
Кўзларим ойнасин ёр олдида ҳайрон кўруб.

Тонг эмастур бўлса оз муддатда устоди сухан,
Комила ашъориға таҳсин этар, Салмон кўруб.

Берай жон висол ичра, эй нўшлаб,
Фироқингда токай қилай тобу таб.

Жамолинг менга муддао субҳу шом,
Висолинг менга орзу рўзу шаб.

Агар келса бошимға тиғи ажал,
Қилурманму йўлингда тарки талаб.

Қадинг мисраи шўху баржастадур,
Бўлуб ҳусн девонидин мунтахаб.

Мени зор Фарҳоду Мажнун нажод,
Эрур ёр Ширину Лайли насаб.

Не маҳфилда шаҳду шакар ёладинг,
Ки бир-бирга часпондурур икки лаб.

Фироқида шамъи шаби ҳажрмен,
Эмас Комила куймаким бесабаб.

Кетмади мендин қадаҳ бирла хумори офтоб,
Субҳ янглиғ тортадурман интизори офтоб.

Сарф қилғумдур анинг жоми висоли нақдина
Гар муяссар бўлса лаъли обдори офтоб.

Моҳрўларни юзунг ойи мусаххар айлади,
Мунча бўлмас анжум ичра иқтидори офтоб.

Оразинг май тобидин бўлди назокат дастгоҳ,
Турфа гуллар зоҳир этди навбаҳори офтоб.

То юзунг ойи намоён ўлди ҳусн афлокида,
Рашк ўтидин тийра бўлди рўзғори офтоб.

Гар кўзим ҳуснунг чароғидин мунаввар бўлмаса,
Равшан этмас партави нури шарори офтоб.

Комила, оҳим синонидин таваҳҳум тортибон,
Чарх майдонидадур чобуксувори офтоб.

Сайд этти мени ул ики қуллоб,
Бўйнимда каманди зулфи пуртоб.

Қошимни қиличига бўйин сун,
Ошиққа будур тариқи одоб.

Гулхан кулида фароғат этган
Қилмас ҳаваси самуру санжоб.

Гирдоб эрур кўзумни ёши,
Ошиқни ҳалок этар бу гирдоб.

Ором топарму чарх даври,
Доим ҳаракат этар бу дулоб.

Олам элида вафо топилмас,
Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб.

Қондур жигарим лабидин айру,
Келтур менга, соқиё, майи ноб.

Ушшоқ мисоли корвондур,
Ул қофилада эрур вафобоб.

Ёш ўрниға, Комила, кўзимдин
Ҳажрида оқар мудом хуноб.

Агар гулшанға кирса сарви гулрўйим хиром айлаб,
Югургай сарву гул юз марҳабо бирла салом айлаб.

Хиромон келди ёру қомати таъзимиға беҳуд
Йиқилдим сoядек, ердин турарга илтизом айлаб.

Қилурға кундузумни кеча хуршиди жамол узра,
Паришон айлади гисуларин, субҳимни шом айлаб.

Сиҳи қадлар паноҳи, гулжабинлар подшоҳисен,
Чаманда сарвни озод этар қаддинг ғулом айлаб.

Хушо оқилки, айлаб яхшилиқ бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фонодин ўзини некном айлаб.

Масиҳ азми сипеҳр айлаб қуёшқа бўлди ҳамсоя,
Бўлур ҳиммат била афлок устида мақом айлаб.

Ғизоли умрким ваҳшатдур, пайваста рам бирла
Бўлурму юз минг афсун бирла бу ваҳшийни ром айлаб.

Кўнгул сайд этгони омода қилмиш ишқ сайёди,
Парирухлар каманди ҳалқаи зулфини дом айлаб.

Қалам таҳрир этарда найшакардин бўлса тонг эрмас,
Лабинг васфини айлар Комила ширин калом айлаб.

Соқиё, ҳажр давосини демишлар майи ноб,
Тутакўр майкадада қайғулуқ ошиққа шароб.

Ишқ дардиға гирифтор бўлубман, на қилай,
Зоҳидо, менга насиҳат била еткурма азоб.

Ёр лаълини фироқида хуморим ғолиб,
Бўлмади нашъаи саҳбо била кўнглум шодоб.

Бўлғай эрди қадаминг тупроғи бирла равшан,
Гар кўзум ҳалқалари бўлса самандинга рикоб.

Эгма қошини хами бўлғали эл саждагоҳи,
Каъба деворида ҳайрат ила қолмиш меҳроб.

Сархуш ўлғон каби хунoби жигардин ошиқ,
Нашъаи бода қилур ҳусн элидин рафти ҳижоб.

Ашки гулгуним эрур бодаи лаълинг асари,
Руҳпарвардур анинг ройиҳаси мисли гулоб.

Букун ул моҳлиқо шўхи дилором қани,
Юзидин равшан эди дийдаи жони аҳбоб.

Мастлиғ бирла ғами ёр фаромуш ўлмас,
Комила бўлмади дардимни давоси майи ноб.

Соқий, менга қадаҳ тут, бу дайр аро лабо-лаб,
Зуҳд аҳлидин ўсондим, улфат сенинг-ла айлаб.

Ҳуснунг тажаллисидин бетоб моҳрўлар,
Андоғки зоҳир ўлмас хуршид чиқса кавкаб.

Ёримни васли бирла олам мунаввар эрди,
Бор эрди моҳи тобон хуршидға муқарраб.

Мажнуни бенавони таклифи жоҳ қилма,
Ким телбалар бошида йўқтур ҳавои мансаб.

Муҳтожи даргаҳингмен юз минг умид бирла,
Мен қулни бу эшикдин навмид қилма, ё раб.

Тиғи забонинг ўлди мифтоҳи ганжи дониш,
Алломаи замондур олингда тифли мактаб.

Қил, Комила, муяссар шўри жунун жаҳонда,
Ишқу муҳаббат ўлди ошиққа дину мазҳаб.

Чиқти ул гулгун қабо майдон аро жавлон этиб,
Ғамза тиғи бирла ошиқни юрокин қон этиб.

Маҳвашим майдон аро бепарда жавлон айлади,
Эл кўзини ойнадек дийдориға ҳайрон этиб.

Новаки мижгонлари қатлимға таркиш боғламиш,
Чоклик кўнглумни қоши ёсиға қурбон этиб.

Ул худовандеки қилди еру кўкни ошкор,
Шукрким, бизни гадо қилди, сени султон этиб.

Бўйлаким мумтоз эрурсен барча султонлар аро,
Шод қилғил бандаларни кўнглини эҳсон этиб.

Мубталомен то асири зулфи пуртобинг ўлам,
Қил мени озод бошинг узра саргардон этиб.

Боқмадинг бир лутф ила, эй бемурувват сангдил,
Комила ҳажрингда йиғлар нолау афғон этиб.

Менки қолдим ҳажр вайронида бесомон бўлуб,
Ёр келмас кулбаи вайронима меҳмон бўлуб.

Дашту саҳродин сўроғингни тополмай дард ила
Айланиб келдим яна ғам уйига ҳайрон бўлуб.

Шарбати лаълинг хумори бирла чандон йиғладим,
Қатра-қатра кўзларимдин оқди бағрим қон бўлуб.

Васл аро мағрур эдим дийдориға шоми фироқ,
Ўртади жисмимни охир, оташи ҳижрон бўлуб.

Айласам девоналиғ айб этмангизким, ул пари
Ғойиб ўлмишдур назардин жилваси пинҳон бўлуб.

Комила, ул меҳри тобон шавқида қилдим жунун,
Ошкоро бўлди ишқим шуҳраи даврон бўлуб.

Чаман риёзида гулгашти марғзор қилиб,
Кўнгулни сайд этар сарвқад шикор қилиб.

Ғизолаларни кўзи сайд қилди саҳрода,
Қоши уқобини шоҳин хатига ёр қилиб.

Келурмукин яна ул шаҳсувор майдонға
Ки борди ул кеча кўзларни интизор қилиб.

Қилурман ишқу жунун карвониға имдод
Сиришк нофаларин ашки шашқатор қилиб.

Танамда ҳажр ўқининг заҳми бениҳоя эрур
Ки бўлмағай ани юздин бирин шумор қилиб.

Нетайки, даҳр гузаргоҳида бу телба кўнгул,
Йўлуқти ҳажрига васлини ихтиёр қилиб.

Жаҳонда Комила ёринг пари мисол эрди,
Бўлурму ҳуснини ойинаға дучор қилиб.

Юзунгдур қиблаи аҳли муножот,
Жамолинг шамъидин равшан харобот.

Букун майхонада саҳбо қилур жўш,
Эрур пири муғондин бу каромот.

Чу ҳақ мавжуд эрур, олам одам бил,
Сулук аҳлиға будур нафъи исбот.

Кўтармоқ тоғни осон эмастур,
Мену ҳижрон ғами ҳайҳот-ҳайҳот.

Менинг ҳолимға йиғлар ошнолар,
Эрур ҳайрон менга бегонадин ёт.

Жаҳонда, Комила, ишқ ихтиёр эт,
Муҳаббатсиз кечургон ҳайф авқот.

Рафиқо, менга бир дам дўстлиғ расмини изҳор эт,
Ки мен бордим ўзумдин, ёр агар келса хабардор эт.

Қачон ишқ аҳлини ўлтурмоғини ихтиёр этсанг,
Жафо тиғи била аввал менинг бағримни афгор эт.

Ҳақорат бирла, эй соқий, боқар майхона аҳлиға,
Сунуб бир жоми май зоҳидни анда нақши девор эт.

Менинг ҳолимға йиғлар дашту саҳроларда ваҳшилар,
Агар кўйига борсанг, эй сабо, ёримға изҳор эт.

Эрур пиру муғондин бу башорат, турғил, эй соқий,
Лабо-лаб жом ила зоҳидни даъвосини бекор эт.

Қаддинг раъно ниҳоли сарвдур, жоно, хиром айлаб
Чаман гулгаштида товусқа таълими рафтор эт.

Юмулмас кўзларим, эй моҳи тобон, иштиёқингдин,
Чиқиб ер остидин муштоқларға арзи дийдор эт.

Зулайҳо муштаридур ганжу гавҳар бирла васлинга,
Жаҳон аҳлини Юсуфдек жамолингга харидор эт.

Гули савсан очилди, бенаволиқ қилма, эй булбул,
Чаманда Комила ашъори бирла нолау зор эт.

Гар аҳли вафо истаса кошона саломат,
Бўлсун мени махмурға майхона саломат.

Ул ҳусн шуоъида кўнгул куйса ажаб йўқ,
Қолғайму чароғ ўтида парвона саломат.

Девона муҳаббат йўлида беватан эрмас,
Обод агар бўлмаса, вайрона саломат.

Гар синса суроҳию сабу зоҳид алинда,
Бўлсун менга соғар била паймона саломат.

Ўлмак зараридин мени бир зарра ғамим йўқ,
Гар бор эса жон бергали жонона саломат.

Яхшию ёмон бир-бирига муғтанам эрмиш,
Фарзона тирик бўлсину девона саломат.

Обод ўла, эй Комила, иқлими тажаммул,
Жамшиди замон, Хисрави Фарғона саломат.

Васл уйин обод қилдим бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.

Қилди чоки пийраҳан доғи дилимни ошкор,
Қолмади кўнглумда заҳми ишқ пинҳон оқибат.

Аҳду паймонлар қилиб эрди вафо қилғум дебон,
Айлади тарки вафо ул аҳди ёлғон оқибат.

Орзу қилдим тутарман деб висоли доманин,
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.

Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон оқибат.

Баски қон бўлди юроким гавҳари ишқ ўрнига
Қатра-қатра кўзларимдин томди маржон оқибат.

Оҳким, бўлди яна субҳи нашотим шоми ғам,
Чеҳра пинҳон этти ул хуршиди тобон оқибат.

Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,
Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон оқибат.

Комила булбул каби то нола иншо айладим,
Навбаҳор ўтти, хазон ўлди гулистон оқибат.

Ҳажридин махмурмен, соқий, лабо-лаб жом тут,
Мен каби ҳар ким-ки бўлса ринд дурд ошом тут.

Истасангким, даргаҳингда посбон ўлғай мудом,
Берма ваҳшат ҳажр ила кўнглум ғизолин ром тут.

Бенаволармиз фалак хуршиди янглиғ, соқиё,
Жоми саршори сабуҳий бизга ҳар айём тут.

Бўлса гар мақсад кўнгуллар қушларин сайд айламак,
Дона қил холингни, зулфунг ҳалқасидин дом тут.

Ёр кўйи итлариға ногаҳ ўлсанг ҳамнишин,
Ошнолардур, аларға иззату икром тут.

Гар замоне даҳр ғавғосидин истарсен фароғ,
Сокини майхона бўл, бир гўшада ором тут.

Бўлмағил Фарҳоду Мажнундек жаҳон афсонаси,
Ишқ аро, эй Комила, ойини нангу ном тут.

Сайр этарда нахлистон, ёр қаддини ёд эт,
Мен қачон дедим сенга орзуи шамшод эт.

Ҳажр шеҳнаси охир ўлтурар асирингни,
Бир қиё боқиб, жоно, банди ғамдин озод эт.

Бўлди ёр савдойи, ошиқ эрсанг, эй кўнглум,
Нақди жон муҳайё қил, ёр хотирин шод эт.

Эй кўнгул, фиғонингдин тийрадур фалак қасри,
Бу бинони вайрон қил, ишқ уйини обод эт.

Қон тўкарга мойилдур қошларингни шамшири,
Элни қатл ом этсанг, кўзларингни жаллод эт.

Гулшан ичра, эй булбул, субҳидам наво тортиб,
Гул юзини ёд айлаб, нола бирла фарёд эт.

Ногаҳ ул жаҳон шоҳи келса, эй кўнгул, борғил,
Шаҳ инонини ушлаб, ҳажр илгидин дод эт.

Даҳр киштзорида бир шарору юз хирман,
Куйдурурға оламни барқи ишқ бунёд эт.

Ҳажр можаросиға, Комила, таҳаммул қил,
Бекарор кўнглунгни сабр бирла муътод эт.

Эй сабо, рози дилимни бехабар ёримға айт,
Дардлиғ кўнглумнинг аҳволини дилдоримға айт.

Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарҳ этиб бу можарони лола рухсоримға айт.

Фурқат ичра тушти савдойи Зулайхо бошима,
Қиммати Юсуф баҳо топти харидоримға айт.

Лутф этиб сўрса мени ҳолимни ул номеҳрибон,
Ўлди ҳижронингда деб ёри вафодоримға айт.

Сендин айру талхком этди дебон заҳри фироқ,
Ёшурин дардимни ул лаъли шакарборимға айт.

Юз салом айдим, на бўлғай бир йўли ул ҳам деса,
Бул саломимни ўшал ошуфтаи зоримға айт.

Комила, сенсиз тирикликдин на роҳат кўрди деб,
Ул ҳумоюн толиъу фархунда атворимға айт.

Келгил, эй ёр, вафо расмини тут,
Шамъи рухсор била кулбамни ёрут.

Ёр лаъли лабидин айрилдинг,
Эй кўнгул, эмди дамо-дам қон ют.

Кўзларим йиғлади зулфунгни кўруб,
Ки ёғин боисидур тийра булут.

Қил фаромуш бу олам ғамини,
Бода ич, май била кўнгулни овут.

Кишига ҳиммати мардона керак,
Йўқки, оройиш ила ришу бурут.

Хуни дил бирла жигар порасидин,
Бодадур лаъли муфарриҳ ёқут.

Комила, даъвийи ишқингни қилиб,
Қавли бу маҳкамада топти субут.

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмастур,
Гар одамсен муҳаббат ихтиёр эт.

Узору қадду рафторингни кўрсат,
Чаман сарву гулини шармисор эт.

Лаби махмуридурмен жоми май тут,
Карам қил, соқиё, дафъи хумор эт.

"Анал-ҳақ" можаросин айладинг фош,
Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт.

Дурри ашку ақиқи хуни дилни
Келур ёринг аёғига нисор эт.

Куйиб, эй Комила, олам элиға
Муҳаббат шевасини ошкор эт!

Ошиқ ўлдунг, эй кўнгул, эмди раҳи майхона тут,
Маст ўлуб, соқий аёғини ўпуб паймона тут.

Эйки дерсан ошно, бегонадин кўрмай зарар,
Олам аҳлидин ўзунгни бир йўли бегона тут.

Ҳусни ишқ айлар сенинг хокистарингни тўтиё,
Шамъдин куймакни касб эт, мазҳаби парвона тут.

Гар тилар бўлсанг ҳаводис шоҳбозидин амон
Чуғз янглиғ, эй кўнгул, бир гўшаи вайрона тут.

Донишу фаҳму хирад, сабру сукуну ақлу ҳуш
Барчани парвонаи шамъи рухи жонона тут.

Бўлма гиру дориға мағрур гар оқил эсанг,
Давлати дунёни уйқу фарз қил, афсона тут.

Айлағил обод тавфиқу адолат мулкини,
Комила мавло йўлида ҳиммати мардона тут.

Дода келдим, эй салотин сарвари, додим эшит,
Сен шаҳу, мен бенаво, лутф айла, фарёдим эшит.

Мадди оҳим шуъласи ҳуснунг дабиристонида
Мисраи баржастадур, эй сарви озодим, эшит.

Сарви нозим, сендин айру нахли оҳим бўлди хам,
Қоматинг ҳажрида синди шохи шамшодим, эшит.

Ҳар нечаким сабр таъмирини бунёд айладим,
Ашк селобида вайрон ўлди ободим, эшит.

Барча ёру ошнодин айладинг бегоналиғ,
Неча кунлар бўлди, ҳаргиз қилмадинг ёдим, эшит.

Келки, бир соат сени кўрмак учун муштоқмен,
Телба бўлдим сендин айру, эй паризодим, эшит.

Комила боди сабодин сенга ирсол этгони
Қилди иншо бу ғазални, табъи ношодим, эшит.

Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,
Қилурму хору-хашак тоби шуълаи ғайрат.

Чекарда жон менга тақлид қилмасун Фарҳод,
Фироқ тоғида беҳуда чекмасун кулфат.

Менга баробар эмас Кўҳкан била Мажнун,
Аларда бир ғам эди, лек менда юз ҳасрат.

Жаҳонда бўйлаким бўлмишмен ишқ ойинаси,
Менга зиёда бўлур ёр ҳуснидин ҳайрат.

Ғамимни заррасини тоғларға арз этсам,
Таҳаммул айламагай тоғ келтуруб тоқат.

Бу дарди ғамки ани нотавон кўнгул кўтарур,
Муҳаббат аҳлиға юздин бири эрур офат.

Ғамимни шарҳини юз мингидин бирини дедим,
Фалак ани кўтарурда хам айлади қомат.

Бу ғамни тоғ кўтармас эди ва лек менга
Бериб таҳаммулни қўйди жонима миннат.

Сипеҳр мартабаи ишқни баланд кўруб,
Дедики, Комилани ҳимматиға юз раҳмат.

Фарҳод агар урса менга лофи муҳаббат,
Бир оҳ ила айларман ани доғи хижолат.

Ҳар чандки бемори ғами ишқ эди Мажнун,
Дардимни кўруб тишлади ангушти надомат.

Фарҳодда бўлсайди менинг ғайрати ишқим,
Бир оҳ ила айлар эди ул тоғни ғорат.

Мажнунда агар бўлса эди сабру таҳаммул,
Қилмасми эди мен каби шаҳр ичра иқомат.

Гар бўлса Зулайхода менинг заррача ишқим,
Қолмас эди Юсуфни фироқида саломат.

Ишқ офатиға тоғ таҳаммул қила олмас,
Мен-менки қилурман бу ғаму дардга тоқат.

Дарду аламу ғуссаки ҳажрида чекарман,
Бу меҳнату ғам кимдадур, эй аҳли муҳаббат.

Юздин бири Мажнунда агар бўлса ғамимни,
Бир оҳ била оламға солур шўри қиёмат.

Ҳар ҳолда, эй Комила, шукр айла худоға,
Ким берди сенга ишқу муҳаббат била давлат.

Рамазон ойида ҳар кимда фаровон ҳожат,
Элгадур шамъ, менга дийдаи гирён ҳожат.

Басдурур кавкаби ашкимни чароғи кечалар,
Менга ғам шоми эмас, шамъи шабистон ҳожат.

Рўза афкорида хуни жигаримдур кони,
Бенаволарға эмас неъмати алвон ҳожат.

Шоҳ ҳақида дуо олмоқ учун кулбамға
Шом вақтида бўлур ҳар кеча меҳмон ҳожат.

Доғ аро кўнглум этар машқи хаёли рангин,
Боғбон менга эмас сайри гулистон ҳожат.

Ҳар фақиреки қилур хоки ҳаримингда мақом,
Йўқ анга салтанати Қайсару Хоқон ҳожат.

Рўзада Комила боз айла саховат эшикин,
Бўлса ҳақ раҳматидин рўзаи ризвон ҳожат.

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,
Ифторда ёрсиз на лаззат?!

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,
То субҳ чекиб суруди ишрат.

Ҳар шом манга наволаи ғам,
Ифтор қилурға бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чўхдур,
Мен хастаға ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзимни ёши шамъим,
Хуни жигарим ба жойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас,
Гар бор эса, Комила саломат.

Кел. даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларнинг жафоларидин
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисен,
Гул шохида ошён этиб кет.

Эй ашк, кўзимни мактабидин,
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ била хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг?
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сиррин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни,
Эй Комила, дурфишон этиб кет.

Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,
Айлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.

Майхона ишқ ичра хуш ул риндки, тунлар
Бир журъа учун бор эса бедори муҳаббат.

Хушдур киши дунё ғамини қилса фаромуш,
Ложуръа чекиб соғари саршори муҳаббат.

Тут ғайрдин, эй хаста, кўнгул доғини пинҳон,
Гар сўрса биров айлағил инкори муҳаббат.

Роҳат тиласанг ишқ биносини паноҳ эт,
Осуда эрур сояи девори муҳаббат.

Болини уза борди иёдатға Масиҳо,
Хуршид эди чархда бемори муҳаббат.

Гар таънаи ағёрдин, эй дил, ҳазар этсанг,
Олам элига бўлмағил иқрори муҳаббат.

Тасбиҳи риёйи била мағрур эди зоҳид,
Тавфиқ топиб, боғлади зуннори муҳаббат.

Эй Комила, зуҳд аҳлини майхонада кўрсанг,
Дам урмаки, фош ўлмасун асрори муҳаббат.

Соқиё, махмурдурмен жом тут,
Бир нафас тарки ғами айём тут.

Доми ғамдин истасанг озодлиғ,
Соғари май субҳдин то шом тут.

Бода нўш эт, қилма беоромлиғ,
Айш ваҳшидур, замоне ром тут.

Эй пари пайкар кўзумни манзари
Хуш нишимандур дами ором тут.

Эмдики ошиқ бўлубсен, эй кўнгул,
Васл истаб тарки нангу ном тут.

Гар кўнгул сайди сенга мақсуд эса,
Ҳалқа-ҳалқа сунбулунгни дом тут.

Васл жоми то сенинг илгингдадур,
Ўзни ё Жамшид, ё Баҳром тут.

Соф май гар нўш этарсен дурдини,
Базли жоми ринди дурд ошом тут.

Васл аро ком истабон, эй Комила,
Эмди ўзни неча кун ноком тут.

Гулбуни назокатсен сайри боғу майдон эт,
Жилва қилмоқ, истарсен, кўзларимда жавлон эт.

Гул чаманда шарм айлаб ғунча мунфаил бўлсун,
Пардани кўтар юздин, лабларингни хандон эт.

Эй кўнгул, агар сенга ёр васлидур мақсад,
Тарк айлаб оламни азми кўйи жонон эт.

Гар бизоат истарсен тарки суду савдо қил,
Ҳусн элиға ошиқ бўл, дарди доғу сомон эт.

Ёр ёди бу охшом кўнглум ичра меҳмондур,
Эй кўзум, даме анда ёш тўкуб чароғон эт.

Эй нигор, ҳажрингда мушкул ўлди жон бермак,
Кўрсатиб жамолингни ўлмакимни осон эт.

Доғи ишқ асрорини нукта-нукта шарҳ эттим,
Комила, ани элға фош қилма, пинҳон эт.

Мени этғил дардлиғ кўнглумдин, эй гардун, халос,
Ё кўнгулни қил мени бесабру сомондин халос.

Қул ўша қулдирки жонин ҳожага қилса нисор,
Бевафодур улки истар бўлса султондин халос.

Бевафодур ҳусндин то қилмадим қатъи назар,
Бўлмадим ташвиши кўзу қошу мижгондин халос.

Ошиқ ўлдим, ғам гирибонимдин олди Комила,
Ичмадим то бир оғиз май, бўлмадим ондин халос.

Дамеки лабларидин зоҳир этса ёр ҳадис,
Улусни хотирини айлагай шикор ҳадис.

Лабинг ҳадисини жон лавҳина савод эттим,
Кўзум қароси каби бўлди мушкбор ҳадис.

Гуҳар ўзини садаф ичра айлади пинҳон,
Чу зоҳир айлади ул лаъли обдор ҳадис.

Бири лабингни ҳадисидек обдор эмас,
Кўнгулни саҳфасиға ёзмишам ҳазор ҳадис.

Калом чоғида ҳар сўзни зоҳир этти лабинг,
Садаф гавҳарларини қилди шармсор ҳадис.

Такаллум этти мулоқот лаъли нобинг ила,
Фасоҳат аҳли аро топти эътибор ҳадис.

Лабингдин айру тушиб, Комила китобат ила,
Қаро либос кийиб қолди сўгвор ҳадис.

Ҳар қачонким деса ул лаъли шакарбор ҳадис,
Талх ўлур тўтиға гуфтор ила бисёр ҳадис.

Гунгу лол ўлғусидур булбулу тўти ногаҳ,
Ул шакарлаб нафаси айласа изҳор ҳадис.

Билдилар чунки жаҳон аҳли ҳадисингни саҳиҳ,
Тонг эмас ўлса улус оғзида такрор ҳадис.

Ишқ асрорини изҳор қилиб фош этма,
Ким бу янглиғ демиш ул воқифи асрор ҳадис.

Лабидин сўрма ҳадисики эрур тилға гарон,
Ёр нозук лабиға бермасун озор ҳадис.

Белини борлиғин қилди камарбанд аён,
Оғзи йўқ эрди анинг, қилди падидор ҳадис.

Шарҳ этиб ёзмоқ учун лаъли лабингни сифатин
Комила, айлади чун гавҳари шаҳвор ҳадис.

Жонимға жафолар била жонона қилур баҳс,
Бир лаҳза кўзумни ёши тўфона қилур баҳс.

Ул зулфи диловезни ашколини очмай,
Беҳуда надин тил узотиб шона қилур баҳс.

Зоҳид, мане девонаға кўргузма таарруз,
Мажнунға қачон оқилу фарзона қилур баҳс.

Куймак эрур ошиқ била маъшуқ тариқи,
Бу маҳфил аро шамъ ила парвона қилур баҳс.

Камдур тўлун ой бўлса жамолингга баробар,
Хуршида қулоғингдаги дурдона қилур баҳс.

Бу марҳалада қолмади халқ ичра тафовут,
Бу турфаки оқил ила девона қилур баҳс.

Оташмидур, эй Комила, бу мадраса аҳли,
Ҳар нечаким таслим этарам ёна қилур баҳс.

Куйма деб айламади ҳеч киши парвонаға баҳс,
Оқил эрсанг на қилурсан мане девонаға баҳс.

Шиша саршори майи ноб эрур сўрма сабаб,
Лабидин нашъа топар айлама паймонаға баҳс.

Шўхлуқ бирла Хўтан даштида Мочин кийиги
Бўлди расво, қилиб ул наргиси мастонаға баҳс.

Сари зулфи гириҳин очмоқ эмастур осон,
Бесабаб айлама машшота букун шонаға баҳс.

Сел саҳрода қилур шавқ ила жавлон, лекин
Чуғзни душманидур айласа вайронаға баҳс.

Дардлиғ қиссаи ишқимни эшитти Фарҳод,
Телба Мажнундек ани қилса бу афсонаға баҳс.

Айладинг жаҳд ила таъмири муҳаббат обод,
Ким қилур, Комила бу ҳиммати мардонаға баҳс.

Бевафодур бу жаҳон суду зиён барча абас,
Ким ғами айши баҳор ила хазон барча абас.

Бўлма андишаи савдоси била саргардон,
Йўқу бори ғамидин ваҳму гумон барча абас.

Топмаса ёр жанобиға шараф бирла қабул,
Оҳу фарёдинг ила шўру фиғон барча абас.

Бўлмаса ошиққа гар ёр висоли мақсуд,
Орзую ҳавасу жону жаҳон барча абас.

Фуқаро ҳолиға гар боқмаса ҳар шоҳ, анга
Ҳашмату салтанату рифъату шон барча абас.

Шоҳ улдурки, раиятға тараҳҳум қилса,
Йўқ эса қоидаи амну амон барча абас.

Комила бўлмаса гар ишқ ўтин таъсири
Алами зоҳир ила доғи ниҳон барча абас.

Кўнгулни доғлариға фироқдур боис,
Ки ашк доналарин хирман этти ул ҳорис[1].

Жамолинг авжи малоҳатни моҳи тобони,
Икки юзунг қошида офтобдур солис[2].

Қадимдурки анинг илкида завол ўлмас,
Фаноға нойил бўлур ҳар на ким эрур ҳодис[3].

Кишики ёр вафосиға ёд қилса қасам,
Фироқ давриға сабр этса бўлмағай хонис[4].

Жаҳон гузаргоҳидур бу работи нилуфарий,
Ки бўлма ғафлат ила анда Комила мокис[5].

---

[1]*Ҳорис* – деҳқон, экин экувчи
[2]*Солис* – учинчи
[3]*Ҳодис* – янги пайдо бўлган, кейин юзага чиққан
[4]*Хонис* – қасамдан қайтган, онтни бузган
[5]*Мокис* – тўхтовчи, туриб қолган.

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж.

Ҳеч ким оламда фориғбол эмас,
Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж.

Ганжи ҳуснунгни закотин бер менга,
Сен ғанийсан, менда бисёр эҳтиёж.

Кўзларим айлар юзингни орзу,
Ким, эрур кўзгуя дийдор эҳтиёж.

Мустаманд этти мени муҳтожлиқ,
Қилди ҳожатмандинг, эй ёр, эҳтиёж.

Гар тиларсен обрў аҳбоб аро,
Айлама зинҳор изҳор эҳтиёж.

Қил раво албатта ошиқ ҳожатин,
Боқмағил арз этса ағёр эҳтиёж.

Бир тараҳҳум зоҳир этсанг нетгуси,
Қилди ҳуснунга мени зор эҳтиёж.

Ёр васлини тиларман, Комила,
Айлади кўнглумни афгор эҳтиёж.

Кетти ҳушум ул париваш жилва оғоз айлагач,
Ўртади жон пардасин мутриб наво соз айлагач.

Тонг эмас қилса юзи машшотани бедасту пой,
Айлади ойинани сув, чеҳра пардоз айлагач.

Лаблари тўкти табассум шаҳдидин оби ҳаёт,
Кўзлари юз фитна барпо айлади ноз айлагач.

Ноз бирла боғбони сунъ бу гулзор аро
Сабзу хуррам қилди сарвингни сарафроз айлагач.

Фурсати умри кироми ўтганин расво кўнгул
Билди ғафлат уйқусидин кўзларин боз айлагач.

Сайд этар бир дамда олам аҳлини мурғи дилин,
Қошларин шоҳин этиб, кўзларни шаҳбоз айлагач.

Вомиқу Фарҳоду Мажнундин муқаддам билди ёр,
Комила ишқини ошиқлиғда мумтоз айлагач.

Кўзларим муштоқдур дийдор учун рухсора оч,
Пардани юздин кўзим қилғунча бир наззора оч.

Пардаи нозу ҳаё хомуш лаълингдин кўтар,
Икки гул баргини бир-бирдин гаҳи гуфтора оч.

Бесутун тоғида кўп жон чекмағил, эй Кўҳкан,
Кўкрагимдин жўйи шир[1] ўрниға ўтлуғ ёра оч.

Эй кўнгул, дуди фиғонингдин кавокиб тийрадур,
Оҳ кўп чекма, ҳижобни собити сайёра оч.

Шавқ комил бўлса махлас[2] кўчаси масдуд эмас,
Эй шарар, бир жазба бирла роҳи санги хора оч.

Мунча пинҳон доғким, эй жон, фалак қўйди санга,
Ёр агар келса, гирибонингни айлаб пора оч.

Комила, оҳи дилу шўри жунун барпой қил,
Ушбу лашкар бирла олам мулкини якбора оч.

---

[1]Сут ариғи.
[2]Қутилиш жойи

Тийра дилман шона зулфунгни паришон айлагач,
Субҳи айшим шоми ғамдур чеҳра пинҳон айлагач.

Солди ишқ аҳлиға рустохез ҳижрон офати,
Оҳни сарсар қилиб, ашкимни тўфон айлагач.

Барги гул келтурмади ул ҳусни анвориға тоб,
Қилди гулларни хазон сайри гулистон айлагач.

Лаълидин дардимга дармон айлар эрди васл аро,
Чора қилмас мубталои дарди ҳижрон айлагач.

Бенавоман дайр аро соқийни истиғносидин,
Жомни йиғлатди мийно бағрини қон айлагач.

Чобукиким, ғамза тиғи бирла ушшоқ аҳлини
Қатли ом айлар, кўзи майдонда жавлон айлагач.

Комила гар васли давронин ғанимат билмади,
Ўртанур эмди хаёли шоҳи даврон айлагач.

Эй кўнгул, ёр учун жаҳондин кеч,
Ҳаваси боғу бўстондин кеч.

Анга ўзлук била етиб бўлмас,
Истасанг васли ёр жондин кеч.

Олам аҳлида чун вафо йўқтур,
Бир йўли яхши-ю ёмондин кеч.

Бўлғил анқои Қофи истиғно,
Эй ҳумо, мушти устухондин кеч.

Бўлдунг эй жон, асири шаҳри фано,
Ким деди мулки жовидондин кеч.

Кеч дединг ёру ошнолардин,
Менга лекин дема фалондин кеч.

Комила шўри ашки дарёдур,
Ушбу дарёи бекарондин кеч.

Васли ёр истасанг жаҳондин кеч,
Ҳарна мақдуринг ўлса ондин кеч.

Тиласанг васл, ўт жаҳон ғамидин,
На жаҳон, балки жисму жондин кеч.

Бир назар қомати хиромиға боқ,
Муддате умри жовидондин кеч.

Бордур олам биноси ваҳму гумон,
Эй кўнгул, ваҳм ила гумондин кеч.

Бўлмағил яхши-ю ёмонға тараф,
Беҳуд ул, яхши-ю ёмондин кеч.

Кўйи туфроғида нишиман қил,
Сайри гулзору бўстондин кеч.

Ёрким ер тубида пинҳондур,
Комила, маҳи осмондин кеч.

Май ичсанг, эй кўнгул, элдин ниҳон ич,
Лаби ёди била май ройгон ич.

Агар ғамдин халос ўлмоқ тиларсен,
Суроҳийдек шароби арғувон ич.

Кўнгул, шодоб эдинг васли майидин,
Лабидин айру тушдинг, эмди қон ич.

Кириб майхонаға ғамдин омон топ,
Дамо-дам жом тут, май ҳар замон ич.

Майи ноб эл иёрига маҳакдур,
Ўзунгни айламакка имтиҳон ич.

Будур мазмуни мавжи бодаи ноб,
Ки саҳбо пийри айлар жавон, ич.

Сенга, эй Комила, жоми муҳаббат,
Чу суди соқийи ширин забон ич.

Бўйла ким нутқи равон бахшинг эрур поку малиҳ,
Тилға келтурма адаб бирла ибороти қабиҳ.

Ишқ даъвосини беморлиғ айлар исбот,
Улки бемор эмас, йўқ ани даъвоси саҳиҳ.

Ногаҳон кўрса хиромингни бўлур шарманда,
Боғбон айлади сарвини қадингдин таржиҳ.

Ҳақ жанобида топар мартабаи Исмоил,
Ишқ тиғи бирла ҳар кимса агар бўлса забиҳ.

Равнақи шом эрур холу хатинг узра савод,
Баски рухсору буногўшинг эрур субҳи сабиҳ.

Тўтии нутқим эрур гулшани гуфтор ичра,
Сўзда шаккар шикану нутқу такаллумда фасиҳ.

Нуктаи ишқни ҳар бесару по фаҳм этмас,
Дема ағёрға асрори муҳаббатдин сариҳ.

Риштаи ҳойил эдинг дайр била савмаада,
Ким бараҳман деди зуннор ани, зоҳид тасбиҳ.

Партави меҳринг ила Комилани куйдурдунг,
Ким эмас кўкда қуёш важҳи жамолингча вазиҳ.

Эй жамолинг сабоҳат ичра сабиҳ,
Ҳусн эли зумрасида сабзу малиҳ.

Бўлма мағрур муддаий сўзина,
Ани қавли сақимдурур, на саҳиҳ.

Мен каби лофи ишқ уриб зоҳид,
Элга расволиғини қилди сариҳ.

Лабларингдур Масиҳу Хизр хатинг,
Сендин истар ҳаёт Хизру Масиҳ.

Куфру ислом элиға зулфунгдин
Иқди зуннору ҳалқаи тасбиҳ.

Тарки ишқ эт, деди менга зоҳид,
Демади ҳеч телба мунча қабиҳ.

Комила возиҳи маонийи шавқ,
Анга таслим этар шарифу вазиҳ.

Бўлди ул хуршиди талъат ҳажридин ғамнок субҳ,
Ҳар саҳар мендек гирибонини айлар чок субҳ.

Чекти оҳу қатра-қатра тўкди анжум ашкини,
Дуди савдодин фалак рухсорин этти пок субҳ.

Кавкаб эрмас ҳар саҳар тобон фалак майдонида,
Ким қилур бир ой ғамидин дийдасин намнок субҳ.

Бўлди расво айлагач доғи ниҳонин ошкор,
Халқдин асрори меҳрин қилмади имсок субҳ.

Ҳар саҳар эрмас фалак майдонида гарду ғубор,
Кўрди бу мажнун ғамидин боши узра хок субҳ.

Ком топмай васл шоми бир-биридин икки ёр,
Кўргузуб меҳрин жаҳон равшан қилур бебок субҳ.

Комила олам нашоти ғуссасига арзимас,
Қилди бемавқеъ ёқосин чок беидрок субҳ.

Манга лаълингдин айру коми жон талх,
Эрур андин шароби арғувон талх.

Эрур гул мавсуми булбул нашоти,
Бўлур айши анинг хазон талх.

Жаҳондин кетди ул шоҳи жаҳоним,
Манга бўлди фироқида жаҳон талх.

Севарман ёрни, йўққим рақибим,
Нечукким яхшидур ширин, ямон талх.

Фироқинг заҳридек қотил эмастур,
Ҳалоҳил бирла қилдим имтиҳон талх.

Фараҳ кўз тутма ҳижрон шарбатидин,
Эрур заҳри ҳалоҳил бегумон талх.

Манга йўқтур ҳаловат сендин айру,
Ки бўлмиш рўзгорим ончунон талх.

Агар томса кўзумдин қатраи ёш,
Бўлур дарёдаги оби равон талх.

Манга, эй Комила, лаълидин айру,
Агар шакар есам бўлғай даҳон талх.

Ул пари пайкар ҳажридин жаҳоним бўлди талх,
Шарбати лаълидин айру коми жоним бўлди талх.

Войким, жоми висолидин фараҳ топти рақиб,
Ишратим, эй соқий, ширин забоним бўлди талх.

Коми жонваслингда ширин эрди, мен масти ғурур,
Эмди ҳижронингда, эй номеҳрибоним, бўлди талх.

Не ҳаловат кўргамен ҳажрингда бу майхонадин,
Нашъа заҳр ўлди, шароби арғувоним бўлди талх.

Себи ғабғаб бирла унноби лабинг ҳижронида,
Меваи алвони боғу бўстоним бўлди талх.

Шарбати лаълингдин айру топмадим жон лаззатин,
Комима ишрат майи, эй дилситоним, бўлди талх.

Васл давронида айшу ишратим жовид эди,
Комила ҳижронда айши жовидоним бўлди талх.

Фироқинг оташидин оҳу овах,
Ки тоқат айламас бу ўтқа дўзах.

Юрак заҳмида пайдо бўлди йўл-йўл,
Ўқунг пайкони гўё эрди рах-рах.

Шаҳ айлар маснади ноз узра ором,
Мени девонаға бас хоки гулах.

Жаҳон, эй Комила, эл мақталидур,
Эмастур жойи осойиш бу маслах.

Агар бўлса кишини ёри фаррух,
Муборакдур юзи, дийдори фаррух.

Қани ул ёрдек шчрин шамойил,
Лаби шаҳду шакар, гуфтори фаррух.

Менинг ёрим парилар шоҳи эрди,
Жамоли дилкашу атвори фаррух.

Ниҳоли қомати сарви хиромон,
Юзи гул, лаъли шакарбори фаррух.

Эрур майхона файзи майманатлиғ,
Лабо-лаб соғари саршори фаррух.

Менга зоҳид юзидур номуборак,
Ва лекин жуббау дастори фаррух.

Бўлубдур Комила мумтози маъни,
Каломи равшану ашъори фаррух.

Риёу ҳирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмаким, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

Санамлар ишқина тоқат қилолмайин ночор,
Ёшунди савмаағa зуҳд ўлуб баҳонаи шайх.

Риёу зарқ тариқида ташнаком ўлур,
Сароби баҳри хаёлоти бегаронаи шайх.

Хомуш этарман ани бир шарора оҳ била,
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.

Кўнгуллар ўлди совуқ сайҳасидин[1] афсурда,
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх.

Берур ғурур ила оройиши фашу дастор,
Ки худнамолиғ эрур зеби корхонаи шайх.

Топилса, Комила, бир шайхи орифи комил,
Бошим ҳавосин этай назри остонаи шайх.

---

[1]*Сайҳа* – ҳайқириқ, қичқириқ

Ёр керак ошиқа, менда севар ёр йўх,
Дарду ғамим беадад, сўргали ғамхор йўх.

То абад обод ўла шаҳри фано кўчаси,
Жаннат эрур ошиқа андаки озор йўх.

Бўлди хаёлинг била кўнглум уйи дилкушо,
Келки, бу вайронада сояи девор йўх.

Маҳфили айём аро мояи айшу нишот,
Барча муҳайё менга, ҳайфки дилдор йўх.

Ғунчау гул тенг эмас лаълинг ила оғзинга,
Гулда шакар хандау ғунчада гуфтор йўх.

Ўтса хиром айлабон жилва била чобукум,
Етмас анинг қаддиға сарвда рафтор йўх.

Элга не тонг айласа оҳу фиғоним асар,
Менга букун, Комила, ёрдин осор йўх.

Боғ сайр эт, карами довара бох,
Гулни бошидаги тожи зара бох.

Худди заррин менга оҳим шарори,
Шамъ фарқи сарида миғфара бох.

Қон тўкар ғамзаси, мижгонлари ҳам,
Кўзи қатлимға чекан ханжара бох.

Ҳажр тиғи била бағрим юз чок,
Ани ҳар чокида юз минг яра бох.

Шамъ янглиғ кия бўрки заррин,
Дуди оҳимдин инар қарқара бох.

Ваҳшат айларму кийик Мажнундин,
Менга эй кўзлари оҳу бара бох.

Комила, даҳр элини сархуш бил,
Соқийи давр алида соғара бох.

Инонма лофи муҳаббатдин элга урса занах,
Ки бордур ишқ ила зоҳид ароси юз фарсах.

Фалак ажузасидур турфа шўхи ғаддора,
Ки неча шайхдин олди кўнгулни айлади шах.

Ҳарир пийроҳанинг риштасиға не нуқсон,
Ярамни тиккани андин иноят эт бир нах.

Нечук таҳаммул этар мушт пайкари хокий,
Ки тоқат этмади ҳижрон азобиға дўзах.

Ҳарис меъдаси тўлмас жаҳон хирожи била,
Наким йўлуқти анга қилди дохили матбах.

Бу барча ажз ила исботи нотавонлиғдур,
Ки мўр қилди Сулаймонға туҳфа пои малах.

Вубол Комила ёр олида рақиб юзи,
Нечукки юз уза нуқсони ҳусн эрур озах.

Тушти оҳимдин бу охшом чарх майдониға дуд,
Ким асар қилди фалакни меҳри тобониға дуд.

Баҳри ашкимдин рутубат кетти то таҳтас-саро,
Етти оҳимдин фалак тоқи намоёниға дуд.

Кеча ул гесу таманносида чектим оҳлар,
Тонг эмас андин туташса чарх айвониға дуд.

Шамъи рухсорини атрофида печутоб урар,
Турфа ўхшар ёрнинг зулфи паришониға дуд.

Шамъдек ўртаб танимни, эҳтиёт эт дудини,
Ким керакликдур саводи хатти райҳониға дуд.

Ёр ушшоқина шамъи жилва равшан қилмасун,
Ким тушар андин рақиби рў сияҳ жониға дуд.

Куйди бағрим "оҳ" мисраини иншо айлагач,
Тушти андин Комила авроқи девониға дуд.

Ўтти кўксумдин ўқинг, сарви равондин берди ёд,
Заҳмларким қолди андин гулситондин берди ёд.

Меҳнати ҳижрон аро нокомлиғ чекканлара
Васл аро ўлмак ҳаёти жовидондин берди ёд.

Огаҳ этти элни ашким собиту сайёраси,
Дуди оҳимдур фалакда каҳкашондин берди ёд.

Айлагач барбод айшим ҳосилин ҳижрон ели,
Ошноларға сориғ рангим сомондин берди ёд.

Воқиф ўлдим даҳр боғини гули раъносидин,
Ким баҳори ранг келтургач хазондин берди ёд.

Ёридин айрилди деб ҳар кун манга даври фалак
Кўргузуб меҳрини, ул номеҳрибондин берди ёд.

Комила қилғоч муҳаббат нашъасидин гуфтугў,
Лаззати шеъри Умар соҳибқирондин берди ёд.

Ул сарвки бордур ани мавзун қади озод,
Машшота учун шона чекар зулфиға шамшод.

Мардумлиқ ила айлади ул ой мени расво,
Найранг ила худ телба қилур элни паризод.

Қоши қиличи бирла қилур қатл дамо-дам,
Ушшоқларин икки кўзи бўлғали жаллод.

Ул ғамза санга жавру жафо илмин ўқутти,
Афсуски, таълими вафо бермади устод.

Сен тарки вафо қилдингу бадмеҳрлиғ этдинг
Ёрингни фаромуш қилиб, айламадинг ёд.

Оҳим шарари қилмади кўнглини мулойим,
Ҳарчанд мулойим бўлур ўт тобида фўлод.

Барпой тутиб қоидаи меҳру муҳаббат
Тарк айламадинг, Комила, давлат уйи обод.

Чун мендин узди меҳрини ул ёри муътамад,
Бегона бўлди бир-биридин жон ила жасад.

Бўлсам фироқ лашкаридин мунҳазим, нетонг,
Сабру сабот черикидин етмади мадад.

Мен нотавону хастани ул ой жамолидин
Маҳрум қилди толеи баргашта бахти бад.

Йўқ оғзини сўроғида, эй жон, нишон тилаб
Туштунг адам тариқина гумдур сенга балад.

Ҳар кимки топса ишқ адабгоҳида қабул,
Қилмас ани такаллумини ҳеч кимса рад.

Дарди фироқ шиддатини билди Комила,
Дўзах азобидин ғами ҳижрон экан ашад.

Шукр бори ким ишим бўлмади рад,
Ишқ бурҳони менга эрди санад.

Куфру ислом элиға сен маъбуд,
Каъбау дайрдур икки маъбад.

Ғам ҳужум этса раҳи майкада тут,
Риндлар ҳимматидин иста мадад.

Дайр пири қадаҳу мийнодин,
Фитна яъжужи учун боғлади сад.

Ишқ дарсини на билсун зоҳид,
Эмди оғоз қилибдур абжад.

Боғ сайрина хиромон ўтти,
Сарв рафтору бути мавзун қад.

Айлади Комилаға арзи висол,
Йўқса масдуд эди роҳи мақсад.

Жаҳонда исми маҳмудингдур Аҳмад,
Эрур васфинг Абулқосим Муҳаммад.

Зуҳур этгач жамолинг офтоби,
Мунаввар бўлди бу тоқи забаржад.

Туфайлидур вужуди офариниш,
Эрур мақсуд анинг зоти муаббад.

Қамар ақрабда кўргузди нишона,
Юзи даврида гесуйи мужаад.

Эрурсен Хотами хатми нубувват,
Жамолинг офтоби авжи сармад.

Агар чандеки зоҳид зуфунундур,
Эрур ишқ ичра гўё тифли абжад.

Тополмай Комила ул шаҳ жанобин,
Жунун занжириға бўлди муқайяд.

Фурқат ичра қон ютуб ғам бирла чектим оҳи сард,
Ким хазон авроқидек бўлди юзум ҳажрида зард.

Йўлида бошимни фарши раҳгузори айладим,
Бок эмас жону таним бўлса аёғ остида гард.

Кўрди дардимни табибу тишлади бармоғини,
Айдиким: "Йўқтур давоси, ишқ дардидур бу дард".

Толиби дунё, гирифтори каманди ҳирс ўла,
Пойбаст ўлмас тааллуқ домиға озода мард.

Бўлма ғофилким сенга қасд этти ҳижрон лашкари,
Эй кўнгул, тортиб синони оҳни қилғил набард.

Нотавон жисмимда ҳар ёндин намоён доғлар,
Ким бисоти ишқ аро бу устихондур каъбу нард.

Гулшани васли сўроғини тополмай Комила,
Бўлди бу саргашта ҳижрон даштида водий навард.

Чун этар дарду бало ҳайлимға ҳижрондин мадад,
Оҳким етмас ҳазин жонимға жонондин мадад.

Базли[1] ишқ эттим бо ғайр лаъли жигар ёқутини,
Бўлмади найсон чашми гавҳарафшондин мадад.

Ҳар кўнгул ғам тиғидин мажруҳ бўлмай қолмади,
Тобқали ул ғамзаи хунрез мижгондин мадад.

Тез ўлур ағёр таънидин жунуним оташи,
Ўт тутошқондек топиб хори биёбондин мадад.

Партави эҳсон бароқмиш[2] зарраларға офтоб,
Кошки етса бу ожиз қулға султондин мадад.

Тонг эмас қилса жафо иқлимини зеру забар
Ким етар дин лашкари ул ҳазрати Хондин мадад.

Еткурур имдод қулларға дамо-дам Комила,
Зарраға етган каби меҳри дурахшондин мадад.

---

[1]*Базл* – инъом, эҳсон, ҳадя.
[2]*Бароқ* – порлоқ.

Бординг назаримдин, эй паризод,
Мен қулни ду бора қилмадинг ёд.

Ҳажр ичра фироқ шиддатидин
Юз нолау сад ҳазор фарёд.

Қонлиғ кўнгул ичра мадди оҳим,
Андоғки, чаманда сарви озод.

Мижгон ила наргисингдин, эй шўх,
Касб айлади қон тўкарни жаллод.

Мен оҳ ила тоғни сув қилдим,
Кунд айлади тешасини Фарҳод.

Фарёдки, ҳажр тундбоди
Айшим чаманини берди барбод.

Дин Комиладин камол топди,
Иқбол рафиқу мулк обод.

Ажални дастидин юз доду фарёд,
Ки умрум ҳосилини берди барбод.

Музайян қилма тарҳи истиқомат,
Жаҳони бебақодур суст бунёд.

Кўнгул қасри муҳаббат доғи бирла
Муаббад то абад маъмуру обод.

Жаҳон маккора золи бевафодур,
Вафо бирла кўнгулни қилмади шод.

Қани Фарҳод ила Мажнун нишони,
Қани Ширину Лайли, айлағил ёд.

Алойиқ барча занжири ажалдур
Қўяр андоғки доми ҳийла сайёд.

Кўнгуллар Комила ашъоридин хуш,
Деди Ноҳид ўқуб юз офарин бод.

Жаҳон боғида, эй ҳури паризод,
Хижилдур қоматингдин сарву шамшод.

Тағофул бирла қон тўкмак фанида,
Кўзинг шогирди шўху ғамза устод.

Хиромон келгил, эй сарви равоним,
Қадинг нахлин бисёр айладим ёд.

Мени ул ой висолидин айирдинг,
Алингдин, эй фалак, юз доду фарёд.

Менга ҳажр ичра, эй гардун, жафо қил,
Ки бўлдим дарду ғам чекмакка мўътод.

Риёзат бирла кўнгулга сафо бер,
Бўлур ойина сайқал бирла фўлод.

Тилар нолон кўнгул тандин фароғат,
Бу булбулни қафасдин айла озод.

Гар эрса Каъба таъмири муродинг,
Кўнгул вайронасини қилғил обод.

Фалак, жаври бирла ул ой фироқи
Менга, эй Комила бас мунча бедод.

Ҳарчанд эрур аҳли жаҳон жониға хурсанд,
Бордурму менингдек лаби жонониға хурсанд.

Қумри ани қаддини кўруб мунфаил ўлди,
Ҳарчанд эрур сарви хиромониға хурсанд.

То кўрди анинг моҳи жамолини муайян,
Хуршид эмас чеҳраи тобониға хурсанд.

Кўнглумдағи ул шамъи шабистон ҳавасидин,
Ҳар лаҳза эрур оташи пинҳониға хурсанд.

Хаттини кўруб ғунча сифат тангдил ўлғай,
Гулшанки эрур сабзаи райҳониға хурсанд.

Азбаски кўнгул ёр ғамидин тараб этмиш,
Ҳижрон тунидур нолаи афғониға хурсанд.

Мажнунлиғ эрур ҳуш либосин ҳавас этмаз,
То Комиладур чоки гирибониға хурсанд.

Агарчи номаи ёр эрур арғувон коғаз,
Юзумга қаршу тушуб бўлди заъфарон коғаз.

Кўнгулни дардини кўк тоқина рақам қилдим,
Нечукки оҳи қалам эрди осмон коғаз.

Юзунг фироқини кўз ёши бирла шарҳ эттим,
Ажаб эмастур агар бўлса гулистон коғаз.

Савод этарда ғамим шарҳини қалам куйди,
Ки бўлди оҳим ўтидин шарарфишон коғаз.

Тамом бўлмади ҳижрон фасонаси ҳаргиз,
Агарчи бўлди муҳаррир жаҳон-жаҳон коғаз.

Чу ишқ сиррини мен айлаёлмадим маҳфий,
Варақ юзида нечук айласун ниҳон коғаз.

Карам тариқида ул номаи иноят эрур,
Юборса ўз қулиға шоҳи нуктадон коғаз.

Зи машқи навхати ман қитъаи биёр, эй ёр,
Ба захми дил бениҳам марҳами аз-он коғаз.

Зи номаи Комила асрори дил бувад равшан,
Ки шуд миёни ману дўст таржимон коғаз[1].

[1]Менинг янги машқ қилаётган хатимдан бир қитъа келтиргин, эй ёр,
у қоғоздан захм теккан юрагимга марҳам қўяйин.
Комиланингноласидан унинг дилидаги сирлар равшан бўлади,
Мен билан дўст ўртасида қоғоз таржимон бўлди.

Нашъаи саҳбо дугул жоми висолингдек лазиз,
Шарбати кавсар эмас ширин зилолингдек лазиз.

Қасри фирдавс ичра ҳуро илкида жоми таҳур,
Барчаси эрмас тамошои жамолингдек лазиз.

Етмади тўти сенга тақлиди гуфтор айлаюб,
Ким эмастур сўзлари ширин мақолингдек лазиз.

Шарбати оби ҳаёту бодаи кавсар эмас,
Хандау лаъли лаби гулфоми олингдек лазиз.

Менки ул шўхи шакарлаб ҳажрида ранжурман,
Заҳри ғамдур менга, эй занбур, болингдек лазиз.

Гул эмас рангин жамолинг бўстон афрузидек,
Донаи райҳон эмас юз узра холингдек лазиз.

Ёди лаъли майпарасти ёр этарсен, Комила,
Нашъаи саҳбо эмас рангин хаёлингдек лазиз.

Лаълинг ҳаловати бирла жон топти илтизоз[1],
Қилдинг хиром, руҳи равон топти илтизоз.

Кўрмай юзунгни олам эли талхком эди,
Очтинг ниқоб аҳли жаҳон топти илтизоз.

Оғзинг ҳадиси қилди кўнгулларни шодком,
Ушшоқинг ошкору ниҳон топти илтизоз.

Эй навжувон, саодат ила пир бўлғосен,
Ким давлатингда пиру жавон топти илтизоз.

Ёдингни айлади кўнгул топти инбисот,
Зикрингни қилди кому забон топти илтизоз.

Хомушлуқ ҳаловати бисёрдур бале
Сўз қатъин этти тиғу забон топти илтизоз.

Зулм айлариға шод эрур ул шўх, Комила,
Қилди кўзумни ёшини қон, топти илтизоз.

---

[1]*Илтизос* – лаззат, лаззатланиш.

Эй такаллум бирла гуфторинг лазиз,
Шарбати лаъли шакарборинг лазиз.

Топти лаълингдин фараҳ махмурлар,
Соғари лабрези саршоринг лазиз.

На бало, ширин шамойил ёрсен,
Талъатинг ширину дийдоринг лазиз.

Зулму жаврингни менга қилким, эрур
Нотавон жонимға озоринг лазиз.

Қилма, эй девоча, унноб орзу,
Бордур андин лаълу дилдоринг лазиз.

Жонима ёдинг ҳаловат еткурур,
Эй хаёли моҳи рухсоринг лазиз.

Комила ул лаъли-лаб васфин дединг,
Бўлди сар то пой ашъоринг лазиз.

Хатинг саводи била бўлди баҳравар коғаз,
Ажаб эмастур эгар бўлса мўътабар коғаз.

Юзунгни васфини ёздим қуёш сафҳасиға,
Бу важҳдин ўла манзури ҳар назар коғаз.

Борурда ёр жанобиға номаи шавқим,
Паём қушлариға бўлди болу пар коғаз.

Фироқнома рақам айлади сўроғингда,
Ки алдин-алга тушуб бўлди дарбадар коғаз.

Хатинг саводи қуёш лавҳина муносибдур,
Ки лойиқ эрмас ани сабт этарға ҳар коғаз.

Кўнгулға ҳарзи амон эрди гарчи номаи ёр,
Вале фироқ ўтиға бўлмади самар коғаз.

Ғамимни, Комила, ҳар ким эшитти, ўртанди,
Таҳаммул айламади дардима магар коғаз.

Шарбати лаъли лабинг қанди муқаррардек лазиз,
Лабларинг бирла каломинг шаҳду шаккардек лазиз.

Жон берурлар лаъли нобинг шавқида Ҳизру Масиҳ
Ким эрур лабташналар комиға кавсардек лазиз.

Ҳалқаи зулфунг баногўшингда кўнглум домидур,
Донаи холинг юз узра мушки анбардек лазиз.

Фақр эли султоним, меҳнат диёридур ерим,
Гарди роҳинг бошим узра тожи афсардек лазиз.

Маснадинг гар ўлса туфроғу либосинг эски шол,
Бу тажаммулдур сенга Хоқону Қайсардек лазиз.

Шаҳди нобу шарбати уннов ила нуқли шакар,
Бўлмамиш махмурлар комиға соғардек лазиз.

Комила васлин тилаб қилдим бу оламдин гузар,
Давлати дунё эмас дийдори дилбардек лазиз.

Эй кўнгул, ишқ ичра ғофил бўлма, ёр алдин кетар,
Ёрсиз айшу нашоти рўзгор алдин кетар.

Муддао осойиши жон ўлса зинҳор, эй кўнгул,
Ихтиёр этма муҳаббат ихтиёр алдин кетар.

Бода ич, ишрат суруди бирла созу айш қил,
Кўз очиб юмғунча айёми баҳор алдин кетар,

Бевафолар меҳрини тарк айла, эй шайдо кўнгул,
Йўқса бу йўлда алингда ҳарна вор алдин кетар.

Ишқ то пинҳон эрур илгингдадур нақди висол,
Бу гуҳарни элга қилсанг ошкор алдин кетар.

Ҳусн боғи олмасидур ғабғабинг, лаълинг анор,
Олма сари майл агар қилсанг, анор алдин кетар.

Наргисинг бўлса хумори сайд этар ушшоқни,
Қилма масти жом истиғно хуммор алдин кетар.

Муғтанамдур давлати дийдор агар шукр этмасанг
Комила, домони васли шаҳриёр алдин кетар.

Улки ҳар соат ипокдин банди пироҳан тўкар,
Шавқдин набзи[1] хаёлим риштаи шеван тўкар.

Гул юзидур боғ аро ғам коҳидин нилуфари
Нордин очилса аввал ғунчаи савсан тўкар.

Эй пари, бу телба Мажнунинг ажаб девонадур,
Гаҳ ёқосин чок-чок айлар, гаҳи доман тўкар.

Ғам сиёҳи тири боронидин айлаб эътироз,
Қулзуми ашким сув узра мавждин жавшан тўкар.

Новаки оҳимға булғайму нишон деб чарх узра
Барқи заррин риштасин анжум каби равшан тўкар.

Кирса ул сарви равон гулгун кийиб майдон аро,
Тугмалар гул ғунчасидин жайбиға гулшан тўкар.

Улки олам халқиға осойиш истар Комила
Риштаи меҳрин кўнгулга дўст то душман тўкар.

---

[1]*Набз* – қон томири

Ёрки лаъли нобидин тугмаи пираҳан тўкар,
Кўз ёшим иштиёқидин мавжвару Адан тўкар.

Чиқса нашот базмидин масти шароб ноз ўлуб,
Гўшаи рўймолиға нуқли шакар шикан тўкар.

Чоҳи зақан амиқдур обиҳаёт лаб-балаб
Ёр бу чашма лабиға сунбулидин расан тўкар.

Уқдаи тор сунбули солди кўнгулга юз тугун,
Узди висол риштасин, эмди ани миҳан тўкар.

Сарв қади хиром этиб кирса нашот базмиға
Эгри кийиб кулоҳини ғунча териб, чаман тўкар.

Майкадаи висол аро мавжи шароб риштасин
Жон қушини аёғина соқийи сиймтан тўкар.

Фикру хаёл базмида гавҳару мавж демаким
Кўз ёши бирла Комила силсилаи сухан тўкар.

Войким, ўз ёридин қатъи муҳаббат қилди ёр,
Бир йўли тарки вафо бирла мурувват қилди ёр.

Бенаволарни висоли базмидин маҳрум этиб,
Дўстларни мубталои доғи фурқат қилди ёр.

Чун парий янглиғ назардин бўлди пинҳон билмадим,
Қайси манзилда ҳавои истиқомат қилди ёр.

Айласам девоналиғ манзур тутким, эй рафиқ,
Ақлу ҳушу сабру оромимни ғорат қилди ёр.

Бир йўли меҳру вафо расмин фаромуш айлади,
Ишқ элига жавру зулм этмакни одат қилди ёр.

Тушда ёримни кўруб айдим: бери кел, айланай,
Қоши бирла, сен бери кел, деб ишорат қилди ёр.

Олам аҳлидин мукаддар эрди ёрим Комила,
Барчадин фориғ бўлуб рафъи кудурат қилди ёр.

Ёр каманд зулфини қатлима аждаҳо қилур,
Жонима жоду кўзлари фитналарин бало қилур.

Зулфу хатинг фироқиға бўлғали мубтало кўнгул,
Ҳар кеча дуди оҳдин чарх юзин қаро қилур.

Ғам ема, сайр қил кўнгул, бир кун ўшал Масиҳдам
Ҳажру фироқ дардиға васли била даво қилур.

Саҳв ила ёр наргисин, дема Хўтан ғизолидур,
Кимки шамъим зулфини мушк деса хато қилур.

Шира йўқ кўнгул қуши авжи шараф ҳумосидур,
Ҳар кеча юз нашот ила кўйинг уза ҳаво қилур.

Ваҳ на Масиҳдур лаби лутф ила элни тиргузур,
Бир кўзи бирла юз кўнгул ҳожатини раво қилур.

Ул бути шўхи санғдил, йўқтур анинг мурувватн,
Ғайрға кўрсатиб вафо, ошиқиға жафо қилур.

Риштаи жон танобидур итлари бўйнида расан
Рахши аёғиға бағир қони била ҳино қилур.

Ёрига мағфират тилаб Комила шом то субҳ
Сидқ ила ҳақ жанобиға қўл кўтариб дуо қилур.

Қилма ғурур, эй кўнгул, кимга жаҳон вафо қилур,
Кимники сайд айлади, ғусса била фано қилур.

Меҳру муҳаббат аҳлиға чарх мурувват айламас,
Жавр ила икки ёрни бир-биридин жудо қилур.

Бодаи лоларанг ичиб, чеҳрасин арғувон этиб,
Ошиқи мустамандини рангини каҳрабо қилур.

Гулшани васлин орзу қилса кўнгулни булбули,
Ёр юзини ёд этиб, нола чекиб наво қилур.

Золи фалакни, эй кўнгул, макридин айлағил ҳазар,
Йўқса сени фириб ила домиға мубтало ҳилур.

Эмли худо ризосини Комила ихтиёр этиб,
Элга адолат айлабон, тавбаи раббано қилур.

Эй тожи саринг маҳи мунаввар,
Хоки қадаминг сипеҳри афсар.

Эй шакли шамойилинг дилафрўз,
Ҳайрон сенга офтоби анвар.

Иқболу чокаринг эрурлар,
Доро била Рустаму Скандар.

Сендурсен ўшал шаҳи мукаррам
Бечоранавозу бандапарвар.

Бўлсун бу жаҳонда жовидони,
Бу давлату жоҳу қасру манзар.

Эй Комила, маҳви ҳимматингдур,
Шеруяву Кайқубоду Санжар.

Ўтги нашот фурсати, келмади ёрдин хабар,
Бўлди кўнгул сўроғида хастау зору дарбадар.

Сарв чаманда бош чекиб гуллар очилса тонг эмас,
Ваҳ, неча сарви гулбадан қилди бу боғдин сафар.

Улки замона базмида айлади сарбаланд ўзин,
Бошдин-оёғи шамъдек ўртади қисса мухтасар.

Васл баҳори гул очар меҳру вафо риёзида,
Ҳажрида лола баргидек доғ ила қон ўлуб жигар.

Дашти жунун насимидек телба кўнгул хаёл ила
Топмади сарбасар юруб ёр суроғидин асар.

Дарди дилингни, эй кўнгул, сўрғоли келса ёр ити,
Қўй жигарингни олиға, хайри таоми моҳазар.

Гарчи фироқ дардидин бўйила низор ўлмишам,
Комила ҳоли зорима солмади ёр бир назар.

Шоҳики хизматиға амири замон келур,
Шери жаҳон жавобиға фили домон келур.

Ўлтурса салтанат била тамкин саририда
Таъзими остонасиға осмон келур.

Жоридур они ҳукми хосу авом аро
Карам қилса сарв чамандин равон келур.

Сайри чаман қилурда хаёл этса соябон,
Найсон саҳоби бошиға гуҳарфишон келур.

Ҳар кун анинг адолатидин олғоли сабақ
Мулки Адамдин олиға Нўширавон келур.

Карам қилса лашкаридин бир қабилаға
Хоқон хазинасини олиб ройгон келур.

Шукри худоки бўлди салотин саромади,
Қайсар жанобидин анга заррин нишон келур.

Бадхоҳлар на қилғай анга эътироз этиб,
Шамшири хон бараҳна мухолиф қаён келур.

Беш фарз вақти Комила хон эҳтисобидин,
Ҳар гўшадин қулоға садои азон келур.

Гарчи тағофил айлабон ёр юзин ниҳон этар,
Нози кўнгулни куйдуруб, ғамзаси қасди жон этар.

Гар юзум ўлди заъфарон, сўрма сабаб надур дебон
Оҳи самуми офият гулшанини хазон этар.

Абри баҳордек кўзум гул юзунг иштиёқидин,
Дам-бадам ашки олини юз сариға равон эгар.

Эйки муҳаббат аҳли, сиз шукр қилинг висолиға,
Ҳажр ёмон азобдур, доғи юракни қон этар.

Ғайра висол базмида ҳамнафас ўлса ул парий,
Ошиқи хаста дил анинг ҳасратидин фиғон этар.

Ғам сенга зўр айласа май ичибон нашот қил,
Дафъи ғаму малолни бодаи арғувон этар.

Комила боданўш қил, маст бўлуб фаромуш қил,
Пири муғон муридини май била имтиҳон этар.

Ошиқинг ўлди ғаму дард ила ёрим, келакўр,
Боғу айшимга хазон етти баҳорим, келакўр.

Тобакай ҳажрингга тоқат қилиб, ором тутай,
Қолмади эмди мани сабру қарорим, келакўр.

Аёғинг туфроғина бош қўюбон ҳар соат,
Ўргулай сендин аё шаҳсуворим, келакўр.

Кеча васлингни кўрай, кундузи дийдорингни,
Сен эрурсен ҳаваси лайлу наҳорим, келакўр.

Меҳру дийдоринг учун кўз нигорон, жон муштоқ,
Зинҳор, эй санами лола узорим, келакўр.

Жону дил, ҳушу хирад барча сенинг қурбонинг,
Хоки пойингга фидодур йўқу борим келакўр.

Ҳажру ғам хонасида дарду фароқингни чекиб
Сенсизин ҳолим хароб ўлди нагорим, келакўр.

Комила ёд қилур гулшани васлингни мудом,
Раҳм этиб, ҳол сўруб, зулм шиорим, келакўр.

Эй каромат қасридин очқон жаҳона боблар,
Панжаи ҳуснунг кўнгул моҳисиға қуллоблар.

Топмасам таъсири зоҳид зуҳдлар сармосидин,
Менки гулханлар кулидин киймишам синжоблар.

Баски ошуби жунундин кўрди ранжу изтироб,
Жону кўнгул кўз ёши янглиғ эрур симоблар.

Мавж урди чун муборак жисмиға бетоблик,
Бора-бора бўлди кўзлар ёшидин гирдоблар.

Чун қизорди табъ майи ул орази гулфомдек
Қатра-қатра сув бўлуб тўкти кўнгул хуноблар.

Чун таниға қўйди таб бетоблиғ даврон аро
Риштаи жонимға тушти ушбу табдин тоблар.

Баски эрмасман дами фориғ хаёли хайлидин,
Айларам андишалар султониға одоблар.

Ғунча кориға гарав қўймас эмиш боди баҳор,
Боғлағон ишларға лутфунг этги фатҳ албоблар.

Баски, эрмас ҳар киши кўз жавҳариға қадрдон,
Комила сўздин аён айлар дурри сероблар.

Кўзларим ҳар чанд анинг ҳижронида гирён эрур,
Лек кўнглум дийдаси ёди била ҳайрон эрур.

Ул гулистон ичра ким йўқтур жамоли жилвагар,
Ғунча янглиғ ҳар қаён боқсам кўнгуллар қон эрур.

Мен каби зору ҳазин йўқтур вафо атворида
Гарчи ҳар ён чўх асиру зору саргардон эрур.

Лолалардек бош узра гар афсар ўлса тонг эмас,
Баски кўнглум доғдори ул гули хандон эрур.

Раҳм қил, ё раб, туш ичра кўрсат анинг оразин,
Ким букун тоқат анинг доғида не имкон эрур.

Не тарабдур доғими, не даври ишрат барқарор,
Эй фалак, ул ойни даврони ажаб даврон эрур.

Ўтти умри ҳасрату андуҳи бепоён ила
Комила, ҳар ким муҳаббат хисрави Турон эрур.

Ҳар на ким шойистадур табъи сухандонингдадур,
Қайсики зебанда хислатдур сенинг шонингдадур.

Боғ аро чиқтинг анинг сарфи қудумин эткони,
Мулклар нақди хирожи гарди домонингдадур.

Лаҳза-лаҳза гулистон этти кўнгуллар ғунчасин,
Шодмонлиғларки ҳар дам жуди эҳсонингдадур.

Кимса кўрмас сен каби шойистаи жоҳу жалол,
Шукрким олам сенинг маҳкуми фармонингдадур.

Ҳосил ўлмас бир тил ила васфи зикрин айламак,
Ул иноятларки дасти гавҳар афшонингдадур.

То қиёмат боиси овозаи таҳсин эрур,
Яхши ишларким сенинг амри жаҳонбонингдадур.

Пайкаринг ойинасиға тегмасун гарди малол,
Комила, аҳбоблар жони сенинг жонингдадур.

Қанда топсам рангу иқболим гулистонингдадур,
Қанда бўлсам гарду парвозим биёбонингдадур.

Гар ғубор ўлса танам давру фалак аҳкомида,
Зарра янглиғ партави хуршиди тобонингдадур.

Гар жаҳонбин ўлса суфти партавидин кўзларим
Тўтиёси хоки даргоҳи фалак шонингдадур.

Тегмасун гарду малол оинаи иқболингга
Чунки олам обрўси жуду эҳсонингдадур.

Гар ҳумо фоқидин[1] ор қилсам айб эмас,
Бу ки бошим сояи иқболи давронингдадур.

Кўзга илмас ҳимматинг Жамшиду Доро шавкатин,
Комила топти саодат улки фармонингдадур.

---

[1]*Фоқа* – фақирлик, муҳтожлик

Ҳар табу тобеки ул шамъи шабистонимдадур,
Тоблардурким дамо-дам риштаи жонимдадур.

Ҳар ғубору гардким етмиш ани домониға,
Ул ғубору гард мавжи чашми гирёнимдадур.

Ҳар қаён хошокким йўлида манзур этмишам
Кўз фазосида бутон жоруби мижгонимдадур.

Гар ғубори хоки роҳин айласа бажо насим,
Сабру бетоқатлиғи табъи паришонимдадур.

Тегмасун, ё раб, насими сард ул шамшодаким,
Шуълалар ҳар лаҳза ўтлуғ дуди афғонимдадур.

Топмасун тағйир ул рашки чаман ранги дебон,
Лола янглиғ доғлар кўнглумдаги қонимдадур.

Риштаи жоним самуми ваҳм бирла тебранур,
Гар сабодин жунбуши сарви хиромонимдадур.

Жисму жон хокистар ўлғай, жумла рагни ўртагай,
Бўйла ўтким ишқидин бу қалби сўзонимдадур.

Барча эл кирдориға таҳсин этиб айлар дуо,
Хўблиғким, Комила, Жамшиди давронимдадур.

Менга ул сарвқад пайғомин, эй боди сабо, келтур,
Ғубори мақдамидин кўзларимға тўтиё келтур.

Вафо қонунидин савту тараннум айла, эй мутриб,
Ба ёди дўстон ушшоқ базмидин наво келтур.

Сабо сайриға гар тушса гузоринг ногаҳ, эй ҳудҳуд,
Сулаймон сори Билқис паридин марҳабо келтур.

Бўлубтур рўзгорим шоми дайжуридек тийра,
Менга, эй меҳри тобон, муждаи субҳи сабо келтур.

Жуноним қиссасидин дафтаре иншо қил, эй розий,
Муҳаббат аҳлиға афсонаи меҳру вафо келтур.

Эрур тожи мурассаъ боиси дардисар, эй Мажнун,
Паришон мўйи сардин сояи боли ҳумо келтур.

Кўнгул кўзгусини, эй Комила, ишқ ичра равшан қил,
Муҳаббат доғидин ойинаи гетинамо келтур.

Ҳар ғаму ранжки ул гулрухи хандонимадур,
Ашклар қони била дийдаи гирёнимадур.

Заҳмати ким етар ул жону жаҳон хотириға
Ҳар жаҳон заҳмату бедоди менинг жонимадур.

На қуюн шавқида, на ҳажрни амвожида бор
Изтиробики менинг табъи паришонимадур.

Ўтар дарди гулистони жамолин тилабон,
Булбули зор каби нолаи афғонимадур.

Юсуфум кетти Адам Мисриға Яъқуб каби,
Ашк селоби менинг кулбаи аҳзонимадур.

Ул қуёш ёди била баски эрур чок ёқам,
Субҳнинг кулгуси бу чоки гирибонимадур.

Қайси тил бирла анинг Комила васфини қилай,
Хўблуғлар ки менинг хисрави Туронимадур.

Қасида

Фиғонким бу даврони нопойдор,
Аён этмади шеваи эътибор.

Не соғарки сунъ илги чекти қазо,
Жафо тошидин айлади сангсор.

Бу гулшанда йўқтур насими вафо,
На булбул муқиму на гул пойдор.

Қаму шоҳким тахту давлат уза
Фалак атласидин этиб нангу ор.

Наку бахтлиғдин сарафроз ўлуб
Жаҳондорлиғдин қилиб ифтихор.

Вале уйла иқболу анжом ила
Ер остида хок ўлди анжомкор.

Муҳаммадки хуршиди афлок эди,
Туфайли вужуди ҳама йўқу бор.

Буроқи[1] этиб етти кўкда хиром,
Олиб арши хок дамидин ғубор.

Вале оқибат ул шаҳи муҳтарам
Қаро ер аро тузди жойи қарор.

Амири замон ҳазрати шаҳ Умар
Жаҳондору Кайхисраву шаҳриёр.

Ки Фарғона иқлимидин то Хито
Анга тобеу чокару жонсипор.

Тумандин фузун анга хайли чашм,
Ҳама барқ рафтору жавшан гузор.

Бино айлади бир неча шаҳрлар,
Неча масжиду буқъаи номдор.

Эди насли ободу аждод анга,
Ҳама шоҳи султон олий табор.

Бадр то бадр шоҳи маснаднишин,
Жаҳонпарвару хисрави тождор.

Саманди салобат уза ҳар қачон,
Ки душман сори бўлмиш эрди сувор.

Анинг ваҳмидин етти иқлим эли
Бўлурди ҳама беҳуду беқарор.

Анинг базморолиғин васфини
На қилсун хирадким эрур ошкор.

Қилан яхши хулқу сучук сўз ила,
Жаҳон кўнглини сайди ул шаҳриёр.

---

[1]*Буроқ* – Муҳаммад алай ҳиссалом «Меърож кечаси» кўкка миниб чиққан учар от.

Анинг дафтари шеъри рангинидин,
Қизориб чаман сафҳаси саршор.

Вафо қилмади оқибат даҳр анга
Жаҳон ўлмади жойгоҳи қарор.

Қазо жоми айши верди шикаст,
Вафо қилмади умри нопойдор.

Таниким эди соф оинадин,
Фано рангидин ўлди фарши ғубор.

Чу кўздин ниҳон ўлди ул офтоб,
Қаро ўлди айём мотамгузор.

Анга бир ўлум келди ҳам базмлар
Эрур ҳар куни бир ўлумға дучор.

Сафар қилди ул шоҳ даврон аро,
Мани қилди маъюс, беэътибор.

Ниҳон ўлди ул гавҳар шукрким,
Нишон қўйди дурдонаё ёдгор.

Сарири шукуҳи адолат ила
Анга жонишин айлади кирдигор.

Неча умрким бордур борман,
Ғуломи дури хонадон кибор.

Жаҳон борича бор ўлсун анга
Илоҳи бу жоҳ ила бу гиру дор.

Анинг шукрини юз туман тил била
Қилибдур букун Комила ихтиёр.

Ижод такъясида девонадур қаландар,
Оламда мастлиғидин афсонадур қаландар.

Озода мард бўлмас вобастаи тааллуқ,
Вораста риндларға ҳамхонадур қаландар.

Гар қилса маҳлиқолар шамъи жамол равшан,
Ул теграсида шамъи парвонадур қаландар.

Дунёни йўқу борин барбод берди ул ҳам,
Тарки жаҳон этарда мардонадур қаландар.

Гар ёр кўчасида девоналиғлар этса,
Айб этмаким жунундин мастонадур қаландар.

Меҳри худо рафиқи, ҳақ ёди ошиноси,
Дунё муҳаббатидин бегонадур қаландар.

Эй Комила, эшитса ногоҳ бу сўзумни
Юз чарх уруб жунундин айлонадур қаландар.

Ҳарифи соғару саҳбо қаландар,
Муҳаббат кўйида шайдо қаландар.

Худодин ўзга йўқтур такягоҳи,
Жунун иқлимида якто қаландар.

Мени ўлтур, ҳазар қонимдин этма,
Ки қилмаз хунбаҳо даъво қаландар.

Ики дунё матои бўлса қўлда,
Қилур бир ҳу ила савдо қаландар.

Жаҳон аҳлиға йўқтур ихтилоти,
Эрур ҳамсояи анқо қаландар.

Анга дигар жаҳон манзур эмастур,
Қилур оламдин истиғно қаландар.

Тиларман Комила тангри ризосин,
Ки эрмас толиби дунё қаландар.

Навбаҳор ўлди яна шўриш қилур девоналар,
Бўлди гулшан қушлари гул шамъиға парвоналар.

Булбули девонани шўридаҳол этмак учун
Ҳар тарафдин лолау гул илкида паймоналар.

Шўри савдойи жунун туғён этар ҳар навбаҳор,
Йиғланг, эй ишқу муҳаббат жомидин мастоналар.

Кимга изҳор этгамен кўксумни пинҳон доғини,
Ошнолар ҳолидин огоҳ эмас бегоналар.

Келмади ишқим ҳадисидек дафтари дилфириб,
Ёздилар Фарҳоду Мажнундин неча афсоналар.

Келса ногаҳ ёр хокпойиға айлай нисор,
Нечаким тўктум кўзумни ёшидин дурдоналар.

Сарв ила гул давлатимдин сабза хуррам боғ аро,
Нози піродур ғурури ҳусн ила жононалар.

Эҳтисобимдин масожид аҳлида нури сафо,
Шомдин то субҳ равшандур ибодат хоналар.

Шафқатим таъйид қилди бенаволарни ғаний,
Ҳимматим осоридин обод эрур вайроналар.

Комила меҳру муҳаббат мулкини султониман,
Давлатимдин баҳравар Фарғонадур фарзоналар.

Эй зуҳури базлингдин фақр элиға эҳсонлар,
Дурфишон лабинг солмиш инфиола найсонлар.

Чун гули санувбардин кўз узуб назар кеттим,
Ораз оч хиром айлаб, зоҳир эт гулистонлар.

Расмдурки касб айлар нурни қуёшдин ой,
Тонг эмас сенга муҳтож ўлса ўзга султонлар.

Кишвари миҳан шоҳидур кўнгул сипоҳи ғам,
Бир темур ҳисор ўлмиш теграсида пайконлар.

Кўзлари хаёли то ўқлу кўксида ўйнар,
Ўйлаким қилур жавлон найситонда ҳайронлар.

Боғбон юзу қаддин кўрса бегуноҳ этгай,
Сарву гул мақомига қонлу ашку афғонлар.

Қон бўлуб жигар кўздин кетти итлари келгач,
Оҳ ким бизоат йўқ, келди яхши меҳмонлар.

Лабларини васфидин назмим ила рангиндур,
Қона ботти лаълидин рашк ила бадахшонлар.

Комила бу ҳажр ичра иста мавж ила шўриш
Ким эмиш хабар анга дурри васли жононлар.

Шаҳ каломи маънидин сочди дуру ғалтонлар,
Анга табъийят этди хурдабин сухандонлар.

Ёр зулфуни кўрдум, кўнглум ўлди савдойи,
Ким кезар қуюн янглиғ кўрмаган биёбонлар.

Эй маҳи жафо бунёд, барча шеваси бедод,
Сенга арз этиб юз дод, кўнглум айлар афғонлар.

Кўзларинг қилиб афсун, эттилар мени мажнун,
Чун қуюн юруб тун-кун кезмишам биёбонлар.

Эй парий, юзунг кўргач телба бўлдум андоғким,
Кеттилар бари ўздин ўқуғон парихонлар.

Ҳар тараф ўтар бўлсанг ўйнатиб самандингни,
Кўзга сурма айларлар гарди рахшинг инсонлар.

Боғ аро кезар чоғи кўргали жамолингни,
Ҳар тараф гулу наргис ўлди чашми ҳайронлар.

Дард ила ғаминг келгач мулки тан аро кўнглум,
Жон ҳаримиға элтуб айлар эрди меҳмонлар.

Лозим эрди ошиққа жон бериб жафо чекмак,
Қилмадим бу савдони менда қолди армонлар.

Ёрдин жафо кўрдум бошладим вафо роҳин,
Бенаволара шояд раҳм қилса жононлар.

Кўзлари хаёлида ашклар ҳужумидин,
Ҳажр базмида туздум Комила хумистонлар.

Айладинг азми сафар, эй шаҳсуворим, яхши бор,
Эмди йўқ сенсиз менинг сабру қарорим, яхши бор.

Вақти риҳлат етти, оҳанги сафар соз айладинг,
Ёрим эрдинг васл айёмида, ёрим, яхши бор.

Равшан эрди маҳфили имкон жамолинг шамъидин,
Яхшилар султони эрдинг, шаҳсуворим, яхши бор.

Муддати васлингда фориғбол эдим айёмдин,
Кўҳи ғам остида қолдим, ғамгусорим яхши бор.

Сен қилиб азми сафар, мен қолмишам ҳасрат била,
Гарчи ҳажрингда хазон бўлди баҳорим, яхши бор.

Турфа мушкилдур видоъ этмоқ сенингдек ёр ила,
Кўкка етти нолаи беихтиёрим, яхши бор.

Заъфарондек сарғайиб ҳажрингда нолон қолмишам,
Сенсан, эй хуршиди талъат гулузорим, яхши бор.

Комила муштоқ эрур зинҳор келгайсан яна,
Мунтазирдур йўлға чашми интизорим, яхши бор.

Ёрға ошиқлиғим асрорин эттим ошкор,
Лек билмасман анинг кўнглида не андеша бор.

Менки Мажнунинг ўлам атфолни ғавғосидин,
Шуҳратинг ўлди – биёбонларни қилдим ихтиёр.

Кеча зоҳид қўли бирла майдин эттим эҳтироз,
Дайр сори субҳидам беихтиёр элтур хумор.

Ишқ то кўнгулда пинҳон эрди беташвиш эдим,
Суд қилмас эмдиким оламда топти иштиҳор.

Айлади расво мани дамсоз ўлуб ағёрға,
Эй кўнгул, овора бўл, тарки мурувват қилди ёр.

Ул суманбар, сарв қомат ҳажрида бўлса нетонг,
Кўз ёшим ҳар қатраси бир тифли шўхни сўрор.

Кўзлариға қилмағил, эй ғамза, таълими нигоҳ,
Бермағил жаллодни илкина тиғи обдор.

Ҳажр тиғи бирла бўлди пора-пора пайкарим,
Ётмишам кўйингда бекас хастау зору низор.

Хуш замонлар Комила айшу нашотим бор эди,
Ёрим эрди Ҳазрати Саййид Умархон шаҳриёр.

Кетти олам базмидин ул сарвқадди гулъузор,
Сарв синди, арғувон сарғардию гул бўлди хор.

Кетти ул ширинлиқо, мен ўртадим ҳажрида доғ,
Жон аро доғи муҳаббат қолди андин ёдгор.

Қолди аҳзан кулбасида бенаво ошиқлари
Мустаманду дардиманду хастажону дилфигор.

Марқади туфроғини ҳар кечаким тавоф айладим,
Ўтлуғ оҳим бирла равшан айладим шамъи фирор.

Қолмишам ноком ул оромижон ҳижронида,
Юз алам бирла кўнгул ошифтаю жон беқарор.

Войким кўп шоҳларни бенаво қилди ажал,
Айлади туфроғ аро озодаларни хоксор.

Солди рустохез олам ичра ҳижрон сарсари
Васл шамъини ўчирди, тийра бўлди рўзгор.

Кимга айтурман кўнгул асрорини ҳижрон туни,
Ғам фаровондур вале йўқтур жаҳонда ғамгусор.

Ҳар дуо ким Комила ахбордин ҳосил қилур,
Руҳи покингни нисори бод то рўзи шумор.

Войким, тарки мурувват қилди ёр,
Ёрлардин қатъи улфат қилди ёр.

Қон ютунг, эй хаста дил ушшоқлар,
Ғайр бирла тарҳи суҳбат қилди ёр.

Шишаи майдек кўнгулни қон этинг,
Бода ичмак бирла одат қилди ёр.

Менга тарғиби муҳаббат айлади,
Ким бу гумраҳни ҳидоят қилди ёр.

Тарқатиб меҳру муҳаббат тухмини,
Мазраъи дилни зироат қилди ёр.

Айлабон эҳё кўнгул вайронасин
Доғлар қўйди, аморат қилди ёр.

Ишқ аро ўздин сабукбор ўлмишам,
Ҳар на ким бор эрди ғорат қилди ёр.

Бўлмишам овораи дашти жунун,
То кўнгулда истиқомат қилди ёр.

Дўзах эрди ҳажр азоби Комила,
Бизни ул ўтдин шафоат қилди ёр.

Раҳм қилмас менга дилдор ҳануз,
Сўрмади дарди дилим ёр ҳануз.

Умрлардурки сўроғингни қилиб,
Топмадим ёрдин осор ҳануз.

Ғайр дардиға даво бўлди лаби,
Ман фироқи била бемор ҳануз.

Неча кунлар юзиға маҳв этардим,
Қолмишам сурати девор ҳануз.

Мани девонани маҳжур қилиб,
Ёрдур мойили ағёр ҳануз.

Зоҳир ўлди лабидин сабзаи хат,
Ҳусн паймонаси саршор ҳануз.

Даҳр боғини саропо истаб
Топмадим бир гули бехор ҳануз.

Кетти ул маҳлиқо оламдин,
Комила ҳасратидин зор ҳануз.

Ул шакар лабким эрур жондин азиз,
Кимки йўқ ондин азиз, ондин азиз.

Келди ашраф барча олам аҳлидин,
Йўқтурур дунёда инсондин азиз.

Тушти то Юсуф жамоли Миср аро
Дийда равшан қилди Канъондин азиз.

Беадаб кирма муҳаббат даштиға,
Эрди ҳар мўре Сулаймондин азиз.

Муғтанам тутким муҳаббат доғини,
Ким эрур хуршиди тобондин азиз.

Подшоҳларким баланд овозадур,
Бўлдилар инъом, эҳсондин азиз.

Хони дарё дилки бордур қуллари,
Ҳар бири давлатда Хоқондин азиз.

Жон берурман дилраболар ишқида,
Ким эрур жононалар жондин азиз.

Тонг эмас ҳажрида чексам хорлиқ,
Комила, кетти бу даврондин, азиз.

Сенсиз, эй сарви чаман, волау мадҳуш ҳануз,
Кўзларинг ҳажрида бодом сияҳпўш ҳануз.

Мунчаким бори маломатни кўтарди кўнглум,
Гавҳари ашким эрур обилау бардўш ҳануз.

Ғунча хандону чаман сабзау лекин сенсиз
Қолди мотамда шукуфа кафан оғуш ҳануз.

Тушуб ул сарву суман барқ домидин айру,
Боғнинг кунжида савсан тили хомуш ҳануз.

Ўтти даврону вале лаъли лабинг ҳасратидин
Қона-қона қилурам хуни жигар ҳануз.

Ҳажр водисида бир мушти ғубор ўлди таним,
Қулзуми ашким этар ҳажр киби жўш ҳануз.

Пайкари гарчи фироқингда куйиб кул бўлди,
Қилмади Комила ёдингни фаромуш ҳануз.

Жон берурам ҳар қачон ул сарвиноз
Бўлса кўзум манзарида жилвасоз.

Манъи муҳаббат на қилурсен менга,
Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз.

Ишқни афсонаси бўлмас тамом,
Меҳру вафо қиссаси дуру дароз.

Меҳри ниҳон эрди дилу жон аро,
Қилди кўзум ёшлари ифшои роз.

Ҳусниға мағруру жамолиға маст,
Ноз этар олида қилсам ниёз.

Кимки жаҳон базмиға қўйди қадам,
Шамъ каби топти саропо гудоз.

Ишқ мақомида қабул истасанг
Комила қил зуҳд элидин иҳтироз.

Сарви нозим сарву гулдин то тақаддум қилди соз,
Фохта кул бўлдию булбул тараннум қилди соз.

Орзу айлаб лабу жон парваридин чошни
Ғунча гул базмида оҳанги табассум қилди соз.

Ул парирў ҳусниға ҳайрон эди дам урмади,
Ҳар неча оинаға тўти такаллум қилди соз.

Айлағон жавру жафолардин пушаймон ўлди ёр,
Эмди ушшоқиға қонун тараҳҳум қилди соз.

Заҳрлиқ тил барла ошиқни ҳалок айлар рақиб,
Ким бу мизроб ила савти неш каждум қилди соз.

Эҳтироз айлангиз, эй аҳли саломат, ким яна
Фитна талқинининг ул ошуби мардум қилди соз.

Гирдбоди домани саҳрои ишқам Комила,
Қулзуми ашким бу водийда талотум қилди соз.

Менга ёр наззора қилмас ҳануз,
Кўнгул дардиға чора қилмас ҳануз.

Магар гул фироқида мадҳуш эди,
Яқосини юз пора қилмас ҳануз.

Кўзум кавкабафшон ул ҳар кеча,
Чиқиб сайри сайёра қилмас ҳануз.

Хатинг зоҳир ўлғоч тикон ништари
Гул ағзосини ёра қилмас ҳануз.

Кўнгул сирри ишқингни пинҳон тутуб,
Ўзин элга овоза қилмас ҳануз.

Кўнгулға фироқингни бедодини
Синуқ шишаға хора қилмас ҳануз.

На деб Комила дуди оҳи била
Фалакнинг юзин қора қилмас ҳануз.

Тортаман ҳажр элидин дам-бадам озор ҳануз,
Раҳм қилмас менга ул шўхи ситамкор ҳануз.

Ишқ водийсида ҳарчанд ғубор ўлди таним,
Тарки бедоду жафо айламади ёр ҳануз.

Қолмади гарчи фироқ ичра вужудум асари,
Меҳнати ҳажр чекар бу дили афкор ҳануз.

Хати лаълингни ҳузурида икки маст кўзунг
Не учун Ҳизру Масиҳ олида бемор ҳануз.

Ман-ман ошиқки жаҳон ичра топилмас эрдим,
Кўҳкандин топилур тоғда осор ҳануз.

Навбаҳор ўтдию гул қилмади айшим чамани,
Лоладек бағрим аро доғларинг бор ҳануз.

Эшитиб Комила ашъорини ҳайрон қолди,
Кўрмаган эрди бу гавҳарни харидор ҳануз.

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.

Ул париваш враслидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр дардин тортамен,
Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Тан бузулди, эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмади деворсиз.

Оразин кўр, бўлма зулфидин малул,
Бу жаҳонда ганж йўқтур морсиз.

Берма нисбат қаддиға, эй боғбон,
Сарвдур бу боғ аро рафторсиз.

Ор қилмас таънаи ағёрдин,
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.

Комила аҳволидин огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки, қолмиш ёрсиз.

Эй меҳри жамоли олам афруз,
Айёми висолинг ийди наврўз.

Ҳусн аҳлида сен киби санам йўқ,
Мижгонлари жонситон қаро кўз.

Қилди мени сунбулунг хаёли,
Ошуфтаю тийрадил ғам андуз.

Ҳижрон туни шамъ равшан ўлмаз,
Йўқса мени куймокимга не сўз.

Бордур менга муждаи висолинг,
Ийди тарабу нишоти наврўз.

Бир тун сафар айладинг йўлингда,
Афлок мураттаб этти тўққуз.

Дил чокина на илож этардим,
Гар бўлмаса новакинг жигардўз.

Дерлар ани соҳиби гиёҳаст,
Бегонани фарқ этса то ўз.

Кўз кавкаби кимки сададилдур,
Гулрухларидин вафо тутар кўз.

Эй Комила, кетти офтобим,
Бўлмадим ани ҳажридин сияҳрўз.

Бўлди хандон чаман ул ғунчадаҳонсиз афсус,
Чекти шамшод қад, ул сарвиравонсиз афсус.

Қишнинг офатидин афсурда бўлан боғи жаҳон,
Топти жон жисмиға ул жони жаҳонсиз афсус.

Турра янглиғ мени кўнглумни паришон қилди,
Очти сунбул сочин ул мўйи миёнсиз афсус.

Саф тутуб сарв ила шамшод синон айлади фош,
Киприги ханжар ўлан, қоши камонсиз афсус.

Гарчи оламда аён айлади кўб ному нишон,
Кетти охир дамида ному нишонсиз афсус.

Жони олам эди алтоф ила ул шоҳи жаҳон,
Қолди ҳижронида олам эли жонсиз афсус.

Комила олди букун лолаю гул жоми кулаҳ
Кажкулаҳ хисрави Жамшид маконсиз афсус.

Эй кўнгул, даҳрни асбобини кўп қилма ҳавас,
Ишқ сармоясидин доғи муҳаббат сенга бас.

Қилур ағёр сўзи оташи ишқимни баланд,
Барқни шуъласиға бол тараққидур хас.

Лаъли ноби узра холи хатидин бўлма малул,
Ки шакар узра бўлур мўр, асал узра магас.

Боғни гулларини айлади ғорат гулчин,
Қилди булбул ғамидин чок ёқосин қафас.

Умр сармояси миқрози фано тўъмасидур,
Икки ҳамёза била субҳ қилур қатъи нафас.

Умр ўтар, бўлма кўнгулни ишидин ғофил,
Корвон азми раҳил этса қилур нола жарас.

Комила гўшаи ҳайратда эрур масту мудом
На ғами муҳтасиб ул ерда, на парвои асас.

Ҳазрати Хон давлатини филдин қилдим қиёс,
Ким эрур баннои давлат тоғдек маҳкам асос.

Касб этар шоҳи Бухоро ҳазрати Хондин камол,
Бу масалдур: "ой этар хуршиддин нур иқтибос".

Бўйлаким мавжуд эмас иқбол беимдоди Хон
Инқиёд эттию ҳазрат хотирини тутти хос.

Баски тожу туғу наърат тавъамонидур қуёш,
Ҳар ким ўлмиш раияти бошиға бу рахшанда тос.

Айламас ворасталар майли қабоу пийраҳан,
Жисмиға Мажнунни ўз мўйи сари басдур либос.

Тийра толеъ бирла ашким анжумидин кечалар,
Саъду Наҳс[1] осорини маълум этти ахтаршунос.

Комила бўлмиш муяссар дину дунё давлати,
Шоҳи даврон даврида тангриға юз шукри сипос.

---

[1]Марс планетаси

Ваҳ, не воқедурки султон бандани ёд айламас,
Ушбу қулни хотири ношодини шод айламас.

Қолдим охир поймоли лашкари ҳижрон бўлуб,
На учун вайрона кўнгул мулкин обод айламас.

Мазраъи дил неча ўртансун ҳаводис барқидин,
Кўзда ёшим қатраи сув бирла имдод айламас.

Ишқ пирига иродат қил гар истарсан камол,
Муршидидурким фанодин ўзга иршод айламас.

То хиромон ўлди нахли қомати бу боғ аро,
Фохта ҳаргиз хаёли сарви шамшод айламас.

Кўзлари қилғон жафолардин кўнгул озурдадур,
Гарчи кофирдур бировга мунча бедод айламас.

Айб эмастур Комила қилса фиғон айёмдин,
Кимдур улким чархни бедодидин дод айламас.

Манга ишқ ичра савдойи жунун бас,
Жаҳон иқболидин бахти нигун бас.

Бу базм ичра фиғону нолишимдин
Навои чангу савти арғунун бас.

Манга дайр ичра асбоби тажаммул,
Суроҳи бирла жоми лолагун бас.

Анинг кўйига ҳар тун азм этарга
Чароғи барки оҳим раҳнамун бас.

Ҳалок этмак учун душманларига
Ғаму ҳасрат била дарди дарун бас.

Жунун даштини саргардонидурмен,
Рафиқим ушбу водийда қуюн бас.

Муҳаббат доғини изҳор этарга
Юракда, Комила, бир қатра хун бас.

Ёр манга ғайри жафо айламас,
Ваъда қилиб, анга вафо айламас.

Шум рақибеки адоват қилур,
Кофир эрур, ёди худо айламас.

Мужиби ҳайронлиғ эрур жилваси,
Ойинадин шарму ҳаё айламас.

Зоҳид иши макр ила тазвирдур,
Тоати берўйи риё айламас.

Кўзларидур соҳир, ўшал қоши ё,
Новаки мижгони хато айламас.

Қайси чаман булбулидур, ким анинг
Гулшани ишқида наво айламас.

Комила ул ёрни васлин тилаб,
Субҳ масо тарки дуо айламас.

Таҳаммул ҳаддидин ошти, эмди афғон этмасам бўлмас,
Улусни хотири жамъин паришон этмасам бўлмас.

Гирибон чок, бағрим порадур, бошимда юз савдо,
Бу ҳолат бирла азми кўйи жонон этмасам бўлмас.

Муҳаббат кўйида ночордур ошиққа ҳайронлиғ,
Таҳайюр кул қилиб ойина сомон этмасам бўлмас.

Кўнгуллар Каъбасин бир-бир зиёрат айладим, эмди
Тавофи Маккау тахти Сулаймон этмасам бўлмас.

Ғараз ийди висолингдур кўнгулға, эй ҳилол абру,
Юзунгни ойиға жонимни қурбон этмасам бўлмас.

Бу охшом солди зулмат олама ҳижрон қаро шоми,
Қилиб ёдингни ашкимдин чароғон этмасам бўлмас.

Мени ошиқ дебон тийри маломат ёғди бошимға,
Улусдин, Комила, дардимни пинҳон этмасам бўлмас.

Ул париваш ишқиға ҳеч ким менингдек зор эмас,
Зор кўптур анга лекин мен каби афгор эмас.

Васл беҳижрону айши бекудурат кўрмадим,
Орий-орий бу чаманда ҳеч гул бехор эмас.

Ғунча ул гул оғзиға беҳуда тақлид этмасун,
Гарчи нозукдур ва лекин қобили гуфгор эмас.

Ошиқ ўлдунг деб кўнгулға мунча айларсен итоб
Раҳм қилким бу гуноҳим мужиби озор эмас.

Айладинг найранг ила торож кўнглум кишварин,
Дилраболар чўх вале сендек пари айёр эмас.

Ёр улдурки сенга ғам кунларида бўлса ёр,
Улки меҳнат кунларида ёр эмастур, ёр эмас.

Комила йўқтур замон абносида ҳушу хирад
Барча ғафлат бодасидин маст эрур, ҳушёр эмас.

Менга ул шўхи жафопеша тараҳҳум қилмас,
Йиғласам шўри фиғон бирла табассум қилмас.

Неча кундурки анинг васлидин айру кўнглум
Мойили ишрат ўлуб майли танаъум қилмас.

Ғофил улдурки анинг васлиға мағрур ўлубон
Лаҳзаи ҳажр балосини таваҳҳум қилмас.

Ошиқи содиқ ўшалдурки чекиб зулму ситам
Ёрининг жавридин, ағёра тазаллум қилмас.

Бўлмаса лаъли лабинг ғамкададур базми шароб,
Шиша қул-қул чекибон, сози тараннум қилмас.

Боғ аро наргису бодом кўзунг ҳайрони
Ғунча хандон лабинг олида такаллум қилмас.

Ҳолима жилва чоғи бўлмаса лаълинг чоҳи,
Кўзларинг айлаган ошубни мардум қилмас.

Васлни топмоғи ўзлук била не мумкиндур,
Етмагай анга агар кимса ўзин гум қилмас.

Комила қулзуми ашкимдур ажаб шўрангиз,
Нуҳ тўфони бу дарёча талотум қилмас.

Кўзумдин дам-бадам оққан қизил ёш,
Ниҳон ишқимни элга айлади фош.

Юзунг меҳриға мафтун ўлди зоҳид,
Қуёш нуриға тоб айларму наққош.

Надур оламни қадри дар ҳақиқат,
Фалак хашхош, анжум тухми хашхош.

Адаб элни баланд иқбол айлар,
Тавозуъдин эрур кўз устида қош.

Таолиллаҳ жанобинг кибриёдур,
Сабо пайки ҳариминг боди фаррош.

Кўзум дурри ятими сақламас роз,
Нечаким пок гавҳардур, эрур ёш.

Бўлуб хам икки қошинг бир-бириға
Қилурлар қатлима пайваста кенгош.

Бошимни ноз тиғи бирла кесдинг,
Ки қолди бир тараф тан, бир тараф бош.

Бу кўздин, Комила, кўп ёш тўкарсан,
Ки бергай тангри бир ёшингга юз ёш.

Сенсиз эй раъно, чамандин нахли хирмон чекти бош,
Лола бағри қон ўлуб сунбул паришон чекти бош.

Ўқларинг озорини шукрин адо қилмоқ учун,
Тил каби бағрим яроси ичра пайкон чекти бош.

Сабзаи хатлар бирла гулрухсорлар туфроғидур,
Бу чаманда нечаким гул бирла райҳон чекти бош.

Талъати гулгун аро сарви хиромонин кўруб,
Кўзда ашким баҳридин фаввораи қон чекти бош.

Дашт аро Мажнун аёғидин олурға интиқом,
Ҳар тарафдин ништари хори муғилон чекти бош.

Шом вақти топти мағруб хокдонида завол,
Субҳи машриқ соридин гар меҳри тобон чекти бош.

Оҳ чекти Комила ул қадди мавзун ёдида
Ким муҳаббат боғида сарви хирмон чекти бош.

Менга сенсиз ибтилои дарди ҳижрон ўлди иш,
Кечалар то субҳидам фарёду афғон ўлди иш.

Бир қиё боқти менинг ҳолимға ул номеҳрибон,
Мушкил эрди ўлмаким ҳажрида осон ўлди иш.

Мен таҳаммулпеша қилдим, чарх кўргузди жафо,
Сенга ҳам қатлим учун зулми фаровон ўлди иш.

То ғубори хат намоён улди ул юздин сенга
Ошиқа қилғон жафолардин пушаймон ўлди иш.

Бўлди то ойина ул ой ҳуснига пироя банд,
Шонаға машшотаи зулфи паришон ўлди иш.

Топмади гардим насими доманингни, эй қуёш,
Субҳдек эмди менга чоки гирибон ўлди иш.

Ҳақ насиб этмиш менга давлат асосин Комила,
Бас анинг шукронасиға хайри-эҳсон ўлди иш.

Ё парисан, ё малак, эй шўхи маҳваш,
Саропа пайкаринг маҳбуби дилкаш.

Аносирдин вужудинг жавҳари пок,
Эмастур боди хоку оби оташ.

Паришон сунбулунг ошуфтасиман,
Эрур кўнглум хаёлидин мушавваш.

Солур акс анда соқийни жамоли,
Зиҳи жоми шароби соф беғаш.

Бўлубман соқиё, ғам саргарони,
Қадаҳ тут, май била кўнглумни қил хаш.

Тўкарға бегуноҳ ушшоқ қонини
Нигорим секратур майдонда абраш.

Эрур, эй Комила, бу йўл хатарнок,
Ки ман масту саманди умри саркаш.

Мени рўзи азал ул ойға гардун мубтало қилмиш,
Букун юз доғ ила онинг висолидин жудо қилмиш.

Демак чуну чаро қисматга шайтон можаросидур,
Муносиб бандадин таслим ҳар ишким худо қилмиш.

Кўнгул дардини айтолмас эди ул ёр олида,
Жунун туғён этиб шавқ ичра арзи муддао қилмиш.

Ул ойнинг моҳи рухсорини сафросини дафъиға,
Фалак савтин балиғ айлаб қуёшни каҳрабо қилмиш.

Скандар шавкатин ишқ ичра топтим ким менга меҳринг
Муҳаббат доғини ойнаи гетинамо қилмиш.

Хуш ул мутрибки ҳасбиҳол ўқуб савти ҳазин бирла,
Ба ёди васли ёр ушшоқ базмида наво қилмиш.

Зулайхо коза барпо айлади Юсуф ҳавосида,
Бу янглиғ Комила кўйида таъмири вафо қилмиш.

Қатлима то фитна ёсин чекти ул пайваста қош,
Ўқлари пайконидин топти кўнгул важҳи маош.

Ваҳ на янглиғ ёшурай дардимниким ғаммоздур,
Лабда ўтлуғ дуди оҳу кўзда хунолуда ёш.

Ишқ доғи дилда пинҳон эрди охир войким,
Ёшурун дардимни элга ашки оҳим қилди фош.

Эл топиб ширин лабингни шарбатидин тоза руҳ
Мен анинг ҳижронида ҳар дам қилурман жон талош.

Элни савдойи қилур чиққанда ул юз пардадин,
Зарра саргардон ўлур гар ошкор ўлса қуёш.

Ёр кўйида жунун оҳангини соз айладим,
Совуруб бошим уза туфроғ, уруб кўксумға тош.

Сарвинозим бўдди ер остида туфроғ оқибат,
Бу жиҳатдин Комила йиғлаб урарман ерга бош.

Бало бўлди жонимға ул кўзу қош,
Нигаҳ масти нозу мижадур бош.

Ажал ошиқинг жонин олмоқ учун,
Қилур ҳажр яғмоси бирла талош.

Кўнгул сирини тилға келтурмаким,
Чиқиб лабларингдин бўлур элга фош.

Кўнгул ҳажр аро бир мубориз эрур,
Ки ғам лашкари бирла айлар савош.

Лабинг сўз била хастани тиргузур,
Зиҳи лутф гуфтори ҳусни маош.

Жаҳон аҳли сендин топар инбисот,
Эрур толеъинг муштарий ё қуёш.

Ул ой келса кулбам сари Комила,
Сипеҳр атласидин керакдур фаррош.

Топти кўнгул висолда жононға ихтисос,
Андоғки андалиб гулистонға ихтисос.

Ҳар кимса ўз муносиб ишин ихтиёр этар,
Кўргузди шона зулфи паришонға ихтисос.

Гулзори оразингда қаро хол эрурму ё,
Топмиш билол равзаи ризвонға ихтисос.

Ойинани наззорасидин айладим қиёс,
Кўргузди жилва дийдаи ҳайронға ихтисос.

Зуннори риштаси била кофирни қилди банд,
Ул кунки, субҳа топти мусулмонға ихтисос.

Дунё мутиъ хисрави даҳр ўлди ё магар,
Билқис аҳд топти Сулаймонға ихтисос.

Фаҳм айлагай рамузи ҳақиқатни Комила
Ҳар кимки топти маънии Қуръонға ихтисос.

Бу кеча нолишим била кошона қилур рақс,
Ҳушёру бехуд ўлди девона қилур рақс.

Ул зулфи тобдор ҳавосида дам-бадам,
Машшота иштиёқи билан шона қилур рақс.

Ошиқни шавқи ёрни беихтиёр этар,
Жон бермаким ҳавосида жонона қилур рақс.

Шамъи руҳингни шавқида кўнгул ҳаво қилур,
Равшан кўруб чироғни парвона қилур рақс.

Зоҳидки нўш қилди муҳаббат шаробидин,
Пири муғон жанобида мастона қилур рақс.

Майхонада лабинг майидин нуктаи дедим,
Жому сабуву шишау паймона қилур рақс.

Қилдим кўнгулни шавқини изҳор Комила
Жононалар қулоғида дурдона қилур рақс.

Бўлмадим бир дам жаҳонда дарди ҳижрондин халос,
Бўлғой эрдим кошки бу тинмағур жондин халос.

Ишқ аро кўнглум қутулмайдур занахдон чоҳидин,
Бўлмади бир лаҳза бу маҳбус зиндондин халос.

Сарв қоматлар сари майл айламас кўнглум қуши,
Бўлса доим ҳалқаи зулфи паришондин халос.

Дардлиғ кўнглумдин, эй гардун, халос этгил мени,
Ё кўнгулни қил мени бесабру сомондин халос.

Қул ўшал қулдурки жонин хожаға қилса нисор,
Бевафодур улки истар бўлса султондин халос.

Бевафолар ҳуснидин то қилмадим қатъи назар
Бўлмадим ташвиши кўзу қошу мижгондин халос.

Ошиқ ўлдум ғам гирибонимдин олди Комила
Ичмадим то соғари май, бўлмадим ондин халос.

Чун ҳадим йўқ айласам дардимни султонимга арз,
Айлагил бу қул ниёзин, эй бегим, хонимға арз.

Эй сабо, чун гулшани кўйидин ўтсанг зинҳор,
Айла хам қадим ғамин сарви хиромонимға арз.

Ашк қони бирла чун олуда кўрдунг доманим,
Қон ёшим кайфиятин қил покдомонимға арз.

Зарра янглиғ волаи ҳайронлиғимни, эй сабо,
Қилғосен албатта ул хуршиди тобонимға арз.

Ҳажр зиндони азоби мушкил эрмиш, эй рафиқ,
Анда жоним ибтилосин айла жононимға арз.

Ваъдасидин куйганимни ростлиғ ҳаққи учун
Ўртаниб, эй шамъ, қил ул аҳди ёлғонимға арз.

Комила ҳижронда маҳзун қолди еткур, эй насим,
Ҳамнишинларға дуо, шоҳи сухандонимға арз.

Қилди ўз савдосини Мажнунға бу девона арз,
Уйладурким шавкатин султон этар султона арз.

Рози дил пинҳон тутармен кўрмасам то ёрни,
Шамъ юз кўргузса айлар куймакни парвона арз.

Ўртадим, кул бўлди жисмим ҳар қачонким келди ёр,
Шамъдек бошдин аёғ ўртаб қилурман ёна арз.

Ғофил эрди ёр ҳолимдин кеча майхонада,
Айлади шайдолиғимни соғари паймона арз.

Арз этар паймона лаълиға жигар қон ўлдуғин,
Кўзда ёшимни қулоғига қилур дурдона арз.

Зулфи савдосиға чирмашқон кўнгул асрорини
Ул салосил муға юз тил бирла айлар шона арз.

Эй фалак, бисёр бедод узра бедод айлама,
Бас қил ул бедодни йўқса қилурман хона арз.

Соқиё, бир журъа май тутким жудолиғ дардидин
Айлайин маҳшар куни жабборға мастона арз.

Арз қилгумдур фироқ жавридин беихтиёр,
Гар эшитса бенаволардин шоҳи Фарғона арз.

Қатраи шабнам каби ҳажрида гирёндур кўзум,
Эй насими субҳдам, қил ул гули хандона арз.

Комила қилғум кўнгул дардини айтиб нолалар,
Бўлса мумкин айламак ул шоҳи олий шона арз.

Гар айлар эрсанг иззату шонингни эҳтиёт,
Жононалардин айлама жонингни эҳтиёт.

То итлари аросиға ҳангома тушмасун,
Кўйиға борсанг айла фиғонингни эҳтиёт.

Бир кун итиға бўлғусидур туъма айлағил,
Бағрингни пораси ила қонингни эҳтиёт.

Дурдин мурассаъ этма, камар бўлмасун гарон,
Нозукдур айла мўйи миёнингни эҳтиёт.

Эл яхшию ёмони била бўлмасун ишинг,
Қилғил ўзунгни яхшию ёмонингни эҳтиёт.

Мулзам қилиб біровни яна тўкма қонини,
Мажлисда айла тиғи забонингни эҳтиёт.

То тан иморатини йиқиб қилмасун хароб,
Қил, Комила, сиришки равонингни эҳтиёт.

То жамолинг айлади изҳор хат,
Айлади ойинани зангор хат.

Тушти кўнглум хотириға юз халал,
То лабидин зоҳир этти ёр хат.

Хор гул баргин фигор этган киби,
Хаста кўнглумға берур озор хат.

Оби ҳайвондур лабинг, мен ташнаком,
Ҳизрдек андин эрур саршор хат.

Ёзғали меҳру муҳаббат шарҳини,
Лавҳи ҳуснунгга чекар паргор хат.

Қилмайин бедод ошиқларға деб,
Зоҳир этти лаълидин дилдор хат.

Хўблиғ давриға мағрур ўлмаким,
Кўргузур ул чеҳрадин осор хат.

Комила гулзордур ёрим юзи,
Бўлди ул юз гулшанида хор хат.

Магар бўлмиш лабингдин баҳравар лафз,
Етурди жон мазоқина шакар лафз.

Шакар гуфтордур ул шўхи маҳваш,
Эмас монанд анинг лафзиға ҳар лафз.

Юзунгдин ҳусн дарёси лабо-лаб,
Садафдур лаъли хандонинг гуҳар лафз.

Табассум бирла гуфтор этки, бўлмиш
Лабинг хосиятидин мўътабар лафз.

Такаллум то лабингдин тушти айру,
Бўлубтур фурқатида дарбадар лафз.

Лаби лаълингки пинҳондур назардин,
Нишон топмас биров андин магар лафз.

Ғамимни Комила ёримға дерман,
Вале ул ойға қилмайдур асар лафз.

Кеча базм ичра наво қилди хушилҳон ҳофиз,
Бенаволар кўзини айлади гирён ҳофиз.

Ғайр наззорасиға шарму ҳаё монеъ эди,
Айлади гул юзини даф била пинҳон ҳофиз.

Мунча дилсўз наво қилмас эди маҳфил аро,
Мани ҳолимни кўруб айлади афғон ҳофиз.

Бир навосоз қилиб айлади жонларни асир,
Барчани оразиға айлади ҳайрон ҳофиз.

Ҳасби ҳолимдин ўқуб бир ғазали шўрангиз,
Айлади шўри қиёматни намоён ҳофиз.

Оташин юзни қизортиб майи гулранг била,
Қилди ошиқларини бағрини бирён ҳофиз.

Айлағил мақдамиға гавҳари ашкингни нисор,
Бўлди аҳбоблари базмиға меҳмон ҳофиз.

Ўлтуруб бир нафас олимда навосоз этинг,
Бўлгуси Комилани мушкили осон, ҳофиз.

Эй кўзум йиғлаки ёр этти видоъ,
Менга ул лолаузор этти видоъ.

Қолмади боғи нишотидин асар,
Лолаю гул, хасу хор этти видоъ.

Ғунча то очти табассумға лабин,
Гул хазон ўлди, баҳор этти видоъ.

Фурсати умр эрур барқу шарор,
Барқ кул бўлди, шарор этти видоъ.

Меҳрибон ёри била ҳажр куни,
Ошиқи хастаи зор этти видоъ.

Сенсиз, эй руҳи равон, базм элидин
Мастлиғ бирла ҳумор этти видоъ.

Тонг эмас Комила фарёд этсам,
Манга ул шоҳсувор этти видоъ.

Ҳуйи бирла равшан айлади рухсори ёр шамъ,
Ҳарчанд эмас қуёш қатида ошкор шамъ.

Беихтиёр кеча ул ойнинг ҳавосида,
Сийми сиришки беадад этти нисор шамъ.

Базм ичра кўрди моҳи жамолингни беҳижоб,
Тўкти сиришку йиғлади беихтиёр шамъ.

Жоно, тағофул этмаки ҳайрат мақомида,
Қолди юзунгни кўрмак учун интизор шамъ.

Шамшири шуъла дуди камандин расо қилиб,
Парвоналарни сайдини айлар шикор шамъ.

Ушшоқлар аросида собит қадам ўла
Доғ ўртамоққа қилди ўзин устувор шамъ.

Маълум ўлур шарори муҳаббатда тоқати,
Доғи дилимга Комила бўлса дучор шамъ.

Ёрлиғ айламади ҳолима чандон толеъ,
Бўлмади шамъ мани зора паришон толеъ.

Кўнглума ғунча каби уқда солиб шоми фироқ,
Саҳари васл аро бўлмади хандон толеъ.

Бўлди хуршиди фалак узра хиромон афсус,
Бўлмади орази ул хисрави даврон толеъ.

Офтоби қадаҳин этмади соқий равшан,
Ғам туни айламади моҳи дурахшон толеъ.

Гарчи жон чектим анинг шоми фироқи ғамида,
Жонима бўлмади рухсораи жонон толеъ.

Баски бир лаҳза муродим ила уйрулмади чарх,
Ҳолима бахт этар нолаи афғон толеъ.

Зулмати ҳажр туни айласа гар чарх тамом,
Бор умидки ёрутса шабистон толеъ.

Шоҳиди васл этагин илгима бермай бир дам,
Кўнглуми айлади май соғаридек қон толеъ.

Жамъ этар доғи дилин. Комила. айёми фироқ,
Бу умид илаки бўлғай анга хандон толеъ.

Менки тун жонон ила қилдим видоъ,
Гуйёким жон ила қилдим видоъ.

Бўлди базми ишратим мотамсаро,
Ҳазрати султон ила қилдим видоъ.

Хоксору нотавон ўлмай нетай,
Хисрави даврон ила қилдим видоъ.

Рўзғорим тийрадур ғам шомида,
Ул маҳи тобон ила қилдим видоъ.

Чун азимат вақти етти ёрға,
Ҳасрату армон ила қилдим видоъ.

Айладим охир бу гулшандин сафар,
Лолау райҳон ила қилдим видоъ.

Комила, куймай нетай ҳижрон куни,
Ул шараржавлон ила қилдим видоъ.

Ул юз наззорасидин бўлди сафоси мониъ,
Хуршидни кўрарға бўлмиш зиёси мониъ.

Васл истасанг гузар қил, дунёю охиратдин,
Келди бу муддаоға ул иккалоси мониъ.

Рухсорини кўрарга ташвиши зулфи ҳойил,
Ул мен сори боқорға шарму ҳаёси мониъ.

Пийроҳанимни қилдим ҳажрида пора-пора,
Кўксум харош этарға дарди яқоси мониъ.

Кўп бўлма савлат оро зоҳид каби ки онинг
Бўлди раҳи фанодин нашъу намоси мониъ.

Зоҳидки муддаоси афсун ила фусундур,
Бўлди висоли ҳақдин ўз муддаоси мониъ.

Чекмас ғами алойиқ девона бўлса урён,
Мажнунға офиятдин бўлмас баҳоси мониъ.

Ул шўхи зулмпарварким йўқ анга мурувват,
Бордур вафо қилурға жавру жафоси мониъ.

Эй Комила, нигорим ҳарчанд бевафодур,
Мен тарки ишқ этарға меҳри лиқоси мониъ.

Эй нигини давлатингға нақши некукорлиғ,
Хатм эрмиш сенга ақлу дониши бисёрлиғ.

Кимсаким хоксори кўйингда маъво айламиш,
Қайсару Доро шукуҳидин тилар безорлиғ.

Ҳар қачонким эсди субҳи илтифотингдин насим,
Гар ҳама кишвар хароб ўлса қилур гулзорлиғ.

Қолмасун илким тиларман давлатинг домонидин,
Ким бу эрмиш ғояти иқболу толеъворлиғ.

То қиёмат хатм бўлсун сенга ҳашмат маснади,
Давлатинг этти кўнгуллар қасриға меъморлиғ.

Яхши ишдин машриқу мағрибга кетти шуҳратинг,
Оллоҳ-оллоҳ мунча эрмиш яхши гирудорлиғ.

Кўкка еткурди ғуборимни карамдин Комила,
Бўйла эрмиш шоҳдин қулға кўнгулбардорлиғ.

Улки эрмиш ани рухсори гулистон янглиғ,
Ани савдосидадур хаста кўнгул қон янглиғ.

Кўнглум айлар кўзи оллида шаҳодат такрор,
Кофир илкида ўлан зор мусулмон янглиғ.

Қадди рафторини андишасидур кўнглум аро,
Тоғни бағридаги кабки хиромон янглиғ.

Хотирим бўлмади ғам шомида бир дам сокин,
Дасту домонидаги гарди паришон янглиғ.

Лолалар доғи дилу дийдаи пурхун бирла
Ҳажр даштида мани бесару сомон янглиғ.

Айламасман ҳаваси мулки Скандарки, манга
Хоки даргоҳинг эрур тахти Сулаймон янглиғ.

Комила Аҳмади Мурсал ҳавасин эт туну кун,
Ким анинг шаръи этар қатрани Уммон янглиғ.

Хуррам эрдим васл айёмида ҳижрон этти доғ,
Хаста жонимни фироқи бирла жонон этти доғ.

Тушти ўтлар жонима бир лоларуҳ ҳижронида,
Ғунчадек бағримни ҳасратлар била қон этти доғ.

Ишқ аро мен телбадин товус рашк айлар букун,
Бўйлаким бошдин аёғимни гулистон этти доғ.

Доғсиз бир жинс бу бозор аро мақбул эмас,
Эй хуш улким ишқ савдосида сомон этти доғ.

Аҳд этиб эрдики сендин ғайрни ёр этмайин,
Ўзга ёр айлаб, мени ул аҳди ёлғон этти доғ.

Қолди жисмим доғ аро ҳожат эмастур пийраҳан,
Халқдин урёнлиғим айбини пинҳон этти доғ.

Кимдин айларман шикоят Комила охир мени,
Оташи ҳижрон ила султон Умархон қилди доғ.

Ул жаноби довари давронға бандалиғ,
Бекларға қуллуқ арзию султонға бандалиғ.

Ул мазҳари камолға ихлос ила дуо,
Ул маъдани каромату эҳсонға бандалиғ.

Бу андалиби бепару болу шикастадин,
Еткургил, эй насим, гулистонға бандалиғ.

Бу зарраи муҳаққари бедасту пойдин,
Еткургил офтоби дурахшонға бандалиғ.

Даргоҳи қулларига ниёзимни арз қил,
Сарви санубару гулу райҳонға бандалиғ.

Исонафас мураббий давронға арзиҳол,
Афсурда жисм қолабидин жонға бандалиғ.

Бул мўри хастадин дегил, эй ҳудҳуди сабо,
Тахти адолат узра Сулаймонға бандалиғ.

Хон хазратимни икки азизу мукаррами,
Валнамъи бирла Муҳаммад Амин хонға бандалиғ.

Маъюсу мустаманду муҳаққар ғуломдин,
Давлат сипеҳрида маҳи тобонға бандалиғ.

Гулзордур амирни даргоҳи бок эмас,
Булбул агар деса бу гулистонға бандалиғ.

Етсун десанг такаллуми дил шаҳриёрға,
Қилмоқ керак сулуки дарбонға бандалиғ.

Сендек жаҳонпаноҳ маҳи комрон туруб
Қилса бўлурму Қайсару Хоқонға бандалиғ.

Ҳар кимки ул эшикда эрур истиқомати,
Яъни улуғу кичик ҳама алвонға бандалиғ.

Ажзу ниёз бирла бу мискин мудом этар,
Ул кони жуду нодири давронға бандалиғ.

Йўл топсанг ул жанобға, эй ёр, арз қил,
Бу ташналаб гиёҳдин уммонға бандалиғ.

Йўқтур ҳадим дуода десам Комила сариъ,
Фарғона Хисрави шаҳи Туронға бандалиғ.

Баски маҳзун кўнглуми бедоди ҳижрон этти доғ,
Лола кўксидек бутун сайри биёбон этти доғ.

Меҳнати ҳажру тани бемору андуҳи хаёл,
Чарх зор айлаб яна гардун фаровон этти доғ.

Ҳар қаён қўйдум қадам келди надоматлар менга,
Ҳарна қилдим кулфати табъи пушаймон этти доғ.

Қомати андишасидин зордур маҳзун кўнгул,
Қумри бағрин ўйлаким сарви хиромон этти доғ.

Жона еттим баски фурқат тунлари андуҳдин,
Хаста жонимни ҳавойи куйи жонон этти доғ.

Толеим носозлиғ этти жаҳон гулзорида,
Ким ҳаёли гулшану сайри гулистон этти доғ.

Кимса ёраб, ҳарзатозу водии ғам бўлмасун,
Хислати беҳудау гашти паришон этти доғ.

Рахти оташкор янглиғ синаи афгорман,
Қатра-қатра ашки сурху чашми гирён этти доғ.

Ҳеч маҳзун бўлмасун шоҳи жаҳонидин жудо,
Комила мен хастани ул шоҳи хубон этти доғ.

Гул юзунгни кўрди хандон ўлди боғ,
Ғунча очилди, гулистон ўлди боғ.

Қатраи шабнам эмас гул баргида,
Топмайин вослингни гирён ўлди боғ.

Гул бўлуб барбоду сунбул шефта,
Сенсиз, эй раъно, паришон ўлди боғ.

Сендин айру бу чаман рухсорида
Ранг эмастур қип-қизил қон ўлди боғ.

Гулшани айшим мудом обод эди,
Эмди ҳижронингда вайрон ўлди боғ.

Кетти бу гулшандин ул сарви равон,
Ҳажридин ер бирла яксон ўлди боғ.

Қон сочар ашким саҳоби Комила,
Йиғладим дашту биёбон ўлди боғ.

Мусибат ичра ким бўлди паришонҳол мен янглиғ,
Ким ўлди меҳнату кулфат аро помол мен янглиғ.

Анингдек мотамиман шаҳсуворим ҳасрати бирлан,
Эмас бахти қаролиғ ичра зулфи хол мен янглиғ.

Қуруб жисми, қаро айлаб либосин, тинмайин йиғлаб,
Туганмас меҳнату ғам ичра йўқтур нол мен янглиғ.

Қолиб султони олийқаду Жамшид иқтидоридин,
Балоу дард чекмоғлиқға кимдур дол мен янглиғ.

Кўруб аҳволими, эй ҳамнишинлар, раҳм этинг, кулманг,
Сариғ рухсор узраким тўкди ашки ол мен янглиғ.

Ризо базмида ғам соқийларини илгидин доим,
Фано жомини ким нўш этти моломол мен янглиғ.

Тушуб айру бу янглиғ шоҳи дилжўйидин Комила,
Ким ўлди ранжу меҳнат ичра моҳу сол мен янглиғ.

Қон тўкар майдон аро ул барқи жавлон ҳар тараф,
Мавж урар дарё каби майдон аро қон ҳар тараф.

Ҳар қачонким азми майдон этса ул чобуксувор,
Бутрашурлар даҳшатидин аҳли майдон ҳар тараф.

Навбаҳор ўлди яна шамшод қадлар чекти бош,
Жилва айлар боғ аро сарви хиромон ҳар тараф.

Нотавон кўнглумни ғам даштида дерлар хорпушт,
Чунки беҳад санчилибдур хори ҳижрон ҳар тараф.

Руҳпарвардур дабистгони назокат боғ аро,
Очилиб гул дафтари булбул ғазалхон ҳар тараф.

Қилдим ул кўз олида дарди дилимни ошкор,
Чекти қатлимға синонлар хайли мижгон ҳар тараф.

Ўтти паррон ўқлари кўксумдин огоҳ ўлмадим,
Комила қолди юракда заҳми пайкон ҳар тараф.

Муҳаббат жомидин жон ичти фурқаф,
Чекарман наъра ҳар соат уруб каф.

Сени, эй нозанин, базм ичра топмай,
Қилур фарёду афғон най била даф.

Магар мижгонларинг қоним талошур,
Қилур маҳмиз бир-бирга икки саф.

Букун зуҳд аҳлидин озурдадурмен,
Кеча майхонаға эрдим мукаллаф.

Табиат зодасин асра кўнгулда,
Чиқарма ташқари бўлмай музаллаф.

Зиҳи давлат агар ул маҳлиқони
Кўзум бўлса жамолига мушарраф.

Бўлур нури назар андин зиёда,
Юзунг мусҳаф, хатинг оёти мусҳаф.

Пари ҳусниға қилмасман наззора,
Ки андин Комила ёримдур алтаф.

Чекти мижгонлари то қатлима саф,
Қоши ёсиға кўнгул бўлди ҳадаф.

Ул пари чеҳра аёғи изидин
Лиллаҳи ҳамдки кўзум топти шараф.

Ҳавасу ҳирсу ҳаво бирла менга,
Нақди авқоти шариф бўлди талаф.

Карбало даштини оворасиман,
Қил ҳидоят менга, ё шоҳи Нажаф .

Базм аро навҳаи мотам бўлди,
Сенсизин савти навои наю даф.

Сўз била сўзни тафовутлари бор,
Тенг эмас қадрда дур бирла ҳазаф.

Дур тишинг васфини дарёга дедим,
Баҳр остида қулақ солди садаф.

Йиғладим Комила фарёд этиб,
Боқмади ёр бу девона тараф.

Ёрдин айру кўзумни интизор этти фироқ,
Қолмади сабру қарорим, беқарор этти фироқ.

Хоки пойингни кўзумга тўтиё қилмоқ учун
Ихтиёрим бор эди, беихтиёр этти фироқ.

Ёрсиз девонамен маъзур, эй аҳли хирад,
Оқили даврон эдим, Мажнун шиор этти фироқ.

Васл аро пинҳон эди ҳоли дилим ағёрдин,
Халқ аро расволиғимни ошкор этти фироқ.

Айлабон жавру ситам хоки таним туфроғини,
Поймоли ҳодисот айлаб ғубор этти фироқ.

Васл гулзорида гул шохидек эрди иззатим,
Бўлди айём хазони ҳажр хор этти фироқ.

Йиғламоқ бирла берай сайқал кўзум ойинасин,
Орзуманди жамоли шаҳриёр этти фироқ.

Соқиё, келтур қадаҳким ёрсиз махмурмен,
Нашъаи иқболни ранжу хумор этти фироқ.

Ҳажр шомида сипеҳр анжумларидин қил қиёс,
Комила, доғи дилимни бе шумор этти фироқ.

Ғамда қолдим, кетти жонон, алфироқ,
Ўртади жонимни ҳижрон, алфироқ.

Кетти шоҳим кўз ёшим селобидин
Қасри айшим бўлди вайрон алфироқ.

Раҳм этинг, эй дўстларким, ёрсиз
Бўлмишам бесабру сомон, алфироқ.

Ўртади барқи видоъидин кўнгул,
Боргач ул хуршиди тобон, алфироқ.

Барқи ҳижрон баски оламсўз эди,
Куйди бағрим, ўртади жон, алфироқ.

Қолмишам ул нозанин ҳижронида
Дилфигору дийда гирён, алфироқ.

Комила ул маҳлиқодин айрилиб,
Бўлди аҳволим паришон, алфироқ.

Зиҳи жамолингга бу чашми хунфишон муштоқ,
Юзунгга мардуми чашму лабингга жон муштоқ.

Жаҳон чироғи эди офтоби рухсоринг,
Жаҳонға бир яна келким, сенга жаҳон муштоқ.

Бу кеча хилватима, эй парий, хиромон кел,
Ки сен эрурсен ўшал ёру мен ҳамон муштоқ.

Тағофул этмаки кўнглумдур орзумандинг,
Лабингга жону қадинг сарвиға равон муштоқ.

Не яхшисен назар этмоғ сенга ёмон эрмас,
Юзунгни кўрмак учун яхшию ёмон муштоқ.

Юзунг қуёшиға зарроти кавн саргардон,
Жамолинг ойиға ер бирла осмон муштоқ.

Таарруз айласа, эй гулъузор Комиладин,
Эрур висолингга бу зору нотавон муштоқ.

Эй нахли чаман қадди ниҳолинга тасаддуқ,
Боғу олмаси, рухсораи олинга тасаддуқ.

Қад бирла хироминга фидо сарву санубар,
Райҳону бинафша хату холинга тасаддуқ.

Чарх узра ҳилол ўлди юзунг ойиға қурбон,
Хуршиди жаҳонгард жамолинга тасаддуқ.

Ёдингда жаҳон айши менга бўлди фаромуш,
Қилдим ҳама оламни хаёлинга тасаддуқ.

Даврон чамани бирла жаҳон боғини айши,
Рухсораи Фирдавс мисолинга тасаддуқ.

Эй майкадаи ишқ гадойи қилур эрди,
Чини сийнаи фағфур сафолинга тасаддуқ.

Саргашта сочинг сунбулидин нофаи тотор,
Оҳуи Хўтан икки ғизолинга тасаддуқ.

Эй Комила, ишқ ичра ажаб салтанатинг бор,
Юз жону жаҳон жоҳу жалолинга тасаддуқ.

То дийдаи ҳайрон ўла дийдоринга муштоқ,
Жон булбулидур гулшани рухсоринга муштоқ.

Келғил бери, эй сарви равон, дийдаи ҳайрон,
Ул қомати мавзун ила рафторинга муштоқ.

Тўти шакаристонда қилиб тарки ҳаловат,
Гуфторинг ила лаъли шакарборинга муштоқ.

Юз чок сочинг ҳасратидин шона юроки,
Машшота эрур турраи таррорингa муштоқ.

Соҳилда чаман гулшани дийдоринга толиб,
Дарёда садаф гавҳари гуфторинга муштоқ.

Зоҳид лаби майгунунга саргарми таманно,
Майхона эли наргиси хумоpинга муштоқ.

Ушшоқ мақомида жигарсўз наво қил,
Аҳбобдур, эй Комила, ашъоринга муштоқ.

Эй кўзум ойинаси, ёр жамолиға боқ,
Жавҳари жон орзу қил, ул хату холиға боқ.

Савмаадин майкада файзи фараҳбахш эрур,
Жом сафосини кўр, бода зилолиға боқ.

Кўйи эса орзу сайри чаман айлағил,
Қаддиға муштоқ эсанг, сарви ниҳолиға боқ.

Телба кўнгул хатидин машқи жунун айлади,
Ёр юзи шавқида тоза хаёлиға боқ.

Бўлди кўнгул ваҳшиси сунбули зулфиға банд,
Шерни сайд айлади чашми ғизолиға боқ.

Зулфини андешаси дилда десам тонг эмас,
Лом ила пайвастадур зулфини долиға боқ.

Бошдин аёғи анинг дилға далолат қилур,
Бовар агар бўлмаса, лом ила долиға боқ.

Ҳарнаки шайдо кўнгул шавқида иншо қилур,
Ишқни мазмунидур, сўзни маолиға боқ.

Мамлакати ҳусн анинг даврида обод ўла,
Ҳусн элининг шоҳидур жоҳу жалолиға боқ.

Зуҳду риёйи била ноқис эрурсан ҳануз,
Пири муғон хизматин айла, камолиға боқ.

Тер юзунг атрофида гулдаги шабнам каби
Комиланинг васфида дурри мақолиға боқ.

Ёрдин айру мени бедилни зор этти фалак,
Ёшурун дарди дилимни ошкор этти фалак.

Кўзларимни кавкаб афшон айлади анжум каби,
Маҳлиқоларни юзидин шармсор этти фалак.

Кетти ул хуршиди маҳпайкар, ани ҳижронида
Интизор айлаб кўзумни ашкбор этти фалак.

Ихтиёрим бор эди ҳар ишни қилсам ихтиёр,
Ёрдин айлаб жудо беихтиёр этти фалак.

Эрди хоки пайкарим андуҳ тоғидин гарон,
Поймоли хайли ғам айлаб ғубор этти фалак.

Ғунча гулшанда Азизи Мисри истиғно эди,
То нашот изҳор этиб гул бўлди, хор этти фалак.

Комила, кўз тутма гардундин мурувват ким, басе,
Эътибори даҳрни беэътибор этти фалак.

Қадингни олида, эй сарви чолок,
Санувбар маст эрур андоғки хошок.

Менам ул андалиби бепару бол,
Фиғонимдин қафаснинг сийнаси чок.

Ул ой меҳрига шуҳрат истар эрсанг,
Керакдур субҳ янглиғ домани пок.

Қадам қуйдунг муҳаббат кўчасиға,
Қўлингда ҳар на борин қилма имсок .

Шаби ғам сенсиз, эй шоҳи фалакжоҳ,
Қилур оҳим шарорин сайри афлок.

Фалак тахти нишимангоҳи эрди,
Дариғо бўлдунг охир тўдаи хок.

Бўлубтур Комила ҳижрон ғамидин
Кўзум гирён, кўнглум зору ғамнок.

Бу кеча оҳим фалак сақфини вайрон этгудек,
Кўкда анжум гулларин ҳар ён паришон этгудек.

Сендин айру дарду ҳасрат бирла, эй ороми жон,
Сели ашким офият мулкини вайрон этгудек.

Чора қил, васлинг паёми бирла, эй жони жаҳон,
Йўқса ҳижронинг мени бесабру сомон этгудек.

Ёр васлидин хабар еткурма, эй боди сабо,
Дарди ҳижрон ибтилоси ғорати жон этгудек.

Бордингу жонимда осори ҳаловат қолмади,
Келки бу ҳасрат гирибонимни домон этгудек.

Бўлмаса ул шўхи шаҳрошуби бу маҳфил аро,
Бодаи айшимни ҳижрон оғуси қон этгудек.

Ишқ гулзорида гул васли ғанимат неча кун,
Тинмайин, эй булбули девона, афғон этгудек.

Кўҳкан, туш тоғдин, Мажнун, биёбон таркин эт,
Ким бу кун оҳим кўзум ёшини тўфон этгудек.

Комила, ул ёр савдосида тарк айлаб ҳавас,
Ишқ шоҳини кўнгул тахтида султон этгудек.

Ошиқ эрсанг эй кўнгул, оҳу фиғон этмак керак,
Ёр лаълин ёд этиб, бағрингни қон этмак керак.

Қилма жонон бул ҳавасни маҳрами базми висол,
Ошиқи содиқни аввал имтиҳон этмак керак.

Эй кўнгул, бебаҳра қолдинг шайхни иршодидин,
Эмди бориб хизмати пири муғон этмак керак.

Эй насими оҳ, ул сарви сиҳи рафториға,
Номаи шавқингни пайдарпай равон этмак керак.

Эй суманбар, фурқатингдин кўнглум ичра ҳар тараф,
Доғлар гул қилди сайри гулистон этмак керак.

Нуктаи мавҳумдур оғзинг анга етмас хаёл,
Сўзлабон ул нукта асрорин баён этмак керак.

Комила куйдум фироқида жудолиғ дардидин,
Ҳасби ҳолимға қаламни таржимон этмак керак.

Сенга ишқ майдонида жавлон айламак,
Менга одат жонни қурбон айламак.

Гўй этиб бошимни бу майдон аро,
Мақсадим зулфунгни чавгон айламак.

Мурғи дил сайди учун одат сенга,
Доми зулфунгни паришон айламак.

Қилмағил вайрон кўнгуллар мулкини,
Мушкул ишдур мулки вайрон айламак.

Бандалиғ осорида осон эмас,
Хизмати даргоҳи султон айламак.

Сел туғён этса тўфонхез ўлур,
Буйладур ашкимга туғён айламак.

Бевафолиғ шевасидиндур ишинг,
Бевафолар бағрини қон айламак.

Мулки дунёким бақоси йўқ анинг,
Ҳожат эрмас қасру айвон айламак.

Комила эмди муносибдур менга
Ишқ аро даъвойи ирфон айламак.

Ғамза тиғи бирла ишқ аҳлини айларсен ҳалок,
Нола айлар ҳар тараф юз дилфигору сийна чок.

Бўлди то ағёр лаълинг бодасидин комёб,
Бизни қилди мустаманду хастаҳолу дарднок.

Кўргач ул сарви равон бошида дастори бинафш,
Рашкдин савсанға ўт тушти, бинафша бўлди хок.

Қилди лаъли майпарастинг ҳасрати бағримни қон,
Боғлади бошдин аёғим обила андоғки ток.

Чун кўзум тушти юзунг хуршидиға, эй маҳжабин,
Шамъ янглиғ ишқ барқи ўртади жисмимни пок.

Таъна тоши бирла мажнунингни афгор этмаким,
Телбалар номусиға санги маломатдин набок.

Бўлди мурғи дил асири доми зулфи Комила
Қилди фарёдим қафасдин сийнасини чок-чок.

Эй мусоҳиблар, менинг дардимға бир дармон этинг,
Ёр пайғомини деб мушкулларим осон этинг.

Қилмангиз қонлиғ кўнгул асрорини зоҳидға фош,
Муҳтасиб фаҳм этмасун май шишасин пинҳон этинг.

Эй парий рухсорлар, ишқ аҳлиға рухсор очинг,
Жилва савдоси била ойинани ҳайрон этинг.

Дамба-дам жавлон этиб, эй шўхлар, майдон аро,
Хаста кўнглумни нишони новаки мижгон этинг.

Жилвагардур ҳар тараф гулгун қабо маҳбублар
Эй муҳаббат аҳли, ёр истаб, юракни қон этинг.

Қилсангиз дилдўзи мижгон тиркашин, эй шўхлар,
Чокдур кўнглум анинг қоши ёсиға қурбон этинг.

Бўлғусидур шоми ғам шамъи шаби ҳижронигиз,
Зинҳор, эй бенаволар, доғи дили сомон этинг.

Қилманг, эй аҳбоб, ул рухсордин қатъи назар,
Лаблари ёқутини, албатта, қути жон этинг.

Комила шоҳим сафар қилди жаҳондин дўстлар,
Шамъ янглиғ ёш тўкуб, мотам тутуб афғон этинг.

Бординг аҳбобға бир нома савод айламадинг,
Бизни расвои жаҳон этдингу ёд айламадинг.

На равоким, ўлса ушшоқларинг ғусса била,
Бир боқиб ғамзадалар кўнглини шод айламадинг.

Эй кўнгул, ишқни ҳайрат била пинҳон туттунг,
Хўб қилдингки, жунун бирла фасод айламадинг

Узмадинг ёрни зулфидин умидингни, кўнгул,
Риштаи жонинг эди қатъи мурод айламадинг.

Эй санам, бода ичиб, юзни қизортиб майдин,
Оразинг моҳини хуршид ниҳод айламадинг.

Мужда новакларини ғамза била отқонда
Мен девонаға бир ўқни кушод айламадинг.

Сенки бу даврда ҳусн аҳлиға султондурсен,
Не учун ишқ элиға адл ила дод айламадинг.

Комила, айрилиб ул шоҳи жаҳонпарвардин,
Офарин сенгаки, фарёд ила дод айламадинг.

Менга, эй фалак, қасди жон айладинг,
Фироқ илгида нотавон айладинг.

Сурайёдур оҳим ўқиға нишон,
Қадримни ул ўқға камон айладинг.

Вафо кўрмадинг чархдин, эй кўнгул,
Фалакни басе имтиҳон айладинг.

Чекиб тийри мижгон қоши ёсини,
Юрак доғин анга нишон айладинг.

Ёшурдинг лабинг донаи холини,
Юзумни бу ғамдин сомон айладинг.

Висолини ҳижрон этиб, эй фироқ,
Латофат баҳорин хазон айладинг.

Юрак доғин, эй Комила, ғайрдин,
Басе хўб қилдинг ниҳон айладинг.

Қадим сарву лабим чун ғунча дермиш лаъли дурборинг,
Инонма, ул иковда йўқ сенинг гуфтору рафторинг.

Жаҳон боғида ҳеч ким кўрган эрмас юзу зулфунгдек
Гулу сунбул ниқоби ё менингдек булбули зоринг.

Сенга ушшоқ эли кўнгул бериб жон ҳам келтурмишлар,
Касод этма муҳаббат рахтини сўрмай харидоринг.

Нигоҳинг тийри ўтти жондину тийри мижанг дилдин,
Қурулмиш хўблиғ шаҳрида мундоғ тез бозоринг.

На ёлғуз хирмани Мансурни ул бод совурди,
Тутар тан туфроғин ул елға дойим дил ошкоринг.

Тағофул тоши бирла шишаи табъимни синдурдинг,
Эрур инъомдин ортуқ сенинг бу навъ озоринг.

Югурди Комила фарёд ила кўйингға, эй дилбар,
Ва лекин топмади ул кўй аро бир зарра осоринг.

Мулку жаҳоним, эй шаҳи даврон, тасаддуқунг,
Мулку жаҳон на бўлғусидур, жон тасаддуқунг.

Юз жоним ўлса лаҳзада қурбонинг айларам,
Васлим нисоринг ўлсину ҳижрон тасаддуқунг.

Гирён кўзумни ёшиға наззора қилмадинг,
Гавҳарлар этти дидаи гирён тасаддуқунг.

Бир йўл яна қошимға кулиб келки, айланай,
Молу манолу неъмати алвон тасаддуқунг.

Еткурса гар насим висолинг паёмини,
Қилмасму ўзини ошиқи ҳайрон тасаддуқунг.

Гулзори ҳусн сабзаи хаттинг баҳоридур,
Файзи баҳору сайри гулистон тасаддуқунг.

Ёдингда сарф бўлди хазойин жавоҳири
Эмди бу жони бесару сомон тасаддуқунг.

Қад бирла қошингни хироми агар будур,
Шамшод бирла сарви хиромон тасаддуқунг.

Жону дилини сенга фидо қилди Комила,
Эй ёр, келки, бўлди дилу жон тасаддуқунг.

Эй сарви равон надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуойи хайр этармен,
Мақсудим эрур сенинг камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,
Етмиш магар, эй қуёш, заволинг.

Зуҳд аҳлиға салсабилу кавсар,
Басдур менга рашҳаи зулолинг.

Чиқмасда ҳануз хату саводи,
Мусҳафда муборак эрди фолинг.

Жамшидни жомидин зиёда,
Эй ринди гадо, синуқ сафолинг.

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,
Йўқтур сени зарраи малолинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ ичида,
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Комила, лофи ишқ урарсен,
Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.

Бир кун яна бошимни гўй айласа чавгонинг,
Хоки таним ўлғайму гарди раҳи жавлонинг.

Чун ҳусн эли шоҳи ушшоқни қатлиға
Фармон хати лаълингдурмен бандаи фармонинг.

Дардимни давосини сўрмон ҳукамолардин,
Жон заҳмиға марҳамдур кўксумдаги пайконинг.

Ўн тўрт эрди ёшинг бордур менга равшанроқ,
Ўн тўрт кечалик ойдин рухсораи тобонинг.

Пайваста қилур қошинг қатлимға ишоратлар,
Жаллод кўзунг турку ханжар анга мижгонинг.

Ишқ ичра қадам қўйдум, ҳасрат ўтиға ёндим,
Эй дўстлар, албатта, келманг бу тараф, ёнинг.

Эй Комила, шарҳ эттинг ул мўйи миён васфин,
Жон риштасидин бўлди шерозаи девонинг.

Чекти бошим узра чун шамшири мушкин қошларинг,
Қилдилар пайваста таслимимға таҳсин қошларинг.

Тоқи абру лавҳида чини итоб иншо қилиб,
Бесабаб қатлим учун зоҳир қилур кин қошларинг.

Мусҳафи рухсоринг узра мадди бисмиллаҳдур,
Айлади шарҳини ишқ аҳлиға талқин қошларинг.

Хонақаҳда дўндуруб зоҳид юзин меҳробидин
Ким мусулмонларға бўлди офати дин қошларинг.

Сафҳаи гардун аро қавси қузаҳ аксимудур,
Ё қуёшға кўргузур найранги мушкин қошларинг.

Гаҳ ишорат бирла қатл айлар, гаҳи иймо била,
Ким тўкар туфроға ошиқларни қонин қошларинг.

Эҳтиёт эт гулларингни гар эмас гул ўғриси,
Ҳусн боғида на деб хам бўлди гулчин қошларинг.

Рашкдин нохун каби туфроғ аро кирди ҳилол,
То сипеҳри ҳусн уза кўргузди тамкин қошларинг.

Комила афғонидин огоҳ эмас наргисларинг,
Бегунаҳлар қониға кўб бўлди зомин қошларинг.

Менингки ҳажр жафоси била ҳалок эттинг,
Фироқ тиғи била кўкрагимни чок эттинг.

Мурувват айламадинг, эй сипеҳри сифланавоз,
Мени ситамзадани ғусса бирла хок эттинг.

Рақиб дардиға қилдинг илож васлинг ила,
Бу ғусса бирла мени зору дарднок эттинг.

Менга мусоҳиб ўлуб, эй жунун, карам қилдинг,
Ки ақл васвасасидин кўнгулни пок эттинг.

Азимат айлади ёр, эй сипеҳр, хушдилман,
Ки жон рагин ани наълайниға шарок эттинг.

Вужуди ошиқу маъшуқ бирдур, эй гардун,
Ул ики ёрни бир-биридин алфкок эттинг.

Ғамингда Комила бисёр нотавондурман,
Мурувват айламайин ғам била ҳалок эттинг.

Сендин айру, эй шаҳи фархундафол,
Хайли ғам бошимни қилди поймол.

Бутмади ҳаргиз жаҳон гулзорида
Қоматинг сарви каби зебо ниҳол.

То назардин ғойиб ўлдунг, эй парий,
Телба кўнглум ичра қолди юз малол.

Ҳар қачон ошуфта бўлса хотирим,
Сунбули зулфунгни айларман хаёл.

Жонима шаҳди ҳаловат еткурур,
Оби ҳайвону лабинг кавсар мисол.

Ойина қаршу тушуб дийдоринга
Мен киби сув қилди онинг инфиол.

Соз этарман нолаи беихтиёр,
Қилса кўнглум ёди айёми висол.

Маҳв ўлур ҳайратда ой бирла қуёш,
Ёр ногаҳ айласа арзи жамол.

Сўз каломиға етурдум Комила,
Ёрим эрди хисрави соҳиб камол.

Кўзум йўлингдадур, эй сарви гулъузорим, кел,
Кўнгулда қолмади сабру қарор, ёрим, кел.

Мени асирға сенсиз жаҳон эмас ҳожат,
Жаҳон чароғи, сафобахш рўзгорим, кел.

Итоб зоҳир этиб тунд борганингда дедим:
Ки боғу айшим хазон ўлди, навбаҳорим, кел.

Мени гар ўлтуросен тиғи ноз ила ўлтур,
Қўлингни қонима айлаб ҳино, нигорим, кел.

Бу базмдин кечаким маст бординг, эй соқий,
Зиёда бўлди менинг меҳнати хуморим, кел.

Қошинг қиличию мужгон хаданги бирла букун
Кўнгул диёрини фатҳ айла, шаҳсуворим, кел.

Юзунгни ҳажрида тоқат била мажолим йўқ,
Алимда қолмади бир зарра ихтиёрим, кел.

Бу йўллаган сафарингдин ҳануз келмассан,
Оқарди йўлға боқиб чашми интизорим, кел.

Ҳануз Комила ул ойға интизор кўзум,
На бўлдиким демас, эй зору дилфигорим, кел.

Ёрдин айрилдинг, эй маҳзун кўнгул, овора бўл,
Ҳажр дардиға тополмай чорае бечора бўл.

Бе маҳоба ишқ майдонида жавлон айладим,
Қоши ёлар тиғидин бошдин аёғим пора бўл.

Дерман ул чобуксуворим итлари қилсун ғизо,
Пора-пора бағрими ҳар пораси юз пора бўл.

Ишқ ошубида ҳижрон ибтилоси саъбдур,
Бўлдум ул ойдин жудо, эй кўз ёшим, сайёра бўл.

Эй дили девона, ошиқлиғни қилдинг ихтиёр,
Дарди ишқ осон эмастур эмди санги хора бўл.

Ол ила золи фалак қонингни тўкди оқибат,
Ким деди, эй дил, сенга мафтуни ул маккора бўл.

Гар тиларсен баҳра топмоқ лаззати дийдоридин,
Комила кўзгу каби ҳайрони ул рухсора бўл.

Жамоли ёр истарсен гулистондин тамошо қил,
Мени гирён кўзумни абри найсондин тамошо қил.

Нечукки ой шуоъи равшан ўлмиш меҳр тобидин,
Жамоли партавин хуршиди тобондин тамошо қил.

Эмас кўзгу дами кайфияти дийдордин ғофил,
Тажалли нашъасин чашми ҳайрондин тамошо қил.

Муҳаббат сурмасидин кўзни равшан айла, ондин сўнг
Ҳидоят нурини рухсори жонондин тамошо қил.

Жунун савдосидин ошуфталиғлар тушти бошимға,
Мени ҳолимни ул зулфи паришондин тамошо қил.

Қамишдек банд-бандим ошёни нола бўлмишдур,
Фиғоним дастгоҳини найистондин тамошо қил.

Кўнгул ташвишини зулфи паришонида кўргонда,
Жигар қон ўлдуғин ул лаъли хандондин тамошо қил.

Бўлуб Адҳамсифат як бораги оламни тарк этмак,
Бу ишни ҳазрати саййид Умархондин тамошо қил.

Эмас эҳсон жазоси ғайри эҳсон ҳиммат аҳлиға
Бу маъни Комила тафсири Қуръондин тамошо қил.

Қолиб фурқат диёри ичра жононимни соғиндим,
Чароғи рўзгорим муниси жонимни соғиндим.

Гулистондур висоли маҳфили, мен андалиб анда
Гули айшим хазон ўлди гулистонимни соғиндим.

Кўруб кўнглумда юз озор, эй бедард, таън этма,
Мурувват кўргузуб раҳм этки, султонимни соғиндим.

Чаманда жилва қилди сарв ила гул, сабза бош чекти,
Қади сарву юзи гул, хатти райҳонимни соғиндим.

Ҳавойи ишқ саргардониман, орому сабрим йўқ,
Паришон заррадек хуршиди тобонимни соғиндим.

Кўзумдин ёш тўкуб, гирён ўлуб қон йиғламай найлай,
Ки ҳангоми такаллум лаъли хандонимни соғиндим.

Кўзум мардумлари Яъқубдек ҳайрат хазонидур,
Азизи Мисри давлат моҳи Канъонимни соғиндим.

Менга даври фалакдин бўлмади бир лаҳза осойиш,
Паришон ҳолман, султони давронимни соғиндим.

Арабдин то Ажам машҳур эди ул шоҳлар шоҳи,
Ки Эрон офтоби моҳи Туронимни соғиндим.

Қизил қондур кўзум ёши сабо еткур саломимни
Гули садбарг янглиғ пок домонимни соғиндим.

Тикарман Комила ғам йўлида коза Зулайходек,
Ким ул Юсуфлиқо Султон Умархонимни соғиндим.

Муддатедурким, жаҳон аҳлиға йўқтур улфатим,
Балки ўзлукдин малул этмиш мени ўз суҳбатим.

Тийрадур ул ойдин айру ҳажр шоми хилватим,
Нуқли ғам бўлмиш ғизо, хуни жигардур шарбатим.

Муддао бир ёр эди оламни гиру доридин,
Йўқса бу дунёни ғавғосиға йўқтур рағбатим.

Эй сипеҳри бемурувват, меҳру моҳингни нетай,
Кетти ер остиға султони ҳумоюн талъатим.

Орзу қасрини бунёд айладим меҳнат била,
Бузди селоби ҳаводис, бўлди зоеъ меҳнатим.

Эй мусоҳиблар, тирикдур деб гумон этманг мени,
Жисмдин жони азизим кетти, қолмиш суратим.

Ҳажр дарди муҳлик эрмиш ўлсам, эй аҳбоблар,
Зинҳор ул ёрни кўйида айлангиз сиз турбатим.

Ёр ҳижронида йўқтур бору йўқумдин асар,
На ўлукман, на тирик, маълум эмас моҳиятим.

Арсаи мулки жаҳон ҳарчанд фармонимдадур,
Сенсиз, эй оромижон, манзур эмас бу давлатим.

Шарбати васл истадим заҳроби ғам бўлди насиб,
Найлайин мен ҳам азал кундин бу эрса қисматим.

Комила дунёға ҳаргиз эътиқодим қолмади,
Кетти иқлими адамға шоҳи Доро шавкатим.

Гулу лола мавсумидур қани ёри дилнавозим,
Назаримдин ўлди ғойиб санами сухантирозим.

Ҳама сайди орзудур бу жаҳон шикоргоҳи,
Нетайин қўлумдин учти бу маҳалда шаҳбозим.

Менга шамъи анжумандек на жунун эрур, на савдо,
Ки ёрутти ҳажр шомин кеча сўз ила гудозим.

Сенга кўп эди муҳаббат, кам эди бу ғамда тоқат,
Ки тамом бўлди ғорат талабингда кўпу озим.

Менга орзу висолинг, менга муддао хаёлинг,
Назаримдадур жамолинг ҳама ноздур ниёзим.

Мадад этса бахт шояд, яна бир юзунгни кўрсам,
Қадамингни кўзга сурсам, карам этса корсозим.

Кима айтайин ғамимни, на илож этай, на чора,
Сенга етмади дариғо, кўп эди кўнгулда розим.

Кечалар намоз қилсам менга қибладур жамолинг,
Юзунг ўлмаса назарда на раводур ул намозим.

Дедим ишқ жазбасидин сенга, Комила, каломе
Ки ҳақиқат иқтизодур ҳама нуктаи мажозим.

Неча кун бўлди кетибдур ҳам анисим ғамкашим,
Ғам биёбонида дард айтурға йўқтур бир кишим.

Дуди оҳим чиқса гардунға сарапо чирмашур,
Тоқатим тоқ ўлди Жайхундек оқиб кўздин ёшим.

Бу жудолиғ ҳажрида афғон чекиб шому саҳар,
Келғил, эй ҳамхона, ортибдур сенингчун нолишим.

Даҳр ичра борму мендек айру гулрухсоридин,
Эй рафиқим, бу жиҳатдиндур сенинг бирла ишим.

Мунисим, келғилки, изҳор айлайин дарди дилим,
Нукта ёзмай неча кунлардин бери қотти бошим.

Ғамда ўлдум, ғуссада куйдум, иложим топмадим,
Эмди ҳасратлар билан кечсун мени ёзу қишим.

Оҳким, зулми фалакдин бўлди ахгар Комила,
Сабру оромим кетиб, ўртаб куяр ичу тошим.

Кўзум ҳайратфизодур азми майдон айласун шоҳим;
Кўнгул майдонида бир лаҳза жавлон айласун шоҳим.

Саманди ноз уза майдон аро жавлон этиб ҳар ён,
Кўнгулларни нишони тийри мижгон айласун шоҳим.

Чекар қош ёсини қатлимға қурбонмен садоғинга,
Юрак захмиға марҳам неши пайкон айласун шоҳим.

Кўзум қон ёш тўкуб гуллар очилди тоза доғимдин,
Букун бир дам келиб сайри гулистан айласун шоҳим.

Эрур бу нотавон жони ҳазин муштоқи дийдори,
Бу кун базми висоли ичра меҳмон айласун шоҳим.

Кўнгул боғида оҳим нахлидин туздим хиёбонлар,
Замоне анда гулгашти хиёбон айласун шоҳим.

Шабистондур кўзумни манзари ул ой фироқида,
Келиб ашким нужумидин чароғон айласун шоҳим.

Жаҳон гулзорида тарки тамошо айлади, ё раб,
Тамашои риёзи боғи ризвон айласун шоҳим.

Агар чандики дийдорин кўзумдин айлади пинҳон,
Хаёлини кўнгулга мониси жон айласун шоҳим.

Фироқи ибтилоси бирла кўнглум дардманд ўлди,
Менга васлин давои дарди ҳижрон айласун шоҳим.

Келиб, эй Комила, кулбам сари файзи қудумидин,
Кўнгул вайронасин тахти Сулаймон айласун шоҳим.

Гузаргоҳида тиктим коза, парво қилмали шоҳим,
Ғурури ҳуснидин ёди Зулайҳо қилмади шоҳим.

Манга ром ўлди ваҳшийлар, вале нозу тағофилдин,
Жунуним дастгоҳини тамошо қилмади шоҳим.

На бормоғдур ким маълум эмас бир зарра осори,
Фано даштида ҳаргиз гард пайдо қилмади шоҳим.

Келиб ҳолимни сўрди, хўб қилди дилраболиғда,
Маломат кўйида ошиқни расво қилмади шоҳим.

Қачон боди сабо таклифи гулгашти чаман қилди,
Чекиб қомат қиёмат ошкоро қилмади шоҳим.

Рақиблар жонима қасд эттилар, билмон гуноҳимни,
Манга имдод учун ҳангома барпо қилмади шоҳим.

Фироқида неча ғамномалар таҳрира келтурдум,
Анинг мазмунида бир нукта иншо қилмади шоҳим.

Кўнгул юз пора бўлди, Комила, сарғарди рухсорим,
Тамошои гули садбаргу раъно қилмади шоҳим.

Ҳар қачонким ул париваш васлини ёд айларам,
Чарх бунёдини бир оҳ ила барбод айларам.

Гарчи маҳзунман ўзум бир нозанин ҳижронида,
Бенаво афтодаларни хотирин шод айларам.

Тоғни бир оҳ ила ҳомунда айлаб устувор,
Ишқ саҳросидаги Мажнунни Фарҳод айларам.

Неча турлук доғ ила кўнгулда ойин боғладим,
Шоҳима меҳру вафо мулкини обод айларам.

Бўлмишам ҳарчанд ҳижронингда сабр айлаб ҳамуш,
Чун тушарсен ёдима, якбора фарёд айларам.

Қон ёшим тасвир этар ҳар лаҳза ул гул суратин,
Кўзга ким мижгонларимни килки Беҳзод айларам.

Қиссаи Фарҳоду Мажнун қолди, мен ҳам ишқ аро,
Комила, бир жонгудоз афсона бунёд айларам.

Бўлубман халқдин бегона, ул номеҳрибондин ҳам,
Эрур жон вола кўнгулдин, кўнгул озурда жондин ҳам.

Самакдин то само арз эттилар бори амонатни
Жавобе бўлмади маъқул ердин ҳам, осмондин ҳам.

Неча кундур насим осо кезиб гулзори оламни,
Нишон топмасман ул гулчеҳрадин, сарви равондин ҳам.

Менга ул гулдин айру қилма таклифи тамошоким,
Гулистондин хижилман, сайри боғу бўстондин ҳам.

Сени деб даҳрдин қатъий тааллуқ айлади кўнглум,
Халос этти ўзини, олами ваҳму гумондин ҳам.

Менга аҳлу хирад ташвишидин йўқ эрди осойиш,
Жунун имдод этиб мундин қутулдим шукр, андин ҳам.

Ишим йўқтур жаҳон аҳлини яхшию ямониға,
Мурувват кўз тутиб оламда яхшию ёмондин ҳам.

Эрур ишқу муҳаббат муддао ижоди оламдин,
Ғараз бу жазбаи тавфиқдур кавну макондин ҳам.

Жаҳон султони эрди Комила ёримки, ҳажрида
Жаҳон аҳлиға истиғно қилиб, кечтим жаҳондин ҳам.

Менки қадинг сарвини ёд айладим,
Оҳни саркўби шамшод айладим.

Оҳ чектим, нола тўфон айлади,
Чарх бунёдини барбод айладим.

Қондасен, кўрсат жамолингни менга,
Эй пари пайкар, сени ёд айладим.

Ишқ домиға гирифтор айлабон,
Жонға бедод узра бедод айладим.

Итларинг хайли аро тун то саҳар,
Нола қилдим, оҳу фарёд айладим.

Урди зулфунг ҳалқаси бўйнимда печ,
То хаёли доми сайёд айладим.

Айлабон мавзун қадингни бандаси,
Сарвни боғ ичра озод айладим.

Нуна ўхшатдим қошинг тасвирини,
Наргисинг бодомини сод айладим.

Бесутундур ишқ тоғи, Комила,
Ўзни жон чекмакда Фарҳод айладим.

То бодасин лабинга қилмиш пиёла таслим,
Қадду юзунга айлар гул бирла лола таслим.

Бош индуруб янги ой пайваста қошларинга
Икки қаро кўзунга қилмиш ғизола таслим.

Ногаҳ садаф эшитса дарёда сўзларингни
Гавҳарларин қилур ул дурри мақола таслим.

Қошинга ноз айлар ҳусн ичра моҳрўлар,
Хуршид айлагандек нурин ҳилола таслим.

Гар офтоб кўрса ҳуснингни ўз шуоъин
Беихтиёр айлар моҳи жамола таслим.

Фирдавс ноз ичра туби қадинг ниҳоли,
Сарв айласа ажаб йўқ ушбу ниҳола таслим.

Оғзингки бенишондур, васфин хаёл қилдим,
Ҳар нуктасанж айлар ушбу хаёла таслим.

Ҳуснунг тажаллисида хуршид зарра янглиғ,
Айлар қамар юзунга монанди ҳола таслим.

Эй Комила, сўзумни гар кўрса абри найсон
Гавҳарларини айлар монанди жола таслим.

Зулфунги кўргач паришонҳолу бесомонингам,
Қошингни ёйина чун солдим назар, қурбонингам.

Шонадек чоки дил эрмас ранги ижодим менинг,
Хонзодау хизмати зулфи абирафшонингам.

Баски ҳижрон ўти кўнглум тошини сув айлади,
Кўзгу янглиғ акси рухсоринг ила ҳайронингам.

Кимса гар душман эрур ҳолим кўруб раҳм айламиш,
Баски чўх зору асири ҳасрати ҳижронингам.

Мавж янглиғ сувға сол, ё шамъ янглиғ ўтлара,
Ишқ ичра ҳар на бўлса бандаи фармонингам.

Чекма илгимдин итоб айлаб тараҳҳум доманин,
Раҳм қилғилким, ғубори гўшаи домонингам.

Сарнавиштим мавждек келди тапиш бирла шикаст,
Ғаркаи гирдоби дарду доғи бепоёнингам.

Нақши пойингдин назар қилғилки бормен поймол,
Кокулунг янглиғ тараҳҳум қилки, саргардонингам.

Шамъи рухсорингдин айру тийра дилдур Комила,
Доғ янглиғ дудмони оташи ҳижронингам.

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эдим.

Кўз очмайин ғамида рўзгорим ўтқучидур,
Ки ёри сиймтанимни тушумда кўрсам эдим.

Чу даври роҳатим ўтти зиҳи саодат эди,
Муроди жону танимни тушумда кўрсам эдим.

Ғамида шона каби чок-чокдур кўнглум,
Ки кокули Хўтанимни тушумда кўрсам эдим.

Юзи гулу қади шамшод, кўзлари наргис,
Баҳору ёсуманимни тушумда кўрсам эдим.

Жафои ҳажр била кўксуми фигор қилон,
Нигоҳи сеҳр фанимни тушумда кўрсам эдим.

Лабимға келди анингваслини тилаб жоним,
Бало ўти фиганимни тушумда кўрсам эдим.

Ҳамиша булбули табъим фиғону зор этар,
Ки орази чаманимни тушумда кўрсам эдим.

Фироқ, Комила, кўнглумга доғлар қўйди,
Амири сафшиканимни тушумда кўрсам эдим.

То бадандур жон мақоми умрхоҳи жонингам,
То эрур жоним баданда бандаи фармонингам.

Ҳокисорингдин карам қил, чекмағил лутф этагин,
Бир ғуборингманки маҳви гўшаи домонингам.

Эй фалак, жонимға бедод узра бедод этмаким,
Бу етарким хаста ҳолу зору саргардонингам.

Бўлди кўнглум ғунча янглиғ то тугунлар махзани,
Зердасти миннати иҳсони бепоёнингам.

Соқиё лутф эт дариғ этма иноят соғарин,
Ким бу кун махмури саҳбои лаби хандонингам.

Пора-пора бўлди жисмим то жафолар тиғидин,
То эрур тиғи забон маддоҳи бу иҳсонингам.

Ноз уйқусида сендурсен вале мен субҳу шом,
Мунтазирмен Комила кўз юммайин ҳайронингам.

Субҳларким ҳасрати ул шоҳи Турон айларам,
Субҳ янглиғ меҳридин чоки гирибон айларам.

Шаҳсуворим фикриким, жон бирла кўнгулдур менга,
Жисмим ичра кўнгулу кўнгул аро жон айларам.

Ашки гулгунимки тўфон айламиш ғам шомида,
Хилъатим андин шафақ домонидин қон айларам.

Доғлар накдинки кўнгул махзанида қўйди ҳажр,
Кимсадекким ганж пайдо қилди, пинҳон айларам.

Дини ишқ инкорин этканларни айлай деб ҳалок,
Ашк селидин букун амвожи тўфон айларам.

Ғунчаи табъимни қон устиға қон этти малол,
Лутфунгни файзи насимидин гулистон айларам.

Дафтари назми дуо дейму ани жам этмағил,
Боиси жамъияти табъи паришон айларам.

Бандаи фармон эрурман ҳар на ким фармон эрур
Одам аҳлини фидойи ҳукму фармон айларам.

Баски эрмишман ҳавоҳоҳи ҳавойи давлатинг,
То эрур бошим ҳавойи мадҳи султон айларам.

Шоҳлиғ лутфи қамудур шоҳиди ҳолим менинг,
Комила бу важҳ бирла шукри иҳсон айларам.

Менки фурқат тунлари ул гул юзин ёд айларам,
Булбуледурман хазон фаслида фарёд айларам.

Шомларким зўр этар маъюслик ул шоҳсиз,
Орзу жинсини бир оҳ ила барбод айларам.

Бир кеча кўрдум тушумда ул жаҳоноро юзин,
Дам-бадам ул важҳдин ғамгин кўнгул шод айларам.

Сурати ёдида рангин фикрлардин ҳар замон,
Сафҳаи фитрат аро тасвири Беҳзод айларам.

Ўтқа солди оҳу афғоним фалаклар рахтини,
Ҳар нечаким чарх бедод этти бедод айларам.

Хаста кўнглум ичра пинҳон доғлардур, ҳар замон,
Кечалар тасбеҳдек юлдузни теъдод айларам.

Менки жон бирла ризо жўяндаи фармонингам,
Комила, андин вафо мулкини обод айларам.

Кўнгул жондину жон қолди ул жони жаҳондин ҳам,
Кўнгулдин жона еттим ғам тунида балки жондин ҳам.

Тилармен юз биёбон қатъини қилсам қуюн янглиғ,
Ки ўтқайман висолин истабон кавну макондин ҳам.

Дуо бирла паёми васл еткур, эй сабо, бир тун,
Анинг руҳиға мендин, манга ул руҳи равондин ҳам.

Агар ҳижрон элина ёр васли бўлмаса ҳосил,
На ҳосил хонумондин, балки умри жовидондин ҳам.

Анинг ҳижронида қон йиғламоқдин хуш бўлур ҳолим,
Айирма, эй фалак, бир лаҳза чашми хунфишондин ҳам.

Ҳарими Каъбаи иқболина етсам будур мақсад,
Ки қилсам нола доғи ҳажр ёри меҳрибондин ҳам.

Бўлубман, Комила, ул сарви гулрухсордин айру,
Кўнгул қондур ҳавои боғу сайри бўстондин ҳам.

Сенсизин олам баҳори сабзу хуррам бўлмасун,
Қайси олам, балки олам ичра одам бўлмасун.

Булбула гулзорсиз эрмас таманнои наво,
Фурсате чангу наво бир лаҳза бардам бўлмасун.

Даври лутфу раъяти иқбол сендин ўзгаға
Гардиши даврон аро бўйла мусаллам бўлмасун.

Сендин олди гардани таслим сарафрозлиқ,
Ўзгаларға гардани таслимимиз хам бўлмасун.

Комила, то сарвдур сарсабз бу гулзор аро,
Бошимиздин нахли қаддинг сояси кам бўлмасун.

Эй майи нобила рухсорин гулистон айлабон,
Май каби ҳар дам кўнгуллар ғунчасин қон айлабон.

Чеҳраи гулфом бирла май чироғин ёндуруб
Турраи мушкин ёзарда сунбулистон айлабон.

Бир тағофилдин қилон помол саркашлар бошин,
Юз гадони бир тараҳҳум бирла султон айлабон.

Бир тарафда ханжари мижгонидин қонлар тўкуб,
Бир тарафда бодани лаъли лаби жон айлабон.

Кечалар рухсоридин изҳор қилғон моҳи бадр
Субҳлар burқаъ очиб хуршиди тобон айлабон.

Зулфи мушкин бирла қилғон нофаи Чин ошкор,
Чашми масти Комила жўши хумистон айлабон.

Фиғонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим чўх, эй кўнгул, сен бехабарсен ҳоли зоримдин.

Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди, андоғким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чеҳраи зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмаз, хазон бирла баҳоримдин.

Бузулди рўзгорим, хонаи айшим хароб ўлди,
На роҳат кўргамен эмди бузулгон рўзгоримдин.

Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини,
Берурман жон, сабо ногаҳ хабар келтурса ёримдин.

Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар,
Ки мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Гаҳи йиртиб яқо, гаҳ қон ютуб, гоҳи фиғон эттим,
Нелар ўтти бу ахшом, Комила, жони фигоримдин.

Эй лабинг жони калому жонфизо руҳи равон,
Ошкорау ниҳондур суратинг жон узра жон.

Кокули шабрангдин қилдинг чаманлар ошкор,
Наргиси бадмастдин қилдинг хумистонлар аён.

Чарх узра сонма кавкабларки чароғон тунлари,
Дуди оҳим шўъласи учқунларидиндур нишон.

Поралар бўлди хаёлинг нуридин жон пардаси,
Моҳи тобон шўъласидин уйлаким бир каҳкашон.

Соқиё, махмурман чарх этти нокому залил,
Айлағил бир соғари май бирла шоҳу комрон.

Сен қуёш, мен сояи помол ҳасрат йўлида,
Партави алтоф ила берғил кудуратдин амон.

Бора-бора дуди оҳим бўлди чарх узра саҳоб,
Тома-тома кўз ёшим бўлди муҳити бегарон.

Новаки мижгонлариға ноз-бозуси била
Қилди қурбон кўнглими ул хисрави абру камон.

Комила гар ҳажр аро зор ўлса ғамдин тонг эмас,
Ким анинг кўнгли аро жондурсен, эй жону жаҳон.

Сен била олам мунаввар меҳри даврондурмусен,
Мулкдур сендин музайян шоҳи Турондурмусен.

Хатм ўлмиш сенга Тур расмила оламдорлиқ,
Эй жаҳоноро муҳити гавҳарафшондурмусен.

Файзи лутфунг ила очилди кўнгуллар ғунчаси,
Ё баҳористони давлат, ё гулистондурмусен.

Шодмонлиқ сендин эрмишдур жаҳон аҳволиға
Мунча ҳам жамъияти табъи паришондурмусен.

Лутфу хулқу донишу иҳсону ақлу салтанат,
Сендадур мажмуаи ахлоқи иҳсондурмусен.

Кўрмадим бир кимсаким, этмас дамо-дам офарин,
Сенга таҳсин била ҳам таҳсини даврондурмусен.

Тийра хотирларни равшанҳол айларсен мудом,
Осмони жоҳ уза хуршиди тобондурмусен.

Хулқи иҳсон бирла оламни сарафроз айладинг,
Оллоҳ-оллоҳ бу сифат давлатли султондурмусен.

Комила равшандур иқболим чароғи васл аро,
Кўзум ичра нур ё кўнглим аро жондурмусен.

Ойилдим ул қуёшни то арақафшон лиқосидин,
Кўзумға ўт тушар хуршид ила анжум зиёсидин.

Ғуборимдин нишон топмас қуюн бир умр сайр айлаб,
Ки ман саргаштаман ул хисрави Турон ҳавосидин.

Фиғоним сарву оҳим сунбул ўлди, ғунча кўнглум ҳам,
Чаманлар бўлди пайдо ҳасратим нашъу намосидин.

Чу тарки жилва этти хисрави хуршид рухсорим,
Кўнгул кўзгуси занги ҳажр аро қолмиш сафосидин.

Фалак, раҳм айла энди жон ила кўнглумға жононсиз,
Ки кўнглум жона келди фурқати зўр озмосидин.

Сафар йўлин нигори меҳрибоним чўх узоқ олди,
Тополмасман халос ўлмак йўлин ҳижрон балосидин.

Мени ҳолимға боқма, эй табиби поктийнатким,
Амон йўқтур самуми ҳажр дарди бедавосидин.

Ҳабиби оразин ёдила чекти Комила унлар,
Ҳавои булбулу гул қолмади баргу навосидин.

Ёрдин қолди чаман сарсабзу хандон ўлмасун,
Гулъузоримсиз жаҳон боғи гулистон ўлмасун.

Бўлмасун гул кўксини очиб чаманда жилвагар,
Токи гулдек ҳосилим чоки гирибон ўлмасун.

Ғунчалар гулшан аро очилмасун ул ёрсиз,
Ғунча янглиғ то менинг кўнглум даги қон ўлмасун.

Очмасун зулфини сунбул боғ аро дилдорсиз,
Токи сунбулдек менинг ҳолим паришон ўлмасун.

Тушмасун шабнам гул узра гулъузоримдин жудо,
Токи шабнамдек кўзум ёши фаровон ўлмасун.

Абри найсон лаҳза-лаҳза ёғмасун гулзорға,
Абри найсондек кўзум ҳар лаҳза гирён ўлмасун.

Қилмасун булбул чаманда нолау фарёдким,
То кўнгул булбул каби ҳажрида нолон ўлмасун.

Тушмасун кўзум анинг сарманзилу маъвосиға
То кўнгул қасри надомат бирла вайрон ўлмасун.

Лола янглиғ Комила кўнглумға қўйди доғлар,
Ҳеч ким, ё раб, асири доғи ҳижрон ўлмасун.

Йироғ ўлсам агар ул сарви сиймандом олидин,
Кўнгул сиймоб янглиғ сув ўлур онинг хаёлидин.

Сабо, эй ишқ аҳлини қосиди, ўтсанг агар ногаҳ,
Нигорим кўйи сори воқиф эт бу хаста ҳолидин.

Кўнгул шарҳи ғамин ҳар хома бирла ким рақам айлар,
Қиёмат субҳи бўлғунча чекар бош нола нолидин.

Қошию оғзию қадди била зулфин хаёл айлаб,
Ўлубман лол, ўзлукдин кетиб ёрим жамолидин.

Чекар эрдим фироқида неча ким ранж ила меҳнат,
Фироқи биймида юз онча тортарман висолидин.

Нечук асрори ишқин асрасун ул хастаким ҳар дам,
Сариғ рухсори ила зоҳир ўлмиш ашки олидин.

Магарким, Комила, кўргузди рухсори арақнокин,
Қизарди гул юзи боғ ичра шабнам инфиолидин.

Саҳарким тушти ўтлар жонима ул меҳр сиймодин,
Ошурдим оҳу афғон дудини нажми сурайёдин.

Мақоме ҳосил эттим водии ишқ ичраким, анга
Етолмас саъй ила Фарҳоду Мажнун кўҳу саҳродин.

Табибо дардима шамшод баргидин даво қилким,
Қаму беморман ул сарву қадди гулшанородин.

Баҳор айёми қон бўлгунча эй шамшод бош чекма,
Ки еттим жона сарву гулъузоримсиз тамошодин.

Басират аҳлиға лофи назар урсам ажаб эрмас,
Кўзум кўҳли саодатға етушти ул кафи подин.

Сочи андишаси ҳар дам фараҳбахши димоғимдур,
Хўтанлар сайрин эттим икки зулфи анбаросодин.

Тағофил бирла бедод этма чўх ҳолимға, эй толеъ,
Ки талх ўлмиш мазоқим коми ул лаъли шакарходин.

Фиғоним ўтларики бош чекар ул моҳдин айру
Анинг учқунларин ёд айлағил нажми сурайёдин.

Тараб таклифи бирла кўнглумни қон этма, эй соқий,
Не ҳосил Комила лаълидин айру жоми саҳбодин.

Дарди дил эттим рақам ёрни ҳижронидин,
Нуқтаси кўз ёшидин, сатри жигар қонидин.

Ҳажру фироқ илкида пийроҳаним порадур,
Қилмади эл тафриқа жайбини домонидин.

Бу дили девонаким меҳринг ила воладур,
Субҳ эрур нусхаи чоки гирибонидин.

Арз этакўр, эй сабо, дарди дилим шарҳини
Ер хабардор эмас ошиқи ҳайронидин.

Хаста кўнгул оҳидин ёр ҳазар айламас,
Куйди фалак хирмани шўълаи афғонидин.

То назаримдин ниҳон бўлди ул оромижон,
Нуридин айрилди кўз, жисм жудо жонидин.

Васл куни кўзларим мардуми гулчин эди,
Гаҳ руҳи зебосидин, гаҳ лаби хандонидин.

Толиъима ногаҳон қилди ёмон кўз асар,
Қолди фироқ ичра жон, айрила жононидин.

Хисрави фармонраво, сафдару кишвар кушо,
Гавҳари қиймат баҳо кетти карам конидин.

Арсаи мулки жаҳон гарча нигинимдадур,
Бош чека билмас кўнгул ишқни фармонидин.

Рози дилимни гар сабо ёрға еткурмаса,
Воқиф эмас ул санам Комила ҳижронидин.

Ёрнинг ошуфтаси ваҳм айламас ўз жонидин,
Жон фироқи саҳлдур, айрилмасун жононидин.

Ваҳ не янглиғ дўстлиғдур мен билан ҳасратлара,
Қўймоғим йўқтур замони шоҳиди ғам ёнидин.

Соқиё, кўп хаста хотирман жафо давронида,
Бир қадаҳ май тутғил, озод айла ғам зиндонидин.

Эй худо, раҳм айлаким, охир на қилғум чарх аро
Дам-бадам зўр айлабон андуҳи бепоёнидин.

Қолмади мен кўрмагон бедод даврон илгидин,
Доға верди кўнглуми андуҳи бепоёнидин.

Истаманг, эй дўстлар, мендин нишону номким,
Елға ворди тупроғим оҳу фиғон тўфонидин.

Эмди доғи фурқата, ё раб, нечук сабр этмишам,
Бўлмамишдим, Комила, андишаи ҳижронидин.

Лиллаҳил ҳамдки аз хосияти давлати Хон,
Офият топди чечакдин Валнаъми Султон.

Мамлакат ворисн шаҳзодаи олий гавҳар,
Қурратул айни жигарбанди амири даврон.

Шаҳриёрики анинг давлатидур, рўз афзун,
Бўлди хосиятидин мулк амон, нарх арзон.

Ҳазрати Хони диловар била Султон Маҳмуд,
Бири сарву бири шамшоду гулистони жаҳон.

Ҳақтаолони паноҳида масун бўлғойлар,
Олам аҳлиға бўлар давлатидин амну амон.

Валнаъмини камолиға етургил ё раб,
Қилди оламни маҳи талъати фирдавснишон.

Қилди ул ҳодисани дафъи худойи олам,
Шукр учун бўлди халойиқ тили гавҳарафшон.

Ғуссау ғам била душманлари аҳволи забун,
Дўстлар айш ила хуррамдилу шоду хандон.

То жаҳон борича бўлғай бу иковлон жовид,
Бўлмасун бир нафас оламда буларсиз даврон.

Бу икав давлатиға шукр қилур Комилаким,
Қолди кўнглумда биров ҳасратидин юз армон.

Ғам ҳалок этти мени ҳажрингда, эй жон, қайдасан,
Сенсизин бемормен дардимга дармон, қайдасан.

Васл аро султон эдим эмди жудолиғ дардидин,
Хаста мўри нотавондурман Сулаймон, қайдасан.

Муддате васлинг гулистонида эрдим андалиб,
Навбаҳор ўтти, хазон бўлди гулистон, қайдасан.

Ҳажр яғмоси кўнгул мулкиниким қилди хароб,
Сендин айру ўртади Фарғона, султон қайдасан.

Меҳри рухсорингдин айру субҳи айшим бесафо,
Тийрадур шоми ғамим, эй моҳи тобон, қайдасан.

Давр эли осудахотир эрди сендин войким,
Топти даврон инқилоб, эй шоҳи даврон, қайдасан.

Комила Фарғона мулкида сени айлар сўроғ,
Мулки Турон хисрави саййид Умархон қайдасан.

Уйқуда бир тун висолингни кўрар кун бормукин?
Субҳи хуршиди жамолингни кўрар кун бормукин?

Кўзларим мардумлари кўп йиғламоқдин сувдадур,
Моҳи рухсор узра холингни кўрар кун бормукин?

Офтоби васл жаннат қасрида топмас завол,
Офтоби безаволингни кўрар кун бормукин?

Бўйлаким қилди кўзумни ёшини қон иштиёқ,
Кўз очиб рухсори олингни кўрар кун бормукин?

Лабларингдин айру айшим талхдур даврон аро,
Жон бериб, ширин мақолингни кўрар кун бормукин?

Меҳри рухсор узра холингдур саодат кавкаби,
Ахтари фархунда фолингни кўрар кун бормукин?

Лаъли нобинг ҳасратида ташна қолдим Комила
Шарбати кавсар мисолингни кўрар кун бормукин?

Эй майи ноб ила рухсорин гулистон айлабон,
Май каби ҳар дам кўнгуллар ғунчасин қон айлабон.

Чеҳраи гулфом бирла гул чароғин ёндуруб,
Сурмагун кўзларни очиб наргизистон айлабон.

Бир тағофилдин қилон помол саркашлар бошин,
Юз гадони бир тараҳҳум бирла султон айлабон.

Бир тарафда ханжари мижгонидин қонлар тўкуб,
Бир тарафдин бодани лаъли лаби жон айлабон.

Кечалар рухсоридин изҳор қилғон моҳи бадр,
Субҳлар бурқаъ очиб хуршиди тобон айлабон.

Зулфи мушкин бирла қилғон нофаи Чин ошкор,
Наргиси масти ила маҳфилни хумистон айлабон.

Комила, ул ёр савдоси ила кўз юммаким,
Роҳати жон ёдин этмаз ёди жонон айлабон.

Булбули дил ғунчаи гулзоринг айлар орзу,
Тўтии жон лаъли шаккарборинг айлар орзу.

Ким қилур умид қон ютмай лабингни шарбатин,
Ўлмайин, ким наргиси беморинг айлар орзу.

Лол бўлмай, ким такаллум айлади кўргач сени,
Хок бўлмай, ким сени рафторинг айлар орзу.

Боқмағай кавсар лабида ҳурнинг рухсориға,
Ким лаби лаъли маҳи рухсоринг айлар орзу.

Тўкмайин ким ашк топмас лаъли серобинг сени,
Ютмайин қон ким руҳи гулноринг айлар орзу.

Чеҳра ўлди заъфароний иштиёқи бодадин,
Соқиё, кўнглум майи гулзоринг айлар орзу.

Фохта шамшод излар, гул висоли андалиб,
Комила мискин қаду рухсоринг айлар орзу.

Қондур жигарим ғусса билан ёрдин айру,
Ошуфтаман ул ёру вафодордин айру.

Ёш ўринға қонлар тўкилур дийдаларимдин,
То тушти кўзум, ул гули рухсордин айру.

Ҳайрон кўзум, эй моҳ, жамолингни тилайдур,
Ойинани йўқ матлаби дийдордин айру.

Бир гўшада танҳолиғ ила ёдинг эгарман,
Йўқ ҳамнафасим дийдаи хунбордин айру.

Ҳажрингда на роҳат кўрадурман, на ҳаловат,
Йўқтур мени дилхастаға озордин айру.

Эй жон, менга ҳажрингда жаҳон бўлди қоронғу,
Бўлғон каби кўз гавҳари шаҳвордин айру.

Гар сарв ила товус хиром этса кўзумға,
Манзур эмас ул қомату рафтордин айру.

Кўнгли ани ғам илгида қолғайму саломат,
Гар бўлса киши сен каби ғамхордин айру.

Сўз гавҳарини кетти харидори жаҳондин,
Бозори касод ўлди харидоридин айру.

Мендин на раво эрдики, ёр этти жудолиғ,
Гулни киши кўрганму экин хордин айру.

Фарёду фиғон савтини сенсиз эшитурман,
Кошонадин айру дару девордин айру.

Ўт ёқти фироқинг шарари элга ва лекин,
Эй Комила, куймас дили афгордин айру.

Ҳолимға фалак бўйла жафокор бўлурму?
Ҳар дам ишим озор уза озор бўлурму?

Даврон элидин дод ила фарёд этарман,
Бу ғамзадага мунча ситамкор бўлурму?

Бечора кўнгул ҳолиға раҳм айла, илоҳий,
Бир жон ила юз доға гирифтор бўлурму?

Ўтти бу жаҳон гулшанидин неча гули хор,
Ул гул ғамидин мен киби ҳам хор бўлурму?

Бир лаҳза келан гардиши айём ғамидин,
Дафъи алами дийдаи хунбор бўлурму?

Кўп сийнаи мажруҳ эрур даҳр аро мендек,
Фурқат ўқидин хастаю афкор бўлурму?

Кўп дийдаи хунрез эрур лек кўзумдек,
Хуни дил ила соғари саршор бўлурму?

Жонбахш лаби даврида ҳижрон ситамидин,
Бир хастаға юз ранж ила озор бўлурму?

Ғам солғучилар Комилани кўнглиға кўпдур,
Олам ҳама бу кўзгуя зангор бўлурму?

Ғайрнинг базмидадур ул моҳи тобон ҳар кеча,
Ўртанур ҳолим кўруб шамъи шабистон ҳар кеча.

Халқ агар ҳар йилда бир қурбонлиғ айлар моҳи ийд,
Мен қилурмен неча жон ул ойға қурбон ҳар кеча.

Сен қилиб ағёрни базмини равшан, рашкдин
Шамъдек жонимдадур доғи намоён ҳар кеча.

Муждаи субҳ висолингдин кўнгулни жам қил,
Ким эрур зулфунг каби ҳолим паришон ҳар кеча.

Гарчи уздинг риштаи улфат мени маҳжурдин,
Шукрким, ёдинг эрур кўнглумда меҳмон ҳар кеча.

Кофири бераҳму сангин дил асири бўлмишам,
Дину дил ғорат қилур ул номусулмон ҳар кеча.

Базми ишрат соз этиб, сен май ичиб, шодоб ўлуб,
Мен қилурмен най каби фарёду афғон ҳар кеча.

Воқиф эрмассен менинг дардимдин, эй Исонафас,
Ким талошурман лабинг ҳижронида жон ҳар кеча.

Неча кун бўлди лабинг саҳбосидин айру тушуб,
Комила кўздин тўкар ёш ўрниға қон ҳар кеча.

Кўнгул боғланди то занжири гисуи сумансоға,
Тароғдек солди ҳасратлар алидин чок аъзоға.

Ажаб эрмас дамо-дам зарра янглиғ беқарор ўлса,
Ўшал кўзким тушар ул офтоби оламороға.

Ҳавои сунбул савдосидин Фарҳоду Мажнундек,
На ғавғоларки солди телба бошим кўҳу саҳроға.

Кўзумни бўйла гирён билмаким дурдонаи ашкин,
Басе гавҳарки тўкмиш ишқ найсони бу дарёға.

Фиғоним етмаги ул осмони ҳусна мушкилдур,
Ки етмас гард парвоз ила домони сурайёға.

Кўнгулни бодаи ғам бирла охир талхком этти,
Етолмай Комила ул лаъли майгуни шакархоға.

Муҳаббат кишвари обод эрур иқболу жоҳимда,
Тонг эрмас бўлсалар ишқу жунун аҳли паноҳимда.

Қуёшдек машриқу мағрибни помол этти жавлоним,
Эмас монеъ халойиқ Кўҳиқофи садди роҳимда.

Саводул-важҳи фиддорайн экан дарвиши соҳибдил,
Адамдур икки олам сояйи бахти сиёҳимда.

Эмастур ҳажр шоми чарх уза ҳар ён кавокиблар,
Эрур бир неча учқунлар шарори дуди оҳимда.

Шаҳи мулки жунундурман, сипоҳим барча ваҳшилар,
Вале йўқтур хусумат кимсаға хайли сипоҳимда.

Муҳаббат кишварида дастгоҳимни тамошо қил,
Фалакни гардани боғлиқ каманди дуди оҳимда.

Ики гирён кўзум меҳрингни даъвосида тануқдур,
На дерман бўлса тардомонлиғ айби бу гувоҳимда.

Кўзум кўргач юзунгни телба кўнглум бўлди савдойи,
Сочинг сармоясидур риштаи тори нигоҳимда.

Жунун шаҳрини бесомонлари маҳкуми фармоним,
Ки бордур хотами доғи муҳаббат дастгоҳимда.

Кўзум ёшини чархи бемурувват хока дўндурди,
Нечук журм ўлди пайдо ушбу тифли бегуноҳимда.

Сабо лутф эт, Умар султонға еткур, Комила арзин,
Ки тўйи нури чашмидур ризо гар бўлса шоҳимда.

Замона аҳлидин ғам кетти, айши жовидон келди,
Адамдин олами ижод аро хон ибни хон келди.

Қадам то арсаи оламға қўйди ул дурри якто,
Муборакбод учун бахту саодат тавъамон келди.

Башорат сизга, эй аҳли жаҳонким, мулки дунёға
Чароғи маҳфили олтинбешик, бобирнишон келди.

Зиҳи тифли ҳумоюнфар, муборакрўй, фаррух рух,
Жаҳон аҳлиға андин муждаи руҳи равон келди.

Асолат баҳрида зоҳир бўлуб, мавжи карам андин,
Дурри якто тирози домани охирзамон келди.

Сафои мақдамидин бўлди хуррам арсаи олам,
Ҳаёти тоза топди мамлакат, гўёки жон келди.

Зафар топти сипаҳ шаҳзода осори қудумидин,
Қилинглар яхшилар шукринки, давлати ройгон келди.

Саодатманди фиддорайн эрурким ҳақ жанобидин,
Анинг ҳифзи учун хайли малойик посбон келди.

Хирад солоридин тарих милодин савол эттим,
Дедиким: "нури чашми аҳками соҳибқирон келди".

Дуои хайр этинг, эй аҳли давлат, Комила янглиғ,
Дамо-дам шукр этинг, шаҳзодаи мулки жаҳон келди.

Ҳажр эди ишқ ичра мен кўрган балолардин бири,
Дард водийсида мен чеккан жафолардин бири.

Раҳм этиб ҳолимни сўрмазлар, кўринг бедодлиқ,
Сиймбарлардин бири, мавзун қаболардин бири.

Чекмаюб ғам чекти Ширин сувратин Фарҳод лек,
Ишқ ойинида дерлар беҳаёлардин бири.

Қошу кўзу зулфу хол ила мадоро айласанг,
Айламаз расво сени юзй қаролардин бири.

Аҳли табъ ҳар ким ўланмаз аҳли дилдин сўрмаким,
Қуш нажодидин баланд учмиш юволардин бири.

Истарам, ё раб, бақойи давлати султон Умар,
Айла мақбули ижобат сен дуолардин бири.

Ишқ даъвосини қилдим норасо журъат била,
Эй расолар зумраси мен норасолардин бири.

Комила тинмай дуо қилгин бу кун султонни сен,
Подишоҳи асрдурсен ул гадолардин бири.

Масиҳ анфосидек жисм ичра жон киргузди гуфтори,
Кўнгул базмини равшан этти ҳар тун шамъи рухсори.

Фироқинг ўти дуди бошим узра солди юз савдо,
Фиғонимдин қизийди жоним ичра ҳажр бозори.

Келинг, эй ҳамнишинлар, бул мени ҳолимға раҳм айланг,
Йиқилди кўзларимни ёши бирла жисм девори.

Бўлуб бошдин аёғ ойина янглиғ дийдаи ҳайрат,
Тушумда жилва этти ҳар тараф товус рафтори.

Каломинг нашъаси беморлар жисмиға руҳафзо,
Лабингни шарбати эрди бузуғ кўнгулни меъмори.

Паридек ўзни недин айладинг кўз шахсидин пинҳон,
Кишиға бўлмади маълум оғзинг рамзу асрори.

Магар келса насиме ёри гулпўшим риёзидин,
Очилса ғунча янглиғ уқдаси кўнглумни туммори.

Не ҳожат нола чекмак, кўз ёшини айламак тўфон,
Фироқу меҳнат ичра сабр этмакдур сазовори.

Магарким ул парирў ҳусн нури айлади партав,
Кўзи ойинасидек, эй Комила, ҳайрат намудори.

Ваҳ, не воқеъ бўлди бориб шаҳсуворим келмади,
Барча кишилар сафардин келди, ёрим келмади.

Субҳи васлидин мунаввар эрди моҳи тальатим,
Шоми ғам юзланди, шамъи рўзгорим келмади.

Мен қачон ёд этмадим васлингниким жон ўртаниб,
Кўз йўлидин юзга ашки шашқаторим келмади.

Нахли уммидим гул очмай қолди юз афсуским,
Бўлди наврўзи жаҳону навбаҳорим келмади.

Интизоридин оқармиш аҳли Канъон кўзлари,
Мисру давлатдин Азизи ҳамкорим келмади.

Бордию оламни куйдурди фироқи оташи,
Шаҳр ўртанди ғамидин, шаҳриёрим келмади.

Эмди ўз ҳолимға йиғларман дамо-дам, Комила,
Кетти оламдин амири номдорим келмади.

Шоми фурқат ёрсиз мен ютмаган қон қолмади,
Раҳм қилким, эмди қон ютмоққа имкон қолмади.

Жонға еттим дам-бадам хунобаи ҳасрат ютуб,
Ваҳки, жонон шавқидин жисмим аро жон қолмади.

Ёна-ёна қолмади жон бирла кўнгул доғсиз,
Тома-тома кўзда ашки чашми гирён қолмади.

Зулфин истаб риштаи жонимға тушти тоблар,
Кетти тоқат даври эмди тоби ҳижрон қолмади.

Хотиримдин кетмасун дилдор доғи ҳасрати,
Кетса-кетсун гар нишоту айшу сомон қолмади.

Бир нафас беҳуш қилғил менга, соқий, май тутуб,
Ким хаёл айларға эмди жонима жон қолмади.

Қадди мавзуни била, гулгун юзин ёди била
Орзуйи тубию ёди гулистон қолмади.

Соқиё тутқил ғанимат соғари ишрат бу тун,
Ким неча давр ўттию бир неча даврон қолмади.

Комила, кўнглумни равшан қилди ёди орази,
Ким менга андишаи хуршиди тобон қолмади.

Замоне васфинги ёд этмоғим не эҳтимол ўлғай,
Бу йўлдурким вафо асҳобина касби камол ўлғай.

Қилурсен шод чўх ақли худодод ила оламни,
Ажабдурким бировға мунча ҳам рангин хаёл ўлғай.

Баробар айламас ўз рутбасин гардун қуёшиға,
Бировким соя янглиғ даргаҳингда пойимол ўлғай.

Баҳори илтифотинг файзидин нашъу намо топғоч,
Хазон ўлғон кўнгуллар фитрати раъно ниҳол ўлғай.

Чу хизмат йўлида домони давлат тушти илкимға,
Анинг шукронасидин тинмоғим амри маҳол ўлғай.

Ўшалки бандаи фармон эрур, эй хисрави олам,
Йўлунгда Комила бош чекмоғи не эҳтимол ўлғай.

Фалак илки ғуборим сарсари ҳижрона топшурди,
Вужудим рахтини кўзлар ёши тўфона топшурди.

Табибо чекма заҳмат ҳолима ҳасрат давосичун,
Қазо ҳижрон маризин дарди бедармона топшурди.

Ғамида ўтти давре, дарди ҳижрон бўлмади охир,
Ки ҳасрат жоними андуҳи бепоёна топшурди.

Ғами сўзини бошлаб этмадим сомони чун гардун,
Бу дурларни менингдек бесару сомона топшурди.

Очилмайдур кўзум Юсуфузоримдин жудо бўлғоч,
Ки даврон бошими бир кулбаи эҳзона топшурди.

Нишон топмоқ эмас овора кўнгулдин муяссар ким,
Эрур бир қатраи қон кўз ёши тўфона топшурди.

На қилсун лола янглиғ Комила бағрини доғ этмай,
Ки они чарх доғи шаҳ Умарсултона топшурди.

Фиғонким, ёр ишқи сабри кўнглумдин жудо қилди,
Ғам илги сафҳаи аҳволима машқи жафо қилди.

Фалакка еткуруб ҳар кеча ўтлуғ оҳу афғони
Муҳаббат андалиби кўнглуми оташнаво қилди.

Ўшал Лайли малоҳат нозанини моҳрухсорим
Мени Мажнун каби саргаштаи дашти бало қилди.

Паришонлиғ ёғилди бошима дарди муҳаббатдин,
Хаёли ёр ишрат шомини рўзи жазо қилди.

Парипайкар қариндошим хаёл моҳрухсори
Нишоту айшдин бегонау ғам ошно қилди.

На сабру ҳуш қолди, на қарору тоқатим, ё раб,
Кўнгул ичра ҳавои ишқ билмам на бало қилди.

Висолини тополмай, Комила, мушкил эрур ҳолим,
Ки бедоди муҳаббат менга қаттиқ можаро қилди.

Кўнглуми қон этти фурқат ибтидосидин мени,
Жона еткурди санам беинтиҳосидин мени.

Водийи ваҳшат аро Мажнунлиғ истарман мудом,
То халос этгай халойиқ можаросидин мени.

Ғам емоққа жону қон бўлмоққа кўнгул қолмади,
Эй ажал, соф айлағил гардун жафосидин мени.

Гарчи, эй жон, кўп чучуксан, лек аччиғдур фироқ,
Кетғилу соф айлағил ҳижрон балосидин мени.

Мастлиғдур улки ғам аҳлин паноҳидур мудом,
Солма, ё раб, дайр пири хокпосидин мени.

Тоза-тоза доғу ғам устина ғамдур юз лисон
Чарх билмам нетгай охир ибтилосидин мени.

Аҳли даврон кулфатин торторға йўқтур тоқатим,
Эй худо, қутқор бу кишти но адосидин мени.

Комила дер эмди айш бесаботин истамон,
Дайр шоҳи қилса гар фил гадосидин мени.

Гўзал ёримға, эй боди сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сендин ўзга ёр кўйиға паёмимни?!

Кўнгул дардини тақририға қилу қол эмас ҳожат,
Тафаккур бирла равшан айла мазмуни каломимни.

Кўнгул комини ширин истадим, жоми висолидин,
Фиғонким, чарх ҳижрон заҳридин талх этти комимни.

Қоронғу бўлди олам дуди оҳим саводидин,
Ки фарқ этмаз мунажжим, рўзи равшан бирла шомимни.

Вафо шаҳбозидурман, гар мени сайд этмак истарсен,
Муҳаббат риштасидин қилғосен, зинҳор, домимни.

Фалакдин гар шикоят ошкор этсам тонг эрмаским,
Ғами ҳижрона табдил айлади айши мудомимни.

Карам қилдинг, сабо, ул ёр кўйидин хабар бердинг,
Гулу райҳон исидин бениёз эттинг машомимни.

Муриди ишқи оламсўзман ушшоқ базмида,
Навои нолаи найдек баланд этти мақомимни.

Адам иқлимида шоҳим мусофирдур, худовандо,
Манга еткур саломат шаҳриёри некномимни.

Чаманда гул тамошо айлабон сарви равон кўрсам,
Қилурман ёди султони Скандар иҳтишомимни.

Қаронғудур кўзумға ҳажр шоми, тийрадур айшим,
Фалак туфроға пинҳон айлади моҳи тамомимни.

Ғараз ҳимматларимдин ёр васли иқтизосидур,
Тиларман васлини, ё раб, зиёд эт иҳтимомимни.

Сиёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покиман,
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни.

Жавоби шоҳ байти Комила ул нодири даврон,
Тегиб санги ажал, синдурди мийно бирла жомимни.

Ёзибман сафҳаи ҳуснунг хаёлида бу иншони,
Хижолат айлади ойнаи тўти шакархони.

Даҳону лаъли хатингдурму ё, эй ҳусн султони,
Йиғибсан гўшаи кавсарға Хизр ила Масиҳони.

Менга хайли сипаҳ, девоналар бирла мажонинлар,
Нечукким тоза доғи жисмима меҳри Сулаймони.

Кўнгул қон бўлди, оғзинг сирри ҳаргиз бўлмади равшан,
Қизил гул ғунчасидек ким очар ушбу муаммони.

Недин жону танимға миннат эрмас побўсингдин,
Ким эрмиш шеҳнаи шавқинг кўнгул мулки аро хони.

Ики кўз ҳажр Канъонида чун Яъқуби нобино,
Нединким ҳусн Мисри ичрадурсен Юсуфи сони.

Шакар сўзлук, қаро кўзлук ғизолим ҳажрида йиғлаб,
Қуюн янглиғ кезарман оҳ айлаб дашту саҳрони.

Сен, эй гардун, ҳазар эт, кишварингни айлағил маҳкам,
Кўзумни ашкидин хижлатға ботти Нуҳ тўфони.

Юрак қон ўлди, оҳим тутуни кўкка ёндошти,
Қачонким тушда кўрдум гул юз ила сарви болони.

Вафо ранги муҳаббат накҳатин кўз тутмағил, эй дил,
Бу рангу бўй кўргузмас кишига даҳр бўстони.

Хаёли ёр ила, эй Комила, шавқ уйида сабр эт,
Жаҳонни айлади ошуфта бу ҳоли паришони.

Юзунг ҳажрида тўфондур сиришким, тутти дунёни,
Ажаб эрмас анинг бир қатраси ғарқ этса дарёни.

Муҳаббат аҳлиға ҳожат эмастур даҳр ғавғоси,
Кел, эй шўри жунун, дур айла бошимдин бу ғавғони.

Кўролмай ёрни бўлмиш жунуним эл тамошоси,
Агар кўрсам жамолин, анда кўргайсан тамошони.

Етолмай гулъузорим васлиға ишқ ичра расвомен,
Мадад қил, бахт кўйи сориға бошқар бу расвони.

Ул ой ҳижронида оҳим Банотун – наъшдек ҳар ён
Паришон этти Кайвон боргоҳида Сурайёни.

Оқорғон кўзларимдин бўлди ул Юсуфлиқо пинҳон,
Эрур кўнглум уйи – Яъқуби Канъон байтул-эҳзони.

Кўнгул бир офтоб ишқида ҳайрондурки тонг эрмас,
Лаби шавқи фалакдин ерга индурса Масиҳони.

Киши кўрган эмастур ишқ даъвосида осойиш,
Агар роҳат тиларсан, зоҳидо, тарк эт бу даъвони.

Юзунг ўлсун қароким, эй фалак, зулм айладинг беҳад,
Айирдинг ёридин бу Комила мажнуни шайдони.

Мунтазирдурман қачонким келса жонон айланай,
Бошидин юз йўл тасаддуқ айлабон жон, айланай.

Бошидин айланмадим деб кўптур армоним менинг,
Келса ёрим, қолмасун кўнгулда армон айланай.

Лаҳзае ҳолий эмас кўнглум хаёлинг хайлидин,
Иштиёқингдур кўнгул тахтида султон айланай.

Меҳри рухсорингни соғиндим қарорим қолмади
Заррадек бошингдин, эй хуршиди тобон, айланай.

Айларам ийди висолингни дамо-дам орзу,
Эй юзунг байрам ойи, жон санга қурбон айланай.

Гирдбоди домани дашти жунундур пайкарим,
Жустужў айлаб сени кўҳу биёбон айланай.

Шомлар фикру хаёл ичра сени айлаб сўроғ,
Субҳидам боди сабо янглиғ гулистон айланай.

Кел хиром айлаб қадам қўйғил кўзум гулзориға,
Қадду рафторингдин, эй сарви хиромон, айланай.

Муғтанам эрди висолинг қайдасан, эй шаҳсувор,
Сендин айру Комила ғам бирла ҳайрон айланай.

Эй сарви ноз қадди ниҳолингдин ўргулай,
Ёдинг бахайр фикру хаёлингдин ўргулай.

Шоми фироқинг этти мени тийра рўзгор,
Кўрсат юзунгни моҳи жамолингдин ўргулай.

Ҳижрон менга мусоҳиб эрур, вaслинг орзу,
Гоҳи фироқу гоҳ висолингдин ўргулай.

Васлингни доманиға қўлим етмади дариғ,
Эй шаҳриёр, жоҳу жалолингдин ўргулай.

Пайваста қошларингни юз узра хаёл этиб,
Бир офтобу икки ҳилолингдин ўргулай.

Кўнглум қушини банд қилур ғам тузоғина,
Гул хирманида донаи холингдин ўргулай.

Мен телбага кўзунг кийиги ром бўлмади,
Ваҳший сифат рамида ғизолингдин ўргулай.

Топмас кўзумни мардуми ҳуснунг мисолини
Холи сиёҳ ила руҳи олингдин ўргулай.

Мушкин хатинг баҳорида сийминузорсен,
Анбар сочар гул узра сақолингдин ўргулай.

Келтурсанг, эй кабутар, агар ёрдин хабар,
Кўрганда номасин пару болингдин ўргулай.

Эй гулъузор, Комилани ҳолини сўраб,
Гуфтора кел, жавобу саволингдин ўргулай.

Кўнгул дарди фаровон ўлди, афғон айламай найлай,
Сийнама нола ҳар тун барқи жавлон айламай найлай.

Фалакка етти оҳим, тоғни гарқ айлади ашким,
Чу ашки оҳ ила оламни тўфон айламай найлай.

Бу янглиғким менга туғён этар пайваста гирёнлиғ,
Кўзумни ёшини дарёи Уммон айламай найлай.

Эрурман тийра рўз ул ойдин айру, дуди оҳимни
Ҳижоби орази хуршиди тобон айламай найлай.

Менинг расволиғимдин ишқ иқлимида ғавғодур,
Жунун зўр этти ошиқлиғда туғён айламай найлай.

Олурлар интиқом атфоллар шаҳр ичра Мажнундин,
Санамлар жавридин азми биёбон айламай найлай.

Тишинг дурдонаси ёдимға тушгач абри найсондек,
Сиришким жоласини гуҳарафшон айламай найлай.

Деди ул нозанин жаннатда кўргайсан жамолимни,
Ҳавойи гулшани фирдавси ризвон айламай найлай.

Кўрубман Комила ўз нури чашмимдин саодатлар,
Анинг шукронасиға хайри эҳсон айламай найлай.

Бўлди ул фурсатки тарки суҳбати олам тутай,
Қон тўкуб кўз мардумидин шеваи мотам тутай.

Шоҳ Умар султон жаҳондин кетти ул шавкат ила,
Эмди даврон аҳлидин чашми мурувват кам тутай.

Кетти базми васлидин жоми маишат ичдугум,
Эмди дафъ этмаз ғамимни гарчи жоми Жам тутай.

Ўтти субҳи васл, келди шоми андуҳу фироқ,
Марҳабо, эй доғу ҳасрат, келки базми ғам тутай.

Бодасиз мийноу жом охир нишотафзо эмас,
Эмди боди ғунчаи гул бу чаманда кам тутай.

Қон ўлур кўнгул анинг даврини ёд эткач замон,
Мен нечук табъимни шоду хотирим хуррам тутай.

Фурқатида йиғламоқдин қолмади кўз ичра ёш,
Эмди хуни дил ила кўз сафҳасин пурнам тутай.

Базми васлин кўрмаганлар фурқатидин доғдур,
Менки кўрдум давлатин ўзни нечук беғам тутай.

Топмоғим ўлмас муяссар ул гули хандон иси
Гар ҳама сайри жаҳону арсаи олам тутай.

Кўнглуми ҳижрон ўти айлар дамо-дам заҳмнок,
Қил мадад, эй сабру тоқатким, анга марҳам тутай.

Ёдгор ул шоҳдин қолди менга дурдонаи
Эмди они давлатин шукрини мустаҳкам тутай.

Комила кетти иликдин шаҳриёрим домани,
Эмди авлодин дуо этмак йўлин маҳкам тутай.

Жон олурда, эй санам, қилғон шитобинга ўлай,
Гоҳ нозинга берай жон, гаҳ итобинга ўлай.

Ҳар киши ўлса юзунг меҳрида лаълинг тиргузур,
Чун масиҳинг зинда айлар, офтобинга ўлай.

Тиргузур беморларни шарбати лаъли лабинг,
Соқиё, махмурман завқи шаробинга ўлай.

Жон бағишларда лабинг нозинга жон айлай фидо,
Қатлим айлар чоғда қилғон изтиробинга ўлай.

Лаълинг олида кўнгул сўргонда ҳолингдин савол,
Нозу истиғно била берган жавобинга ўлай.

Толпиниб ўлғон каби сайёдни домида қуш,
Қўйки, бир дам чирмашиб банди ниқобинга ўлай.

Остонинг қиблаи мақсуди хосу ом эрур,
Комила, бошимни фарш айлаб жанобинга ўлай.

Навоий ғазалига мухаммас

Сўроғингда биёбонлар кезиб бе поу сар юрдум,
Қуюндек чарх уруб жисмим ғуборин кўкка совурдум.
Сен азм айлаб кетарға, мен бўлуб бемор, қайғурдум,
Кўнгул жон бирла бўлди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум,
Сенга жон бирла кўнглумни, сени тенгрига топшурдум.

Видоингни қилурда куйди жоним хайрбодидин,
Фалак сақфи қорарди дуди оҳимни мидодидин,
Жаҳон зулмат саройи дуди оҳим имтидодидин,
Нишондур тийра бўлғон ахтари бахтим саводидин,
Туганларким фироқинг ўтидин ғам шоми куйдурдум.

Қошинг ёси таманносидадур пайваста қаддим хам,
Юрак заҳмиға марҳам истаб этмасман тараддуд ҳам,
Кўнгул новакларингни заҳмидин роҳат топар ҳар дам,
Ёғоч бирла бошоқ ким танда қолди ул эрур марҳам,
Жунундин ким фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум.

Гирибон чок эрурман субҳи вяслинг интизоридин,
Қаронғу бўлди шомим дуди оҳимни ғуборидин,
Шарарлиғ шуълалар бош чекти кўксум хор-хоридин,
Туташти шамъдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам қўяй деб чун бағир чокиға еткурдум.

Кўруб ул бутни зуннор олмағайсиз, эй мусулмонлар,
Менингдек юз балоға қолмағайсиз, эй мусулмонлар,
Саломат кунжидин қўзғолмағайсиз, эй мусулмонлар,
Чу ул кофир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар.
Ки мен бечора кўнглумни боқиб ўткунча олдурдум.

Мени лол этти гуфтори лаби хомуши гўёси,
Ушатти қанду шаккар қимматин лаъли шакархоси,
На дилкаш ҳусн эрур кўрган сари ортар таманноси,
Юзинг кўргач бошимға тушти мушкин зулф савдоси,
Фиғонким бир боқишда юз бало бошимға келтурдум.

Сени топмоқ басе мушкил кўрунди жустижў бирла,
Фироқинг дардиға таскин тилармен гуфтигў бирла,
Гаҳи паймона бирла шуғл этиб, гоҳи сабу бирла,
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар нав орзу бирла,
Ризо кўйиға то қўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.

Зарар қилмас муҳаббат аҳлиға ағёрни таъни,
Эрур бадхоҳларнинг гуфтигўйи барча бемаъни,
Бу кун, эй Комила, бошдин қўюб тожи мурассаъни,
Макон гулхан кулин қилди Навоий телбадек яъни,
Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум.

Мухаммаслар

Келғил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай,
Офият хирманини бир йўли барбод қилай
Ман этиб нолани тарки раҳи фарёд қилай,
Тобакай ҳажру фироқ офатидин дод қилай,
Эмди ўзни неча кун сабр ила мўътод қилай.

Манга гоҳе хабари моҳи тамомимни десанг,
Ёрға дарду ғами субҳ ила шомимни десанг,
Ул паривашға дуо бирла саломимни десанг,
Ёр кўйида башартеки паёмимни десанг,
Бу қафасдин сени, эй жон қуши, озод қилай.

Адлу инсофда Жамшид нажодим сен эдинг,
Фикру андиша, хаёлим бирла ёдим сен эдинг,
Рост айтай сабаби рушду рашодим сен эдинг,
Эй дилором, бу оламда муродим сен эдинг,
Айлаб оламни фаромуш, сени ёд қилай.

Яна бир мартаба ғам шомида моҳимни кўруб,
Ҳажр дардини десам пушти паноҳимни кўруб,
Раҳми келгайму бу аҳволи taбоҳимни кўруб,
Жаврларким менга чарх айлади, шоҳимни кўруб,
Бош яланг айлаб, инонини тутуб дод қилай.

Соқиё, ранжи хумор ўртади, келтур манга май
Тўлдуруб неча қадаҳни тута кўр пайдарпай,
Ҳажр дарди била ҳикмат йўлини қилдим тай,
Сабрдур дарди дилим чораси, йўқса токай
Нотавон жонима бедод уза бедод қилай?

Неча кунларки манга бор эди лутфу караминг,
Сурмаи чашми жаҳонбин эди гарди қадаминг,
Фарздур эмди менга тавфи дари муҳтараминг,
Боғлаб ихлос ила эҳроми ҳарими ҳараминг,
Ашкдин роҳилау хуни жигар зод қилай.

То жаҳон мулкини султони эдинг давлат ила,
Бенаволарға карам айлар эдинг шафқат ила,
Халқ сендин ҳама хушнуд эди бу одат ила,
Шод қилғай сени руҳингни худо раҳмат ила,
Мен ҳам эҳсон ила эл хотирини шод қилай.

Мустамандеки дуо бирла сени ёд эткай,
Раҳмати бирла худованди жаҳон шод эткай,
Анбиё руҳи сенинг жонинга имдод эткай,
Охират мулкини то ҳақ сенга обод эткай,
Мулк вайроналарин адл ила обод қилай.

Сарви гул пираҳани сен каби пайдо эрмас,
Сен каби сарв ила гул дилкашу зебо эрмас,
Бу чаман гуллари манзури тамошо эрмас,
Кўзума қадду юзингдек чаманоро эрмас,
Неча андишаи сарву гулу шамшод қилай.

Васл базми аро жоми майи саршор қани,
Ол ила мендин айирди фалаки сифла сани,
Порадур гул каби эгнимда жунун пираҳани,
Оташи дарду фироқу шарари ҳажр мани
Ўртади, қайси бирини сенга бунёд қилай.

Ёрсиз мушкил экан меҳнати ҳижрон чекмак,
Васл уммиди била ранжи фаровон чекмак,
Най каби бўлди ишим нолау афғон чекмак,
Мен мену кўҳи ғаминг кулласида жон чекмак,
Неча Ширинни вафо тоғида Фарҳод қилай.

Шамъ сар то қадам ўртанди фано ўргандим,
Кўрубон қатраи шабнамни ҳаё ўргандим,
Гулу булбул сўзидин баргу наво ўргандим,
Остонинг итидин рамзи вафо ўргандим,
Эмди бир неча маҳал хизмати устод қилай.

Кошки уйқуда бир кўрсам эди ёримни,
Йиғласам билгай эди ҳоли дили зоримни,
Дард аҳли ўқусун Комила гуфторимни,
Ёзибон кўкда қуёш лавҳина ашъоримни
Насхи машқи қалами Монию Беҳзод қилай.

Эмди менга на ҳожат оламни можароси,
Ким ёр васли эрди кўнгулни муддаоси,
Ҳажрида пора-пора пироҳаним ёқоси,
Бу дарди бедавонинг борму экан давоси,
Марҳам иложи бирла бутмас кўнгул яроси.

Айрилди ёр мендин билмон яқин йироғин,
Жонимға мунис эттим асраб кўнгулда доғин,
Оҳим шарори бирла равшан қилай чароғин,
Дунё юзини истаб топқай эдим сўроғин,
Гар бўлса юз мароҳил мен бирла ёр ароси.

Дил хастау жигар қон, тан дардманд сенсиз,
Фарёд ила фиғоним бўлмиш баланд сенсиз,
Дунёни айламасман ҳаргиз писанд сенсиз,
Ранжурдур ҳамиша бу мустаманд сенсиз,
Айши тамом ғамдур хуноби дил ғизоси.

Васлинг аро фалакдин эрди ривожим афзун,
Сен айлаб азми риҳлат мен қолмишам жигархун,
Фарёд этиб жунундин андоғки сози Мажнун,
Тузмиш бу нотавонинг ғам гўшасида қонун,
Ҳижрон таронасидур ушшоқ аро навоси.

Мендин айирди даврон ул ёри ҳамдамимни,
Қайдин топарман эмди шоҳи мукаррамимни,
Ҳавво сифат жаҳонда изларман Одамимни,
Ёримдин айрилибман кимга дейин ғамимни,
Душвор экан жаҳонда танҳолиғ ибтилоси.

Ёримдин икки гавҳар қолди кўнгул сурури,
Давлатни обрўйи, иқболни зуҳури,
Хушдур кўнгул алардин, жондур алар сабури,
Икки хўжаста фарзанд, икки кўзумни нури,
Бордур кўнгул сурури ҳар қайсининг лиқоси.

Ул шаҳриёри даврон қилди видои олам,
Ким қилди тахту тожин фарзандиға мусаллам,
Ойини адл тузди инсоф бирла ул ҳам,
Шукри худойи олам, субҳи масо дамо-дам,
Ким шоҳдур мукаррам соҳибқирон балоси.

Бу пандни эшиттим бир солики субулдин,
Ёр истасанг гузар қил як бора жузву кулдин,
Фарзанд меҳри элтар ғам зангини кўнгулдин,
Ҳарчанд шод эрурман бу икки тоза гулдин,
Кетмас ҳануз мендин ул ёрнинг вафоси.

Ул ёр васли бирла хуш эрди рўзгорим,
Меҳри вафодин айру йўқ эрди кору борим,
Алқисса гул юзини мендин ёшурди ёрим,
Ҳижрон ғамини чекмак йўқ эрди ихтиёрим,
Рўзи азал худони мундоғ экан ризоси.

Гар бўлмаса висоли менга жаҳонда не бор,
Дўзах эрур кўзумга жаннатда бўлмаса ёр,
Солди мени фироқа маккора чархи ғаддор,
Дунёни ишвасиға мағрур бўлма зинҳор,
Ким даҳр бебақодур, оламни йўқ вафоси.

Афсус шоҳи даврон азм айлади жаҳондин,
Даврон мени айирди ул ёри меҳрибондин,
Хоки раҳи фанодур айрилса жисм жондин,
Ул яхшиларни шоҳи кетти бу хокдондин,
Ийсор анга паёпай бу Комила дуоси.

Оҳ бир сарви сиҳи рафтордин айрилмишам,
Кўзлари бодому гулрухсордин айрилмишам,
Хаста жону нотавонман ёрдин айрилмишам,
Ёри ҳамдам, мунису ғамхордин айрилмишам,
Сўзлари ширин-шакар гуфтордин айрилмишам.

Шоми ғам юзланди хуршиди рахшоним қани,
Тийра бўлди рўзгорим моҳи тобоним қани,
Гулшани айшим хазон бўлди, гулистоним қани,
Жондин ортиқ меҳрибону ғамхори жононим қани,
Бўлмишам бехонумон то ёрдин айрилмишам.

Ҳажр водисиға солди гардиши даврон мени,
Оташи фурқатда охир ўртади ҳижрон мени,
Халқ аро афсона қилди нолау афғон мени,
Ҳажр дардиға гирифтор айлади жонон мени,
Ул гуландому парирухсордин айрилмишам.

Ёр ҳажридин яқони пора қилмай найлайин,
Кўзларим хунобини сайёра қилмай найлайин,
Ёдини дарди дилимга чора қилмай найлайин,
Ҳар тараф васлин тилаб наззора қилмай найлайин,
Воламен, ойинадек дийдордин айрилмишам.

Улки дойим ҳамнишину ҳамдаму ҳамхоб эди,
Шарбати жони висолидин кўнгул шодоб эди,
Хўблиғ давронида хуршиди оламтоб эди,
Илму дониш маҳзанида гавҳари ноёб эди,
Муниси жон, воқифи асрордин айрилмишам.

Эй хуш ул кўнларки, ул гулчеҳра бирла ёр эдим,
Кеча-кундуз давлати васли-ла бархўрдор эдим,
Нуктаи меҳру вафода маҳрами асрор эдим,
Комёби шарбати ул лаъли шакарбор эдим,
Қон ютармен лаъли шаккарбордин айрилмишам.

Ёр кетти эмди ҳижрон можаросидур менга,
Васлига шукр этмадим, фурқат балосидур менга,
Ёдгор ул муниси жоним дуосидур менга,
Кечаю кундуз висоли муддаосидур менга,
Ёри ғамхору неку гирудордин айрилмишам.

Ёр эди ҳамхона, васлини ғанимат билмадим,
Андин айру қолмишам гар қадри суҳбат билмадим,
Ўтти фурсат лаззати айшу фароғат билмадим,
Давлати дийдорини айни саодат билмадим,
Вой, юз фарёд, ёри зордин айрилмишам.

Деб эди бағрингии ҳижрон тиғи бирла тилмайин,
Аҳд этиб эрдики сендин бир нафас айрилмайин,
То тирикдурман жудолиғ можаросин қилмайин,
Ёр кетти, Комила, ҳасратда қолдим билмайин,
Аҳди ёлғон дилбари айёрдин айрилмишам.

Ҳамду сано худоға ҳақдур анинг лиқоси,
Мавжуд бўлди андин икки жаҳон биноси,
Хуш қодирики, йўқтур мулкини интиҳоси,
Халлоқи халқи олам кавнайн Кибриёси,
Фоний тамоми ашё, боқий анинг бақоси.

Соқиё, шароб келтур, махмурман бағоят,
Мутриб, тарона тузким, фурсат эрур ғанимат.
Жоми тараб лабо-лаб мири замон саломат,
Бу дамки соз бўлди қонуни базми ишрат,
Айш этки дилкушодур ушшоқнинг навоси.

Солори мулку давлат, мири баланд ахтар,
Шери далери майдон, Рустамдилу диловар,
Хуршиди бахти тобон моҳи руҳи мунаввар,
Инсофу адл бирла Кисрони қилди чокар,
Ҳиммат хазойинида Ҳотам анинг гадоси.

Берди худойи олам давлат била саодат,
Давридадур вилоят монанди боғи жаннат,
Хушнуд эрур халойиқ обод ҳар вилоят,
Иқболу давлатини ҳақдин тилаб раийят,
Мақбул эрур худоға бечоралар дуоси.

Эй яхшиларни шоҳи, ҳақ сенга ёр бўлғай,
Давлат бўлуб зиёда, умринг ҳазор бўлғай,
Бадхоҳлар ҳамиша оламда хор бўлғай,
Ҳар кимғи бўлса душман мардуди зор бўлғай,
Адл айлабон карам қил, шулдур худо ризоси.

Эй хисрави замона, давлат била амон бўл,
Иқбол маснадида Кайхисрави замон бўл,
Ишрат майини нўш эт, айш ила комрон бўл,
Боқма фалак ишига, ғам чекма, шодмон бўл,
Айтурға арзимайдур оламни можароси.

Бул базми давлат ичра, эй шоҳ, мадҳхонман,
Мурғи таронасанжи бу боғу бўстонман,
Эй Комила, карам қил, ғам бирла нотавонман,
Даври фалак жафосин кимга қилай баён ман,
Кўнгулда бир алам бор, йўқтур анинг давоси.

Салтанат баҳрида пайдо бўлди якто гавҳарий,
Субҳи давлатдин тулуъ этти ҳумоюн ахтарий,
Мунфаилдур моҳрухидин офтоби ховарий,
Саъди акбардур харидори жамоли муштарий,
Ким эрур олий насаб шаҳзодаларни сарварий.

То қадам қўйди жаҳон мулкина ул хуршидфар,
Оразидин бўлди равшан дийдаи аҳли назар,
Айлағил ёраб, ниҳоли қоматини борвар,
Салтанат айвонини шамъидур ул олийгуҳар,
Ким эрур парвонаси хуршиди чархи чанбарий.

Талъати моҳи равон яхши жамоли дил фириб,
Сарви озоди асолат маснадиға берди зеб,
Фарқи фарқадсойи топқай тожи давлат анқариб,
Айлағил жовид умрини анга ёраб насиб,
Топти туғро яхши отидин саодат дафтарий.

Сарви қаддиға муносиб хилъати озодалиғ,
Даргаҳига, такя қилғон кўрмагай афтодалиғ,
Шукрлиллаҳ тоза бўлди мансаби шаҳзодалиғ,
Тонг эмас гар аҳли оламдур тараб омодалиғ,
Ким анинг дийдориға ҳайрондур инсону парий.

Меҳмони нав муборакбод онинг мақдами,
Ким жамолидин мунаввар бўлди чашми олами,
Бахту толеъ чокару иқболу давлат ҳамдами,
Жадди аълоси мукаррам шоҳларнинг акрами
Меҳри дийдори шараф буржини моҳи анварий.

Баҳри давлатдин башорат сизга, эй аҳли жаҳон,
Бир ҳумоюн тифл Бобур наслидин бўлди аён,
Навниҳоли бўстони Темурий соҳибқирон,
Умрдин бар топқай ул шаҳзодаи олийнишон,
Жилвагар моҳи жамолидин асолат жавҳарий.

Тифл эрур шаҳзода султони Музаффар бўлғуси,
Шоҳи даврон ўғлидур оламға сарвар бўлғуси,
Лутфи ҳақдин, давлати узмо муяссар бўлғуси,
Хонадони салтанат андин мунаввар бўлғуси,
Сояи тахти фалак хуршиди тобон афсарий.

Ё раб ул бахту саодат гулбуни топқай камол,
Айлагайсен офтоби толеини безавол,
Сарви якто бўлғай, оз муддатда ул зебо ниҳол,
Домани иқболиға ўлтурмағай гарди малол,
Ҳақ таоло бергай анга давлати Скандарий.

Субҳидам ҳуш аҳлиға пайки сабо берди хабар,
Бўлди пайдо салтанат гулзоридин ширин самар,
Ёраб, андин пойидор ўлғай асоси карру фар,
Фатҳу нусрат бирла ҳар қайси тараф қилса сафар,
Хизр ила Илёс бўлғай баҳру барда раҳбарий.

Ул ҳумоюн тифлни ҳақ зеби кишвар айлади,
Ламъаи дийдори кўзларни мунаввар айлади,
Шеҳнаи меҳри кўнгулларни мусаххар айлади,
Ҳизр умрин оби ҳайвонни мукаррар айлади,
Элни тиргузди Масиҳои лаби жонпарварий.

Келди то оламға ул шаҳзодаи олий табор,
Гулшан мадҳида илҳон бирла булбуллар ҳазор,
Бахт ёвар, толеи фархунда, давлат пойидор,
Гарчи бўлмабдур ҳануз ул тифли гўдак найсувор,
Шоҳлар фармонбари султонлар онинг чокарий.

Шодлиқдин бўлди гулгун лолалар пийроҳани,
Таҳниятдин бўлди савсанни либоси савсани,
Сарву гул базмида пурзар бўлди раъно домани,
Айш савтиға мубаддал бўлдн булбул шевани,
Қўйди гул бош узра давронида тожи аҳмарий.

Келди чун дунёға ул шаҳзодаи олий гуҳар,
Комила қилди дуойи хайр ила сўз мухтасар,
Равшан ўлди шамъи базми ҳазрати султон Умар,
Дўстлар дилшоду душман хотири зеру забар,
Шоҳдур ойинаи иқболни равшангарий.

Неча кун бўлдики ақлу ҳушдин бегонаман,
Шоҳи даврон мотамида беҳуду мастонаман,
Халқи олам ичра бекаслик била афсонаман,
Олам аҳли шод, мен ҳасрат ўтида ёнаман,
Даҳр аро маҳруми дийдори шаҳи Фарғонаман.

Фурқатида аҳли мотам, хаста жону дилфигор,
Мулки оламдин сафар қилди амири номдор,
Салтанат иқлимида ҳам шоҳ эди ҳам шаҳриёр,
Эрди шаҳбози хаёлим базмида анқо шикор,
Эмди ул султон мозори шамъиға парвонаман.

Эй амири нуктадон, туфроғинг узра дод этай,
Сендин айрилдим қаён борай, не манзилға етай,
Менга ёдинг бас эрур, дерман хаёлингда кетай,
Равзаи покинга исори дуо қилмай нетай,
Хонозоди остони ушбу давлатхонаман.

Дардидин беморман, хуррам дил эрдим соғида,
Дуди оҳим нахли мотамдур ғизоси боғида,
Айлади падруд оламни йигитлик чоғида,
Кулбаи эҳзон аро султон Умарни доғида,
Шамъдек ҳар кеча тонг отқунча ўртаб ёнаман.

Моҳи ийд оламға солди партави анворини,
Ёд айларман Умар султонни гиру дорини,
Оҳ ким кўрмак муяссар бўлмади рухсорини,
Арсаи маҳшарда кўргайманму деб дийдорини,
Гоҳ-гоҳ тавф этиб тупроғидан айлонаман.

Жовидон жаннатда бўлғой ҳазрати султон Умар,
Бор эди Фарғона мулкида амири мўътабар,
Шаҳриёри Жамнишон, соҳибқирони додгар,
Айрилиб ул подишаҳдин бўлмайин деб дарбадар,
Ўз диёримда муқими гўшаи вайронаман.

Хуш замонларким аларға ихтилотим бор эди,
Олида поси адабдин эҳтиётим бор эди,
Яхшилар бирла ҳамиша иртиботим бор эди,
Шаҳриёрим базмида айшу нашотим бор эди,
Эмди ғам кунжида ҳасратлар била ўртонаман.

Меҳрибон шоҳимни топмай қолмишам гирён бўлуб,
Оқти бағрим пораси кўзлар йўлидин қон бўлуб,
Халқи олам хушдилу мен бенаво ҳайрон бўлуб,
Ҳажр водисида қолдим бесару сомон бўлуб,
Комила шоҳимдин айру бенаво девонаман.

Алфироқ, аҳбоблар, эй аҳли даврон, алфироқ,
Ким қилур азми сафар султон Умархон, алфироқ,
Қолди ҳажридин кўнгулда доғи пинҳон, алфироқ,
Қанда борди билмадим ул шаҳи даврон, алфироқ,
Ўтти даврони, кўнгулда қолди армон, алфироқ.

Эмди топмасман сени, эй шаҳриёрим қандасан,
Телмуруб қолдим йўлингда шаҳсуворим қандасан,
Гулшани айшим хазон бўлди баҳорим қандасан,
Фурқат ичра қолмади сабру қарорим қандасан,
Ҳасратингда куйди бағрим, ўртади жон, алфироқ.

Эй мусоҳиблар, тамошо вақти шоҳим келмади,
Мавсуми сайр ўлди шоҳи кажкулоҳим келмади,
Шоҳларни шоҳи олий жойгоҳим келмади,
Дод этарман фурқатидин додхоҳим келмади,
Кўзларим йўлларға боқиб қолди ҳайрон, алфироқ.

Лутфи хулқингни бу кеча уйқуда ёд айладим,
Кўз очиб оллимда кўрмай қичқириб дод айладим,
Гоҳ ғамдин нола қилдим, гоҳ фарёд айладим,
Неча кунларким висолидин кўнгул шод айладим,
Эмди ҳажрида кўзумни ёшидур қон, алфироқ.

Бўлмишам шоҳи адолат дастгоҳимдин жудо,
Дўди оҳимдин фалаклар ёнди, моҳимдин жудо,
Бенавоман додрас пушти паноҳимдин жудо,
Мушкул ишлар тушти бошим узра шоҳимдин жудо,
Бўлғудек эрмас бу мушкул манга осон, алфироқ.

Ҳазрати Сайийд Умарким қадрдон эрди манга,
Бир фақири нотавон деб меҳрибон эрди манга,
Марҳаматлиғ сўзлари оромижон эрди манга,
Лутфу хулқи ҳар бири руҳи равон эрди манга,
Кетти ул руҳи равон фарёду афғон, алфироқ.

Рўзи мотамдур бу кун, эй аҳли суҳбат, алвидо,
Эмди тутмасман жаҳон аҳлиға улфат, алвидо,
Кетти шоҳим, жонда қолди доғи фурқат, алвидо,
Қолмади ҳижронидин кўнгулда тоқат, алвидо,
Доғи фурқат қилди дардимни фаровон, алфироқ.

Руҳиға бўлғай илоҳи садри жаннат жойгоҳ,
Ўтти олам мулкидин ул хисрави гетипаноҳ,
Маъдилат бирла жаҳон аҳлиға эрди подшоҳ,
Айрилиб ул подшоҳдин бўлди аҳволим табоҳ,
Дил фигору, сийна решу, дийда гирён, алфироқ.

Эрди бу оламда доим хайру эҳсон одати,
Мустаманду бенаволарға кўп эрди шафқати,
Ўтти фурсат, қолди кўнгулларда доғи ҳасрати,
Лоладек бағримға қўйди доғ султон фурқати,
Чок-чок ўлди гирибон то ба домон, алфироқ.

Қилмас эрди ҳеч ишни ҳақ ризосидин бўлак,
Йўқ эрди кўнглида уқбо муддаосидин бўлак,
Тилға келтурмас эди тангри саносидин бўлак,
То қиёмат Комила қилмас дуосидин бўлак,
Мушфиқ эрди манга ул фархунда султон, алфироқ.

Мусаддас

Муҳаббат кунлари моҳруи дурахшонимни соғиндим,
Мусибат тунлари шамъи шабистонимни соғиндим,
Қародур рўзгорим меҳри тобонимни соғиндим,
Ситамлар жона етти баски жононимни соғиндим,
Амири кажкулаҳ жамшиди давронимни соғиндим,
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим.

Олурдим коми ишрат маҳфили ширин мазоқидин,
Қилурдим сайри жамият баҳори иттифоқидин,
На ҳасратларким кўрдум анинг андуҳи фироқидин,
На кулфатларки ўтти лаҳза-лаҳза иштиёқидин,
Амири кажкулаҳ жамшиди давронимни соғиндим,
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим.

Чаман рангини кўрсам, ёд этарман гулъузоримни,
Биёбон сайрида ёд айларам гардуншикоримни,
Сувора бўлғоч айларман хаёл ул шаҳсуворимни,
Олурда жон истарман амири ғамгусоримни,
Амири кажкулаҳ жамшиди давронимни соғиндим,
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим.

Чаманлар хурраму йўқтур менинг сарви хиромоним,
Сарири салтанат пайдоу йўқтур шоҳи Туроним,
Халойиқ сархушу пайдо эмас ул базми шоҳоним,
Жаҳон хандону гирёндур менга бу чашми хунборим,
Амири кажкулаҳ жамшиди давронимни соғиндим,
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим.

Мусамманлар

Фарёдки ишқ этти мени ёрға мафтун,
Жон волау тан хаста, юрак доғу жигар хун,
Мажнун каби шавқ айлади саргаштаи ҳомун,
Овораи даҳр этти мени гардиши гардун,
Даврон не ажаб қилса кўзим ёшини Жайхун,
Чун айлади оламни бино холиқи бечун,
Муншийи қадар менга қалам чекти дигаргун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожгун.

Мен ҳасрат ила қолдиму ёрим сафар этти,
Қатлимға ғами дарду балони хабар этти,
Ҳижронда насибим мени хуни жигар этти,
Фурқат ўтининг тоби кўнгулға асар этти,
Алқисса фироқ ичра мени дарбадар этти,
Тақдири азалдин мени бе поу сар этти,
Муншийи қадар менга қалам чекти дигаргун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожгун.

Чарх элни гирифтори хами доми ғам айлар,
Бисёр жафолар қилибон раҳм кам айлар,
Мен ғамзадани ҳамдами дарду алам айлар,

Андоғки, ул ой ишқи била муттаҳам айлар,
Токай менга бедод ила жабру ситам айлар,
Охир мени овораи дашти адам айлар,
Муншийи қадар менга қалам чекти дигаргун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожгун.

Ҳар лаҳзаки, эй ёр, сени ёд қилурмен,
Ёдинг била жон хотирини шод қилурмен,
Жон мурғини тан мулкидин озод қилурмен,
Ҳажр офатидин нолау фарёд қилурмен.
Ўз жонима бедод уза бедод қилурмен,
Бахтимни забун толеидин дод қилурмен,
Муншийи қадар менга қалам чекти дигаргун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожгун.

Эй гулшани ғам, эмди баҳор ўлди хазон бўл,
Эй дийдаларим, ёр юзига нигорон бўл,
Эй ҳушу хирад, ишқида расвои жаҳон бўл,
Эй ақл, жунун даштида беному нишон бўл,
Эй оҳ, кўнгул гулшанида сарви равон бўл,
Эй Комила, сен айшу тараб бирла омон бўл,
Муншийи қадар менга қалам чекти дигаргун,
Паймонаи айшимни қазо айлади вожгун.

Мени, эй чархи кажрафтор, ёримдин жудо қилдинг,
Хазондур боғи айшим, навбаҳоримдин жудо қилдинг,
Айирдинг меҳрибонимдин, нигоримдин жудо қилдинг,
Чароғи нурбахши рўзгоримдин жудо қилдинг,
Нигори сарв қомат гулузоримдин жудо қилдинг,
Таним хоки раҳ ўлди шаҳсуворимдин жудо қилдинг,
Қилурмен, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.

Асири дардмен ул муниси жонимдин айрилгач,
Нашотим тийрадур, шамъи шабистонимдин айрилгач,
Бўлубмен заррадек хуршиди тобонимдин айрилгач,
Нигундур қоматим сарви хиромонимдин айрилгач,
Кўзум йўлларида ҳайрон қолди султонимдин айрилгач,
Куяр жон оташи ҳасратда жонимдин айрилгач,
Қилурмен, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.

Ажаб эрмас агар ўтса фалакдин оҳу фарёдим,
Фиғон этмайму кетти бу чамандин сарви озодим,
Кўнгул маъмур эди, эй чарх, вайрон ўлди ободим,
Фалак зулм эттию фарёдрасқа етмади додим,
Фараҳ топмас жаҳони бевафодин табъи ношодим,

Бўлуб девона билмасмен қаён кетти паризодим,
Қилурмен, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.

Неча кундур ул маҳи номеҳрубоним йўқ,
Жамии ҳамнишинлар бору ул ороми жоним йўқ,
Муҳаббат дарди доғидин бўлак номи нишоним йўқ,
Баҳор ўлди, гул очилди, менинг сарви равоним йўқ,
Жаҳон ўртанди ҳажридин ул ошуби жаҳоним йўқ,
Фироқида ғаму ҳасратдин ортуқ достоним йўқ,
Қилурмен, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.

Фалак жисмимни туфроғ айлади, жонимни тиндурди,
Кўнгул шаҳбозини андуҳ домиға илинтурди,
Тажаммул офтобини фалак туфроға индурди,
Тегиб санги маломат шишаи сабримни синдурди,
Қуёш чобуксуворин то фалак рахшиға миндурди,
Муҳаббат аҳлиға жавру жафосини билинтурди,
Қилурмен, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.

Жаҳон боғида булбулдек фиғоним суд қилмайдур,
Гули тасвир янглиғ ғунчаи бахтим очилмайдур,
На дерман Комила пинҳон ғамимни ёр билмайдур,
Кўнгул дардини шарҳ этмакка бир ҳамдам топилмайдур,
Кўнгул бехуддур, ғам бодасидин то йиқилмайдур,
Фалак бераҳмдур, фарёд қилсам кўзга илмайдур,
Қилурмен, эй сипеҳри бемурувват, дод дастигдин,
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.

Таркиббанд

Арзим сенга, эй жаҳон амири,
Жон бирла кўнгул ғаминг асири.
Сенсиз бу кўнгулни қилди мажруҳ,
Шамшири фироқу ҳажр тийри.
Ҳар гўшада қулларинг паришон,
Сен эрдинг аларнинг дастгири.
Фарёдки эмди бенавомен,
Сендек киши враслидин жудомен.

Қилдим Адам ихтиёр сенсиз,
Оламда менга не бор сенсиз.
Кўнгулға эрур малолат афзо,
Сайри чаману баҳор сенсиз.
Сен қандаки бўлдинг фурқат ичра,
Юз жони азиз хор сенсиз.
Гар бўлмаса враслинг, мукаррам,
Манзур эмас кўзумға олам.

Эй ёри шакар лабу вафодор,
Эрдинг бу жаҳонда менга ғамхор.
Сендин мени оқибат айирди,
Юз макр била сипеҳри ғаддор.

Бедорлиғимда кўрмоғим йўқ,
Келғил бу кеча тушумга, эй ёр.
Келсанг қадамингдин ўргулурман,
Лутфу карамингдин ўргулурман.

Бўлди ики йил жудолиғимга,
Кўз тегди бу ошнолиғимга,
Ҳижрон аламида бенавомен,
Раҳм айла бу бенаволиғимга.
Бир дам сени қилмадим фаромуш,
Раҳмат мени бовафолиғимга.
Кўнглумда ҳануз иштиёқинг,
Жон ичра талотуми фироқинг.

Иқлими Адамға кетти ёрим.
Юзланди хазона навбаҳорим.
То хисрави мулки давлат эрдинг,
Васл ичра хуш эрди рўзгорим.
Мен сабр била таҳаммул этдим,
Ҳарчандки кетти шаҳсуворим.
Эмди бу жаҳон мутеъи хонбод,
Шаҳзодалар умри жовидон бод.

Кел, дийдаларимда қил нишиман,
Бир лаҳза кўзумни айла равшан.
Гул фурқатида нечукки булбул,
Ҳажрингда ишим фиғону шеван.
Ошуфтау зор сендин айру,
Эй тоза баҳори боғу гулшан.
То бор бу жаҳон мену сўроғинг,
Жонда аламинг, кўнгулда доғинг.

Булбул сифат айларам тарона,
Ул гул ғазали эрур баҳона,
Азм айлади кибриё жанобин,
Султони баланд остона.
Кўйинг сари айларам дамо-дам,
Кўз ёшини номасин равона.
Бор эрди сенга мутеъу маҳкум,
Ҳоқони Хито, халифаи Рум.

Эй дўст, фироқ илгидин дод,
Қилди мени мустаманду ношод,
Албатта, фаришта, ё парисен,
Бу шакл ила бўлмас одамизод.
То Комила қолди сендин айру
Пайваста қилур дуо била ёд.
Ё раб, сенга тангри роҳат этсун,
Жонингни риёзи жаннат этсун.



Қутлуғ Башаров. Ғазалхонлик

Қутлуғ Башаров. Нодира, Увайсий, Маҳзуна

Таржиъбанд

Хатинг иштиёқин савод айладим,
Кўзумни қаросин мидод айладим.
Мени баски девона қилди ғаминг,
Жунун аҳлиға иттиҳод айладим.
Кўруб тушда васлингни беихтиёр
Фиғон чектим андоғки, дод айладим.
Рафиқим жигар хаста афгорлар,
Алар бирла аҳди видод айладим.
Сени жуду эҳсона тарғиб этиб,
Хитобингни хайрул-жавод айладим.
Муродимни сендин топарманму деб
Халойиққа саъйи мурод айладим.
Хаёл ичра кўргуз менга чеҳраким,
Висолингни бисёр ёд айладим.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Хуш ул кун, сени бирла дамсоз эдим,
Ниёз ичра сармояи ноз эдим.
Фалакдин буюкроқ эди рифъатим,
Ки васлинг ҳаримида мумтоз эдим.
Муҳайё эди барчаси сайди мурод,

Ки султоним илгида шаҳбоз эдим.
Шабу рўз ёдингда эрди кўнгул,
Хаёлинг ила маҳрами роз эдим.
Аёғинга бошим қўйиб субҳу шом,
Сарафрозларға сарафроз эдим.
Висолингни базмида шодоб ўлуб,
Наво аҳли бирла навосоз эдим.
Гул эрдию юзинг мен они шавқида,
Саҳар андалиба ҳамовоз эдим.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Қаён бординг, эй сарви нозим менинг,
Санга етмас арзи ниёзим менинг,
Висолинга мағрур эдим неча кун,
Ниёз ўлди ул барча нозим менинг.
Фиғонким топилганда сайди мурод,
Ҳаво айлади шоҳбозим менинг.
Фироқ илгида топмадим чорае,
Ки васлинг эди чорасозим менинг,
Жамолингдин айру тушуб кечалар,
Хаёлинг эрур дилнавозим менинг.
Сенга эътиқодим кўпу сабрим оз,
Фидодур сенга кўпу озим менинг.
Куюб, ўртануб шамъ, сув бўлди пок,
Асар қилди сўзу гудозим менинг.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Сенга қайси ғамни баён айлайин,
Неча оҳ тортиб фиғон айлайин.

Маконинг сенинг қайси манзилдадур,
Кўзум ёшидин хат равон айлайин.
Хаёлингни кўнгулда ҳозир қилиб,
Ғамимни сенга достон айлайий.
Ўшал аҳди ёлғон жафопешасен,
Сени тобакай имтиҳон айлайин.
Жудолиғ румузини изҳориға
Қаламни тилин таржумон айлайин.
Кўнгулни сурури жигар гўшалар
Булар шукрини ҳирзи жон айлайин.
Кўзум нурини равшан эт, эй Худо,
Тамошои амну амон айлайин.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Эрурман гаҳи беҳуду гоҳи лол,
Ўкуш ноладин пайкарим бўлди нол.
Кўнгул мулкина ўт солиб иштиёқ,
Бошимни қилиб хайли ғам поймол,
Бўлуб арғувони юзум заъфарон,
Алиф қоматим бўлди ҳажр ичра дол.
Бу фарзандларким берибдур худой
Насиб айлагай ҳар бирига камол.
Хусусанки кўз нури Хон шаҳриёр,
Худо айлагай давлатин безавол.
Муҳаммад Аминхони нодирға шукр,
Бўлур бадри тобон бу наврас ҳилол.
Шифо топди Валнаъми Султон бахайр,
Ки бор эрди кўнгулда андин малол.
Висолинглин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Сен эрдинг жаҳон ичра давлат била,
Висолингда эрдим саодат била.
Қадинг сарви хулд ичра қилди хиром,
Кўнгул қолди шўри қиёмат била.
Чун мен ҳажр водийсида қолмишам,
Фироқ илгида юз надомат била,
Дуолар тилаб руҳи покинг учун,
Ишим бўлди хайру саховат била.
Саховат ишим, хайрдур одатим,
Сени изларам ушбу одат била.
Сипоҳу раийятни таҳқиқ этиб,
Жаҳон ичра қолдим машаққат била.
Мени салтанат маснадида кўруб,
Гумон этма айшу фароғат била.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Дариғоки, жони жавонинг сенинг,
Манга жон каби эрди жонинг сенинг.
Қаю маргзор ўлди жавлонгаҳинг,
Қаю бўстондур маконинг сенинг.
Бўлуб юз минг афсона шаҳри фироқ,
Тамом ўлмади достонинг сенинг.
Қаён бординг, эй меҳри йўқ бевафо,
Мен эрдим ўшал меҳрибонинг сенинг.
Дуолар била дам-бадам ёд этар,
Фироқ ичра бу нотавонинг сенинг.
Улус ҳожатин равон айладим,
Суюнгайму руҳи равонинг сенинг.
Жигаргўша кўз нури фарзандлар,
Ки бу барчасидур нишонинг сенинг.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Ризожўман, эй дилситоним, сенга
На бўлдики, етмас фиғоним сенга.
Бошим поймолингдур, эй сарвиноз,
Фидодур бу ошуфта жоним сенга.
Фироқингда ашким равондур мудом,
Ки то восил ўлғай равоним сенга.
На даркор сенсиз жаҳон бирла жон,
Тасаддуқ бу жону жаҳоним сенга.
Агар ўлсам бу водий аро, эй ҳумой,
Ғизо бўлғуси устихоним сенга.
Қирон этти ғам лашкари жонима,
Қилай арз соҳибқироним сенга.
Хаёл ичра ҳар ён назар айласам,
Боқар дийдаи хунфишоним сенга.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Қаён бординг, эй шаҳи гардунсарир,
Фалак эрди ҳукмунгға фармон пазир.
Дариғоки, жони жавонинг учун
Мурувватға майл этмади чархи пир.
Юзунгни ер остида пинҳон этиб,
Мени ҳажр домиға қилдинг асир.
Чиқиб равшан айла жаҳон мулкини,
Ер остидин, эй офтоби мунир.
Чу адл айладинг рўзи маҳшар, сенга

Расули худо бўлғуси дастгир.
Кел, эй мунисим, сабру ишқимга боқ,
Жамолинг фидоси қалилу касир.
Қошинг бирла киприкларинг ҳажрида
Бу ёнимда ханжар, бу ёнимда тийр.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Мени, эй фалак, бенаво айладинг,
Ҳазин жонима кўп жафо айладинг.
Айирдинг мени зулм ила ёрдин,
Фироқ илгина мубтало айладинг.
Куҳан золи маккорасен, эй фалак,
Бу оламда кимга вафо айладинг.
Худоё бериб Хонга иқболу жоҳ,
Жаҳон аҳлига пешво айладинг.
Муҳаммад Аминхон жамоли била
Мени доми ғамдин раҳо айладинг.
Валинаъм дардиға дармон бериб,
Либоси саломат ато айладинг.
Илоҳи булардин айирма мени,
Амири жаҳондин жудо айладинг.
Қилиб шукр сабр айла, эй Комила,
Бу сўзларни айтиб дуо айладинг.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Жаҳон шоҳи эрдинг Фаридун каби,
Хазойин зари ганжи Қорун каби.
Салобатда Скандари Румдек

Фатонат ерида Фалотун каби.
Ниҳоли қадинг гулбуни ноз эди,
Насаб боғида сарви мавзун каби.
Юзунг ҳасратида равондур мудом,
Кўзум ёши дарёи Жайхун каби.
Юзум нуқраси эрди кофургун,
Сариғ бўлди ҳажрингда олтин каби.
Алифдек қадингни фироқин чекиб,
Букулди қадим ҳалқаи нун каби.
Бу абётларни юзунг ҳажрида
Деди Комила дурри макнун каби.
Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,
Нелар тушти бошимға сендин йироғ.

Фироқнома

Оҳким беҳад менга жавру жафо айлар фалак,
Фурқат ичра қисматим дарду бало айлар фалак,
Ёрдин айру менга кўп можаро айлар фалак,
Ғам била гулдек юзумни каҳрабо айлар фалак,
Бевафодур оқибат кимга вафо айлар фалак,
Ҳасрату дарду аламга мубтало айлар фалак,
Ёрнинг албатта, ёридин жудо айлар фалак,
Гул била булбулни бебаргу наво айлар фалак,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ, меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Сабр қилсам ишқ дарди беқарор айлар мени,
Касби ҳуш этсам жунун беихтиёр айлар мени,
Дам-бадам фарёдим элдин шармисор айлар мени,
Ҳажр доғи дардманду дилфигор айлар мени.
Уйлаким жаври фалак зору низор айлар мени,
Ёрсиз ҳижрон балосиға дучор айлар мени,
Чархи дун токай фироқ илгида зор айлар мени,
Оқибат бу дарду ғам Мажнун шиор айлар мени,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Ёридин айру кўнгулдур тийрау ошифта ҳол,
Офтобим неча кун бўлдики кўргузмас жамол,
Фурқат ичра бадри тобон заъфидин бўлди ҳилол,
Ғам юки охир алифдек қоматимни қилди дол,
Эй хуш ул соатки эрдим маҳрами базми висол,
Дарди ҳижрон ибтилосин айламас эрдим хаёл.
Ул замон эрди бу нуқсонлар менга айни камол,
Борди ул сарви равон, мен қолмишам беҳушу лол,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Қайдасен ёрим, сўроғингда кўнгул оворадур,
Кечалар то субҳ ашким кавкаби сайёрадур,
Сарви қаддинга кўзум муштоқи бир наззорадур,
Пиразоли чарх ким ошиққушу маккорадур,
Жаври зулмидин юракда бениҳоят ёрадур,
Эмдиким сабр айламакдин жайби тоқат порадур,
Йиғламай найлайки ғам жонимни ўртаб борадур,
Чора топмай дардиға бу нотавон бечорадур,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Бир келиб ҳолимни султоним тамошо қилмади,
Бедаво дардимга раҳм айлаб, мудово қилмади.
Айрилиб, андин кўнгул тарки таманно қилмади.
Тош бағирлик ёр фарёдимға парво қилмади,
Юсуф ишқида бу ишларни Зулайхо қилмади,
Ўтти Вомиқ даҳрдин ёдини Узро қилмади,
Мотами Фарҳодни Ширин тақозо қилмади,
Лайли ҳижронида Мажнун мен каби ёқилмади,

Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Бенавомен қандасен, эй шаҳриёри муҳтарам,
Шарбати васлингни топмай қон ютарман дам-бадам,
Сарв янглиғ қоматимни бори меҳнат қилди хам,
Менга сенсиз дард уза дарду алам узра алам,
Сендин айрилғоч ғизоли ҳуш мендин қилди рам,
Дард – ёру ғусса– ҳамдам, ғам фаровон, айш кам,
Билмаган бўлсам висолинг давлатини муғтанам,
Ҳажр этак ушлаб, гирибонимни маҳкам тутти ғам,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Нола қилдим ёрнинг васли муяссар бўлмади,
Толеим раҳбарлиғ айлаб, бахт ёвар бўлмади,
Васл сори давлату иқбол раҳбар бўлмади,
Кўзларим меҳри жамолидин мунаввар бўлмади,
Менга ҳамдам бир кун ул хуршид манзар бўлмади,
Бир нафас диййдоридин жон баҳрапарвар бўлмади,
Кимдур ул ким келди дунёга мукаддар бўлмади,
Ҳажр дардидин паришонҳолу абтар бўлмади,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Менга ул кун ким вафоға аҳду паймон айлади,
Нўшдоруи лаби дардимға дармон айлади,
Сўнгра қилғон ваъдаларни барча ёлғон айлади,
Ё магар ул аҳду паймондин пушаймон айлади,
Васл хонидин насибим доғи ҳижрон айлади,

Лоладек бағримни доғи фурқати қон айлади,
Хотири жамъимни бу ҳасрат паришон айлади,
Мен қолиб ғурбатда, шоҳим азми жавлон айлади,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Сен қилиб азми сафар мен дард ила маҳжурман,
Ёд айлаб лабларинг саҳбосини махмурман,
Васлинг истаб офият сарманзилидин дурман,
Эл гумон айларки бу давлат билан масрурман,
Айламасман салтанатни ёрсиз манзурман,
Муғтанам билмай висолингни агар мағрурман,
Эмди кўзгу аксидек ҳайратда номақдурман,
Қилмангиз манъи фиғоним, ёрдин маҳжурман,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.

Эй муғанний нағмасоз эт Комила гуфторидин,
Ким келур бўйи вафо ушшоқ аро ашъоридин,
Риштаи жонимға пайванд айла созинг торидин,
Қилмасунму нола, айрилди вафолиғ ёридин,
Тошни сув қилди таъсири фиғону зоридин,
Ногаҳон бир оҳ агар чекса дили афгоридин,
Чарх бунёдини хокистар қилур осоридин,
Бўлмасун маҳрум ошиқ ёрнинг диййдоридин,
Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.